





---

**Абдумажид АЗИМ**

---

*Танланган  
асарлар*

4 ЖИЛДЛИК  
1-ЖИЛД



**ҚИЁМ ПАЛЛАСИ**

(1978-1995 йиллар)  
(ШЕЪРЛАР)

**«FIRDAVS-SHOH»  
ТОШКЕНТ – 2022**

УДК 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)

А 37

**Азим, Абдумажид**

А 37 Танланган асарлар. 4 жилдлик. 1-жилд. Қиём палласи [Матн]: шеърлар / Абдумажид Азим. – Тошкент: “Firdavs-Shoh nashriyoti. 2022. – 268 б.

ISBN 978-9943-8306-2-2

Сўзда сеҳр, шеърда ҳикмат бор. Шеърхонга оддий, маълум гаплар тизмасини тақдим этиш вақти ўтди. Кутилмаган ташбеҳлар ва хулосалар шеърнинг мақомини юксалтиради. Сўз мўъжизаси ана шунда намоён бўлади. Шеър ўқувчи учун ҳамиша сеҳрли, жозибали бир олам. Ҳаммамиз ҳам ҳамиша сеҳру мўъжизага ташна-миз. Таниқли шоир Абдумажид Азим ижоди билан танишиб, шеърятнинг тилсим дунёсида сайр қилинг.

ISBN 978-9943-8306-2-2

© Абдумажид Азим, 2022

© “Firdavs-Shoh” nashriyoti, 2022



\* \* \*

Баҳор бу ўлкага келганда такрор,  
Уфура бошлайди гулгун насимлар.  
Умрим, баҳорларинг кузатдинг бедор,  
Қуш бўлиб учганда зангор фасллар.

Самода қалдирғоч урмоқдадир чарх,  
Ёмғирдан ивиган кенг далалар жим.  
Оппоқ наволарга бўлмоқдадир ғарқ,  
Мусаффо бир кўшиқ истаган қалбим.

Оламга нурларин қуймоқда офтоб,  
Гиёҳлар унмоқда қирлар сағрида.  
Кўклам шиддатига беролмайин тоб  
Қорлар эриётгир тоғлар бағрида.

Парвозга чоғлана бошлайсан гўё,  
Қалбингда севикли бир туғён фақат.  
Зангор туйғулардан ясаниб дунё,  
Кўркини оламга сочса табиат.

Олам гўзаллашар сен ўйлагандан,  
Гуллар ҳам тун бўйи бир-бир очилар.  
Тонг чоғи уйғониб, ҳеч бўлмаганда,  
Кўзингга йиғила бошлар томчилар...



---



\* \* \*

Бузилар ёмғирнинг томчиларидан  
Боғларнинг кўйнига қамалган сукут.  
Олисдан, кўкламнинг совчиларидан  
Келтирса биринчи саломни булут.

Осмон такрорлайди тинмай бир сўзни,  
Туёқ изларида ялпизлар бўйи.  
Челаклаб куйгандек очирмай кўзни  
Оламни тутади ёмғирлар куйи.

Сирғаниб четидан ёмғирпўшларнинг  
Тақир сўқмоқларни қамчилаб урар.  
Ва узоқ ғашига тегиб кушларнинг  
Булут карвонлари изғишиб юрар.

Куртаклар тўлишиб, ёмғир сувидан  
Кўркам коматини силкир арчалар.  
Томлар бўғотида турар ивиган  
Патини қуритиб чумчук, зағчалар.

Субҳидам.  
Ўрикзор мудрок, тўлғонар,  
Майсалар баҳорни кутлайди маҳтал.  
Кўкламнинг беғубор тонги уйғонар,  
Минглаб томиримда гуллайди ҳамал!



---



## ҲАҚИҚАТ

Чинқирар юрагинг тунлар асабий,  
Қиёфанг киргандир кумнинг тусига.  
Фаластинлик гўдак фарёди каби  
Қувғинда юрасан Замин юзида,  
Мен сени топаман, ҳақиқат.

Разолат ўқидан юлдузинг сўниб,  
Мозоринг чўкмоқда олис тупроқда.  
Сағир қиз сингари хўрликка кўниб,  
Кўз ёшлар тўқарсан тунлар овлоқда.  
Мен сени топаман, ҳақиқат.

Чўян бинодаги темир ғаладон  
Тунлар кўкрагингдан босар хотиржам,  
Юзгубан ётурсан бунда чалажон,  
Дўсту ғанимларни ўйлаб ҳозир ҳам!  
Мен сени топаман, ҳақиқат.

Олам рангларига тўймади кўзим,  
Лабларим армонли пичирлар секин.  
Ҳақиқат эгилар, синмагай лекин,  
Шунчаки бир гапми боболар сўзи?  
Мен сени топаман, ҳақиқат.

Агар сен бор бўлсанг ердами, кўкда  
Ёки борса-келмас бирон овлоқда.  
Қуёш ётар жойи — алвон уфқда,  
Оёқ қуяр сахро ё ёнар тоғда,  
Мен сени топаман, ҳақиқат!



---



## РУҲИМДА ХАЙРАТЛАР

Ёмғир ёғиб ўтди айни тонг чоғи,  
Яйдоқ кенгликларда соф, тоза насим.  
Нурларга тўлдириб қўйним, қучоғим,  
Осмонга термулиб ётарман сокин.

Ётарман, унутиб буткул ўзимни,  
Тотли ҳорғинликдан кўтаролмай бош.  
Очмоққа уриниб жоду кўзини,  
Ёнимда чечаклар мудрайди ювош.

Олам жим, кўчалар, чорраҳалар жим,  
Осмон кенгликлари чексиз, бепоён.  
Бир хасдай ётарман, асли мен ҳеч ким,  
Чумоли ёнимда айтади азон.

Шабнамдай топ-тоза руҳи равоним,  
Ёдим дарахтада сайрайди кўнгил.  
Умримдай азиздир бунда ҳар оним,  
Капалак мисоли учарман енгил.

Бу бахтни эртага бўлурми топиб,  
Келинчак мисоли гўзалдир олам.  
Яйдоқ кенгликларда қикирлаб, чопиб  
Яйрагин юрагим, ай беғам болам.

Ёмғир ёғиб ўтди айни тонг чоғи,  
Руҳимда дунёнинг ҳайратлари бот.  
Нурларга тўлдириб қўйним, қучоғим,  
Мушфиқ оғушингга қайтарман, ҳаёт.





\* \* \*

Даладан қайтарди қиз,  
Шомда тугаб юмушлар,  
Мезон фасли, авжи куз  
Сувга кўнди оққушлар.

Тўлкинларга тўш уриб,  
Сузишдилар дадил, шахт.  
О, гўзал қуш, гўзал қуш,  
Моҳирўйга тилаб бахт!

Қушларим бу малакка  
Қилманг ҳеч озоргина,  
Бахт, толедан бўлакка  
Бўлмасин ул ёргина!

Не айтсангиз ижобат  
Бўлғусидир, қушларжон.  
Қизга айланг мукофот  
Юлдузлардан оқ маржон.

Ўйлар сурмакни якка  
Ишққа йўярлар дарров,  
Зулфлари жамалакка  
Оғиз сололмас биров!

Уйга қайтар тун чоғи,  
Кузатиб оққушларни.  
Оқшомлар қиз қучоғи  
Қучар оппоқ тушларни.

Кеча сўнгида ногоҳ,  
Айланар ул оққушга.  
Оламда энг бегуноҳ,  
Оламда энг пок қушга.

Гўзал қушлар ортидан,  
Учар олис маконга.  
Қайтар саҳар вақтида  
Дала — таниш осмонга!



---



## ОТАМ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Кездим шаҳар ўйларим порлок,  
Тўйиб қору ёмғир исига.  
Қишлоқдаги сочлари оппок  
Дехқон отам тушиб эсимга.

Қору ёмғир асли ёруғ юз,  
Элу юртда маъмурлик шоён.  
Ватанингга гар бердингми сўз  
Устидан ҳам чиқарсан, аён.

Чўллаган боғ мева бермасдан,  
Қақшаб қолди бир йили роса,  
Ота, боққа парво қилмасдан,  
Суғорардинг ойдинда ғўза.

Ота, хазон бўлмагай боғинг,  
Шиғил мева тугар бехато.  
Юрагингдан кетгайдир доғинг,  
Бу йил сувлар серобдир, ота!

Сен аҳёнда бир қур ўйлайсан  
Аёлингни, болаларингни.  
Бироқ чуқур, чуқур ўйлайсан  
Пахтазору, далаларингни!

Улғайишар ўғиллар дуркун,  
Ейишар-ку топиб нонини,  
Чўллаб қолган ғўзалар учун  
Қизғанмаслар хатто қонини.

Қорайтириб юзингни оташ,  
Офтоб ҳамроҳ бўлади якдил.  
Суғорасан уфққа туташ  
Эгатларни қувониб бу йил!

Ўқилмаган буюк китобдир,  
Далаларга ёзган достонинг.  
Дарёларинг бу йил серобдир,  
Менинг ота—Ўзбекистоним!





## СОҒИНЧ

Сенинг ҳар галгидек омадинг кулмас,  
Олислаб кетгандек туюлади уй.  
Наҳот, танишларсиз ҳеч ишинг битмас  
Кўксингни тимдалар аллақандай ўй.

Тупроқли кўчалар кўзинг ўнгида,  
Касалманд онангни тагин эслайсан.  
Қўл силтаб барига, сафар сўнгида  
Юксак биноларга боқиб бўзлайсан.

Устингдан ҳамхонанг қилади эрмак,  
Таъналар кўксингга ботади тигдай.  
Сарғайган қирларни кўмсайди юрак,  
Тутундан бўғилган шаҳарга сиғмай.

Эълон тахталарга қоқиб кўзингни,  
Дейсан, қололмайман, кетаман бундан.  
Шаҳар эшитмайди аммо сўзингни,  
Бош олиб жўнадинг ёмғирли тунда.

Яна қайтаяпсан ҳорғин изингга,  
Сарғайган қирларга тўймайди нигоҳ.  
Йўллар, масофалар оқар изингдан  
Яқинлаб келади кадрдон кишлок!



---



## ЧОРЛОВ

Букун тилларимга бўйсунмас сўзлар,  
Куйлар томирларим — жарангли торлар.  
Осмонни тўлдириб турган юлдузлар  
Бизларни бахтиёр бағрига чорлар.

Камалак сингари кўкка тирмашиб,  
Шахт-ла тўлқинларга урамиз қанот.  
Олов нафасимиз лаҳза чирмашиб  
Чақинга айланиб кетармиз озод.

Алвон ёноғингдан таралгай шуъла,  
Офтоб хавотирга тушади ногоҳ.  
Юрагим афсункор гулларга тўла  
Сенга амлокингдир кўксимдаги боғ!

Юракнинг бетўхтов дупурларидан,  
Гўзалдир оҳангни туймоқ бир хилда.  
Ойнинг нурларини ичиб оҳиста,  
Юраклар сўйлаша бошлар бир тилда.

Ҳамроҳимиз бўлгай кўкдаги офтоб,  
Муяссар бўлурмиз бахтга мукамал.  
Кўксимда юракка айлангин, моҳтоб,  
Бахтлар диёрига кетишдан аввал!



---



## ЎТАЁТГАН ЙИЛЛАР

Йигирманчи аср кечар асабий,  
Турфа қийноқларга солиб жонимни.  
Йўрғаклар меҳрибон волида каби  
Қадимий момомиз — Бибихонимни!

Чўллар кучоғида, тоғлар бағрида  
Оналар туғмоқда ёвкур ўғиллар.  
Ўзбекнинг энг хилват қишлоқларида  
Беруний, Синолар кайта туғилар!

Бу аср бағрида йўқдир мўъжиза,  
Самодан кузатар Ерни фазогир.  
Кундан-кун кўпаяр кўзим ўнгида  
Инсонни қуршаган шубҳа, хавотир.

Яшашим керакдир ҳаловат билмай,  
Нурлар тезлигида қувлаб йилларни.  
Оқар томиримда туғёнлар тинмай,  
Йиллар манглайимга чизар йўлларни!

Олиб учар мени йиллар қаноти,  
Юксак чўққиларга элтар бокира.  
Янгидан бошланар менинг ҳаётим —  
Туғилдим — энди мен ўлмаيمان сира!

Ҳақиқатнинг теран осмонларига —  
Офтоб манзилига элтар бу йўлим.  
Дунёнинг қоронғи туманларида  
Юрган одамларга чўзарман кўлим!

Йилларда мўъжиза рўй берар шунда,  
Оғочлар бир-бирин одамдай суяр.  
Фалакнинг бегуноҳ қушлари унда  
Қайноқ қафтларимга келиб ин кўяр!

Қувончу изтироб тилиб кўксимни,  
Бошим Ер шаридай айланар тинмай.  
Опичиб ўтарман, башар ўзингни,  
Оловли йўллардан ҳаловат билмай!







\* \* \*

Қамишдан мен тикайин либос,  
Сен зарбоф деб қабул эт уни.  
Уйим бўлар, ишон, бир куни,  
Керак бўлмас ҳеч қандай жиҳоз.

Уйим бўлар  
Қамиш каталак,  
Ёзғирмагин сира ёздиқдан.  
Оқ тун.  
Қамиш либосли малак,  
Бошингни қўй тош— пок ёстикқа.

Очиқ томдан боқамиз ойга,  
Оқ тун.  
Қалблар жуфт тепган дамлар.  
Сен бунчалар тенгсиз — чиройда,  
Хира тортар барча ҳашамлар...



---

\*\*\*

Юрагимда бу кеч  
Йиғлади баҳор,  
Булбул нола қилди.  
Юрак-бағри чок.  
Дунё, сўзларимга  
Инонгин бир бор.  
Ташна кўзларимга  
Дунёжон, бир боқ.  
Алам, ҳасратимни  
Тушунгин бу кун,  
Не боис фалакка  
Исёнлар қилдим.  
Юрагимни сенга  
Кўрсатмоқ учун,  
Кўксимни ланг очиб  
Қошинга келдим.  
Турибман ёнингда  
Сўзсиз, паришон.  
Бир оғиз сўз истаб,  
Истаб бир калом.  
Бу кун ҳасратимни  
Тингла, дунёжон,  
Букун шодлигимга  
Шерик бўл, олам.



---



## ТАХТ

Халқим, деди етти букилиб,  
Имкон беринг, ўзимни синай.  
Халқим, деди мулойим кулиб,  
Изн беринг, бул тахтга минай.

Тилло тахтга ўтирғизди халқ,  
Сўзларига қилмасдан гумон.  
Аврамоққа тож соҳибин нақ  
Ин қурганда тахтда бир илон.

Кимки келиб ўлтирса магар,  
Елкасига чиқар айри тил.  
Элинг дейди, подадан баттар —  
Фармонингни юрит, ғазаб қил!

Ахтаришиб ҳақиқат сўзин,  
Мардум қолди ғимирлаб пастда.  
Хира тортди даставвал кўзи,  
Заифлашди тафаккур аста.

Рўзғори бут, қозони ёғлиқ,  
Тупурди у тамом барига.  
Халқми, дейди қовоғи солиқ,  
Очдан ўлса, ундан нарига.

Илон шоҳнинг кўнглин тўлдирар,  
У саройда ноёб, арзанда.  
Халқ билмайди, тахтда ўлтирар  
Одамтахлит совуқ газанда.



---



## НЕЧУН

Нечун бу тупрокнинг ҳар битта гарди  
Исёндан шу қадар ҳайиқиб турса?  
Нечун бу улуснинг бўлмаса марди,  
Бўлса ҳам бойлик ё мансабга урса?

Бўғизда бўғриқиб музлаган тиллар,  
Зир-зир югурамиз чопиб, ҳарсиллаб.  
Ҳасрат-ла эгатга эгилган беллар,  
Туришга чоғланса синар қарсиллаб.

Заҳмат даласида гезарган ўғлон,  
Нечун юрагингда нолалар йўқдир?  
Нечукким, даҳолар туғмас бу осмон,  
Нечун бу заминда волалар йўқдир?

Замин айланади — тегирмон тоши,  
Дорлар тикилади — бошланар қатл.  
Хун билан қоришиқ Ватан кўз ёши,  
Қачон бу тупрокда тикланар адл?!

Адлу адолатдан, ҳаққу халлоқдан,  
Юз буриб бекитдим кўзда ёшимни.  
Бир садо янгради ноҳос овлоқдан,  
Тупрокқа оҳиста кўйдим бошимни.

Юзтубан ётибман, ўзимни билмай,  
Тескари, тескари дея бу қисмат.  
Жоҳиллар тепкилар ҳеч раҳм қилмай,  
Мен ахир кимларга қилурман хизмат!

Умрим адо бўлур гумонлар ичра,  
Ростини сўзласам, осийман бадкор.  
Нокасу таъвия, тубанлар ичра,  
Яшашдан ақалли қилмаяпман ор!





\* \* \*

Дунё ёлғон букун,  
Дунё кўр букун.  
Ёлғон йўриқларга,  
Юрак, юр букун.  
Бол дея ютганим,  
Аслида заҳар.  
Ўзни парвонадек,  
Ўтга ур букун.

Ғамлар кучоғини  
Суйибди, жоним,  
Томуғ азобини,  
Туйибди жоним.  
Не бир гуноҳимга  
Ул рўзи маҳшар.  
Дўзах оловида,  
Куйибди, жоним.

Топтар ғам лашкари  
Сайрона кўнглим.  
Хароба, чолдевор,  
Вайрона кўнглим.  
Хазон япроғидай.  
Титрайди саҳар,  
Фалакка термулиб  
Ҳайрона кўнглим.





\* \* \*

Сина, мени синайвер, юрак,  
Вужудимда йилларнинг занги.  
Қийна, мени қийнайвер, юрак,  
Оқарган соч — йўлларнинг чанги.

Нух кемаси қолиб гирдобга,  
Тўфонларга бўлгандек туткун.  
Азобдан дил тўлиб зардобга,  
Сарғайибди тарзим кунма-кун.

Нечун солар кўксимга чангал  
Ер юзида судралган ҳар кас.  
Юрак, сенга айтаман дангал:  
Мени кўп ҳам эркалатма, бас!

Қийна, мени қийнайвер, юрак...



---



## ДЕРАЗА

Мактаб деразасин синдириб бехос,  
Айбингни ағдардинг менга, синфдош.  
Жазолангиз дедим, қахрамонга хос,  
Йўқ айбим тан олиб, аталдим бебош.

Устоз уришмади, деди хўмрайиб:  
Ойна келтирмасанг, кўрсатма қоранг.  
Турардинг синфдош маккор илжайиб,  
Шўхлик жиноятга айланди, қаранг!

Синфдош, яшириб мендан кўзингни,  
Хоинга айландинг сен ўша лаҳза.  
Мен ҳам оқлолмадим бироқ ўзимни,  
Дарз кетди беғубор юрак — дераза!

Оқ соч муаллимни эслайман баъзан,  
Кўрқоқ ҳамсинфим ҳам олис хотира.  
Сенга йўлолмайман аммо дафъатан —  
Дарз кетган болалик — беғам, бокира!

Очиқ айтолмадим нега сўзимни,  
Синган деразани тўсдим кўксим-ла.  
Оқласам бўларди ахир ўзимни  
Сўзлар тош қотганди лекин бўғзимда.

Тугади болалик баҳорим барвақт,  
Содда ҳайратларим турар ўкиниб.  
Жасорат қилишга айласам-да, шахт  
Вақт мендан олди қаттол ўчини.

Яшайман, кўксимда оғриқлар сезиб  
Бебош, ўт ёшликнинг дамлари тинди.  
Аччиқ изғиринлар туради эсиб, —  
Юрак — деразамдан бир умр энди...



---



## МЕН КЕТАРМАН

Мен кетарман, алвидо, ёр  
Нафасларим бўғар ҳаво.  
Менга бунда не илинж бор,  
Ғофил эрур шоҳу гадо.

Мен кетарман, ўртаниб гоҳ,  
Ғам-аламдан тўлғониб гоҳ.  
Хунолуд бу кечаларда,  
Ёлғиз ҳамдардим —Худо.

Мен кетарман, юраклар қон,  
Хонумонимдан жудо.  
Мен кетарман, дўсту ёрон,  
Ақраболар, алвидо.

Алвидо, эй кўнгли қаттиқ,  
Меҳру адодан Мосуво.  
Мен кетарман, лоқайд, тантик  
Эй бедаволар, алвидо.





## ЎЗБЕКИСТОН

Келганман эҳтимол  
Ўзга замондан,  
Менинг ўттиз йилим  
Сўзламас ростин.  
Менинг ўттиз йилим  
Куйди ёлғондан,  
Менинг ўттиз йилим  
Ёлғончи дўстим.  
Нетай, бу танимда  
Жоним омонат,  
Кимнингдир қошида  
Эгилиб турсам.  
Кечир, гуноҳимни  
Аҳли жамоат,  
Хилватда халқим деб  
Кўксимга урсам.  
Нега ғам чекмайин,  
Қийналмай нечун?  
Шу мушфиқ улусни  
Онам деб суйдим.  
Халқинг кўй дедилар  
Юзимга бир кун,  
Сонсиз томиримда  
Оғриқлар туйдим.  
Халқинг йўқ дедилар  
Ёлғондир, бироқ  
Жавобим тайёрдир  
Айтаман мағрур,  
Ёлғон дер бу сўзни  
Тўмарис, Широқ,  
Ёлғон дер ғазабдан,  
Қорайиб Темур!  
Тарихни опичлаб  
Халқим бир замон,



---

Башар иқболига  
Бўлгансан бешик.  
Жаҳон кўз тиккандир  
Юртим, сен томон,  
Сенсан Шарқу Ғарбга  
Кирилар эшик.  
Азиз остонангда  
Сарғайиб кимлар,  
Зору ташна бўлди  
Хуснинг кўрмоққа,  
Қўлларин ҳавога  
Ёзиб Искандар,  
Оқибат тенг бўлди  
Ҳовуч тупроққа.  
Араби, мўғули  
От сурди бу ён,  
Фозилу донишинг  
Қора қон қусди,  
Кечди қиғинбарот,  
Талотум урён,  
Бобуринг, Фурқатинг  
Чор тараф тўзди.  
Нега ғам чекмайин,  
Қийналмай нечун,  
Ўғлингман, мени сени  
Отам деб суйдим,  
Ўтди неча аср,  
Иқболинг нигун,  
Қора қон йиғладим,  
Оловда куйдим.  
Қаро кўзим дея,  
Куйладинг оғир,  
Улуғбегинг кўкка,  
Термилди бедор.  
Шунчалар буюксан,  
Шунчалар мағрур,  
Машрабингни ҳатто



Йиқолмади дор!  
Кўп замон ўйнади,  
Бошингда шамшир,  
Шиддатинг эгилди  
Юртим кўп замон.  
Келди бўрон каби,  
Истиқлол. Ҳайкир.  
Чексиз юрагинга,  
Тор келди осмон!  
Бошингда порлади,  
Оппоқ саодат.  
Сен қайта туғилдинг,  
Халким, шу фурсат.  
Замонинг келибди,  
Етар, ростла қад!  
Сен ҳам узоқларга  
Бўйингни кўрсат.





## УЙҒОНИШ

Оламни тўлдирар жарангли овоз,  
Уни жим тинглайди майсалар, гуллар  
Юракка тор келар бу кўкрак – қафас,  
Майсага бурканар сўкмоғу йўллар.

Кенгайиб боради замину осмон,  
Баҳорни уйғотар шамоллар— сарин.  
Ер – туғён, кўк – туғён, кўкракда туғён,  
Булутлар бағрини йиртади чақин.

«Йўлингдан орқага қайтма ҳеч қачон»,  
Дея, онам менга беради дуо.  
Минг йиллик уйқудан кўз очар Турон,  
Алпомиш Қалмоқдан қайтади гўё.

Зангори ранглар-ла этдинг мунаққаш,  
Таҳсинларим сенга, ҳамал найсони.  
Эна дарёларим ҳайқирар сарқаш,  
Уйғотиб ғафлатда қотган дунёни.

Замин, кўзларингга бўлолсам ёғду,  
Шамол, елларингга бўлолсам ҳамроз.  
Кипригинг гардини артолсам токи,  
Бахтли бўлармидинг, онажон, бироз?

Варрагин созлайди жужук болалар,  
Наврўз сайиллари бошланар тонгдан.  
Керишиб уйғонар дашту далалар,  
Турналар қайтмоқда Ўзбекистонга!





## ЭВРИЛИШ

Уйғонаман эртага тонгда,  
Айланиб мен бошқа одамга.  
Ва... боқаман мен ўша ондан,  
Меҳр билан бутун оламга.

Юрагимда кечар бир туйғу.  
Туюлади олам кўзга тор,  
Бегонадир руҳимга қайғу,  
Ҳайкиради кўзларим бедор.

Кечаётган ғофил асрлар  
Уйғонади бўзлаб бу тонгда.  
Тарс ёрилиб ҳатто қабрлар,  
Мархумлар ҳам қолар исенда...

Уйғонаман, руҳимда титроқ,  
Оҳларимни ичимга ютиб —  
Зулумотни унутиб бироқ,  
Ёруғликни энтикиб кутиб...



---



## УСМОН НОСИР СЎЗИ

Эврилиб давру даврон,  
Унутилди ўнгу чап.  
Оқилларинг ютар қон,  
Замон-замон, бу не гап?

Мен бир бандаи гумрох,  
Ақлимдан гоҳ озарман.  
Замон-замон, менга боқ,  
Ғам наҳрида сузарман.

Замон-замон, нобакор —  
Ўғриларга чўқдинг тиз.  
Сибирда бир ўғлинг хор,  
Қонлар қусмоқда, эсиз!

Замон-замон, кузғунлар,  
Эл кўзини ўйгайлар.  
Оға-ини ёвлашиб,  
Бир-бирини сўйгайлар.

Замон-замон ўлдими,  
Доруломон ўлдими.  
Ёмонлар яхши бўлиб,  
Яхши ёмон бўлдими?





\* \* \*

Майсалар сочи пахмоқ,  
Ўйинқароқ, шўх бола.  
Яшинлар чақар чакмоқ,  
Нурга тўлади дала.

Келаётир яшил хут,  
Вайсақи қизилиштон.  
Ариқларда лим-лим қут,  
Кўк осмон, кўк осмон.

Базм этади навбаҳор,  
Юраклар ўлкасида.  
Ташлаб зангори оҳор,  
Оғочлар елкасига.

Қирлар беланчагида,  
Шамол учади ғир-ғир.  
Булутлар сийнасида,  
Оқ ёмғир, оқ ёмғир.

Гуллар бўйидан сармаст,  
Булбул ёқасин йиртар.  
Манзилига ошиқиб,  
Ариқлар илдам йўртар.

Қикирлайди самбит гул,  
Чечаклар барги аро.  
Куйлаб берар кўҳна йўл,  
Бир руҳафзо, руҳафзо.



---



## ИБТИДО

Она, туғилайин оппоқ тонг билан...

Мурғак вужудимни олиб тизига,  
Қулоғимга бобом чақирсин азон.  
Ҳали нур кўрмаган юмуқ кўзимга,  
Оппоқ нурларини эласин осмон.

Соҳир кўшиқларни қуйласин дунё,  
Толга момоларим солсин беланчак.  
Келиб бошим узра бўлсин тўтиё,  
Фарзанд илинжида ёнган келинчак.

Чевар қизлар тикиб бахмал-банотдан,  
Ёстиқ, кўрпачалар солсин бешикка.  
Отам келтирсин от таблада ётган,  
Жиловин бўшатса, интилган кўкка.

Мангу ташналикда қақраган чўллар,  
Тамшаниб ёмғирлар ичсин булутдан.  
Ғафлат қучоғида бўғриққан куллар,  
Киприкларин очсин, кечиб сукутдан.

Узлатга юз бурган боболар ҳаққи,  
Оппоқ саҳарлардан сўрайман ўлан.  
Ҳали гард юқмаган дунёлар ҳаққи,  
Она, туғилайин оппоқ тонг билан.

Она, туғилайин бу субҳи саҳар,  
Душманинг ҳасаддан оғулар ютсин.  
Сенга лойиқ ўғил бўлмасам агар,  
Мени оқ сутингнинг уволи тутсин.



---



## ИДЦАО

Ишга кечикмай деб ўшанда аён,  
Кўчада чопкиллаб борардим чунон,  
Қаршимдан бир кимса чикдию шу он,  
Тутди қўлларимдан гўё кадрдон.

Нахотки панд берди қурғур хотира,  
Танишга уриниб, боқдим бир сира.  
У деди, лаллайиб тургандан кўра,  
Уйга етиб олай, чўзгин йўлкира.





\* \* \*

Мен қанча гапирмай диёнатлардан,  
Не бўлса ҳаётда қутлуғ, муқаддас.  
Дунё холи эмас хиёнатлардан,  
Ором олмоқликка йўқдир бир нафас.

Олға қистаюрман учқур хаёлни,  
Отилар кўксимдан оловли сўзлар.  
Атрофда кўрарман турфа бир ҳолни,  
Биров кулиб яшар, бировлар бўзлар.

Ҳамиша қийнагай мени бу фоже,  
Ҳаёт сахнасига тикилган кўзим.  
Оташ шамолларга бағрини очиб,  
Келаётир биров — бу менман, ўзим!

Вужудим — бир умр олов комида,  
Мисли самандардек ёнмоғинг керак.  
Сени улоқтиргум осмон қаърига,  
Сурхон боғларига сиғмаган юрак!

Дилим изтиробу соғинчга тўла,  
Неча қаттол ўқлар тешди кўксимни.  
Хиёнат, алдовдан неча бор ўлдим,  
Ниҳоят, танидим бу кун ўзимни!

Шамолдай ўтарман бир кун дунёдан,  
Забун ҳолатимнинг боғлар гувоҳи.  
Тошлар фарёдидек учар ҳавода  
Узун кечаларда юрагим оҳи!..



---



## ЧЎЛПОНГА ЭРГАШИБ

Соқовман, бирор сўз келмайди тилга,  
Жангари бўриман, ўрганмас кўлга,  
Кирдимми ногаҳон боши берк йўлга,  
Хато қисматимни бунча суйибман?

Бир-бир варақланди дафтари ҳасрат,  
Бир бети муҳаббат, бир бети нафрат.  
Қачон кўзларимни тарк этар ғафлат,  
Ўзимни нотавон, ожиз туйибман?

Бало тошлари ҳам синар-ку, кўнгил,  
Кўзимда ёшларим тинар-ку, кўнгил.  
Зулмат ёруғликка дўнар-ку, кўнгил,  
Офтоб нурларини қалбга кийибман.

Ўзимни ёзғириб ўзим дамодам,  
Ўзимдан сўрайман бир мадад, ёрдам,  
Мен ахир инсонман, ахир мен одам,  
Нохуш тушларимни хушга йўйибман.

Топмайин бир қўним еру-осмонда,  
Кезибман саргашта жумла жаҳонда,  
Кўз очиб, дунёга келганим ондан,  
Мисли парвонадек ўтда куйибман.

Куйибман, шунчалар, ёмон куйибман,  
Яшашнинг завқидан эрта тўйибман,  
Азобим, мен сени шунча суйибман,  
"Зўр ишга бошимни бериб қўйибман".



---



## УМУМИЙ ВАГОН

Ҳамманинг тақдири шу темир изда,  
Издихом боради толиққан, хайрон.  
Хотинлар гўдагин ўтқазиб тизга,  
Қавми эркакларни этар тошбўрон.

Бири-биримизни турткилаб, нуқиб,  
Борамиз, ҳожат йўқ ортиқча сўзга.  
Вақтни алдаймиз латифа тўқиб,  
Асрлар уммони не бўпти бизга.

Ҳорикқан одамдай уйғонмайди тонг,  
Тақ-тақ овозларга тутяпман кулоқ.  
Муҳими, севгилим, билан ёнма-ён,  
Умумий вагонда кетяпман кувноқ.

Оломон мисоли қочгандай ёвдан,  
Бир оёқ қўйишга топилмайди жой,  
Битта ўриндикда ухлаб икковлон,  
Кетяпмиз, ойнадан мўралайди ой.

Кетяпмиз, асабий пичирлар йўлак,  
Димиққан вагонда қурийди тинка.  
Кетяпти, аёллар кийиб бир қўйлак,  
Эркаклар талашиб битта ботинка.

Билмадим, бу йўлни қандай ўтамиз,  
Олдинда нималар кутади бизни?  
Севгилим, бардам бўл, тезда етамиз—  
Дея овутаман париваш қизни.

Севгилим, азизим, узатгин қўлни,  
Ҳаёт-мамотимиз, дейман шу изда.  
Босиб ўтмоғимиз лозим бу йўлни,  
Фақат битта йўл бор пешонамизда.





\* \* \*

Менинг умид билан кўкка чўзган кўлларим,  
Тундай қаро сочларингга боғланди ёр-эй.

Олис кунлар, олис тунлар боғлаб йўлларим,  
Кўзларингни бир кўрмоққа қилдилар зор-эй.

Ёлворардим тушларимдан кетма деб йирок,  
Дунё асли кўзларимга бўлди-ку тор-эй.

Армон эдинг, менга ҳар не армондан кўпроқ  
Дўстларимнинг таскинлари қилмагай қор-эй.

Кўклам келиб булбулларнинг кўксида доғи,  
Биз ўйнаган сайхонликда алвон баҳор-эй.

Эриб битди Сурхондаги тоғларнинг қори  
Лекин мангу эримагай кўксимда қор-эй!



---



## ОГОҲ БЎЛИНГ

Фано амлокига кўнгул берганлар,  
Дайр уммонидан маржон терганлар,  
Аршнинг устунини суяб турганлар,  
Бир-бир ўтаридан огоҳ бўлингиз!

Дунёга тўймаслар завқини тотиб,  
Қорундай зотларни ер кетди ютиб.  
Гирду бод ичинда гуноҳга ботиб,  
Йитиб битаридан огоҳ бўлингиз!

Тилингни очганинг кесади тилинг,  
Дилингни очганинг эзади дилинг.  
Дўст дея, нокаслар боғлайди кўлинг,  
Уқбо хатаридан огоҳ бўлингиз!

Байт ул-ҳазан ичра кўтариб бода,  
Жаҳон сарватида гўё шахзода.  
Кимлар ўтиб борар козиб дунёда,  
Умр тугаридан огоҳ бўлингиз!

Одам Ато эрди одамнинг асли,  
Залолатга ботди одамнинг насли.  
Кузақда сарғайиб гул баҳор фасли,  
Аёз етаридан огоҳ бўлингиз!

Жаҳон бир кечалик омонат айвон,  
Бу айвон ичинда аҳли халқ хайрон.  
Шошил, руҳ жунубин ювмоққа, эй жон,  
Ҳақнинг хабаридан огоҳ бўлингиз!

Аслингдир аввали Одам шу тупрок,  
Зувалангни қормиш Эгам, ҳаққи пок,  
Мункар сўроғига жавоб айла, боқ,  
Азоб кутаридан огоҳ бўлингиз !



---



## ОТАМ ХОТИРАСИГА

Кимлар ёнар, кимлар юрар кулни титиб,  
Дунё асли ҳаммамиздан кетгай ўтиб,  
Кетаяпсиз дардингизни ичга ютиб,  
Ота, нечун бир сўз демай кетаяпсиз?

Қирқ йилдирки, туғёнларим қайнаб-тошди,  
Ай, бебақо умр бунча қайга шошди,  
Ҳасратларим кундан-кунга баттар ошди,  
Ота, нечун бир сўз демай кетаяпсиз?

Наҳот, умр бир лаҳзада бўлар абас,  
Дунё кимга жаннат, кимга эрур қафас,  
Ота десам, нима учун бермассиз сас,  
Ота, нечун бир сўз демай кетаяпсиз?

Йироқларга кетиб, мен-да қилдим хато,  
Айрилиқда юракларим бўлар адо.  
Фарзанд учун бир тоғ экан асли ота,  
Ота, нечун бир сўз демай кетаяпсиз?

Англаганим дунёйи дун турфа бозор,  
Дўконида сотилгувчи моли озор,  
Кетаяпсиз, қиёматга қолди дийдор,  
Ота, нечун бир сўз демай кетаяпсиз?

Она, нечун йиғи, йўқлов этаяпсиз,  
Жигарларим, нега асо тутаяпсиз,  
Наҳот умр поёнига етаяпсиз,  
Ота, нечун бир сўз демай кетаяпсиз?



Мен узоқ яшадим. Қирқ йиллик ҳаёт.  
Кўзим қароғида муҳрланган дош.  
Айрилиб тоғ мисол Отамдан, хайҳот.  
Кўзимга келмади бирор томчи ёш.

Бир ҳасрат отилиб чиқди кўкракдан  
Онажон, кўксингга қўйганимда бош.  
Йиғламоқ истадим қониб юракдан,  
Эвоҳким, кўзимда қурибди кўз ёш.

Шамол етовида ҳислар сарсари,  
Мени узоқларга учирди бир пайт.  
Она, бошингдаги қиров гардлари,  
Бу кун имо қилар: “Ўғлим, ортга қайт!”

Ўғил кўрдим дея, суйинган онам,  
Нокобил ўғлингнинг аҳволин тушун,  
Изтироб ўтида қовжирар танам,  
Энди ич-ичимдан сиқтарман беун.

Мен кетдим, кўнгилда орзулар осмон,  
Армон, кадарлардан қувлашиб ўздим.  
Бу кун соғинчлардан сарғайдим сомон,  
Ўзимни ғариблар ғариби сездим.

Бугун болаликнинг содда ўйлари,  
Силқийди шеърларим сатрларида.  
Эгасиз қолибди Отам қўйлари,  
Сурхоннинг қовжирок адирларида.

Мен узоқ яшадим. Қирқ йиллик ҳаёт,  
Кўзим қароғида жонланар такрор.  
Сурхон соҳиллари қуйлаган баёт,  
Қайноқ бағрингизга қайтишим даркор.

Яйдоқ йўлакларга дардим айтаман,  
Юракда қайтадан бошланар тўфон.  
Бағрингга бир куни, қишлоқ, қайтаман,  
Отам қўйларига бўлмоққа чўпон.



---



## БУ БИЗНИНГ ХАЛҚИМИЗ

Бу бизнинг қувончдир ўзгаларга ёт,  
оппоқ ғуруримиз осмон шифтида.  
Бу бизнинг азобдир, кўтарди азот  
қизлар хирмонларни митти кафтида.

Бу бизнинг халқимиз, бу бизнинг улус,  
тийрак кўзларида диёнат балқар.  
Эшиқдан кирганга доим очиқ юз,  
савоб иш қилганни кўкар деб алқар.

Бу бизнинг отамиз, бизнинг онамиз,  
бало қазоларга жонлари қалқон.  
Улкан ҳаётдаги илк остонамиз,  
бизни хавотир-ла қузатар ҳамон.

Бу бизнинг ўғлимиз, бизнинг қизимиз,  
севиб ардоқлаймиз уларни ҳарчанд.  
Бойлик йиғмасак-да, боймиз ўзимиз,  
бизда энг табаррук неъматдир фарзанд.

Бу бизнинг еримиз, бу бизнинг Ватан,  
куёшга қараган водий, далалар.  
Нон-тузни ўртада кўришиб баҳам,  
ўсар бу ҳовлида бизнинг болалар.





\* \* \*

Ҳақсизлик деб аталган бу сиртмоқ бўйнимда,  
Ў, бахтсизлик, кучдим сени тунлар қўйнимда.

Олса олсин ялмоғизлар менинг жонимни,  
Ханжарининг тиғларида тўксин қонимни.

Бир жонимга битта ўлим бордир, англадим,  
Дунё деган қафасдан ҳам тордир, англадим.

Бир жонимдан кўрқсам агар, ўзлимим ёлғон,  
Қаро ерга кирайин-о, кўк кийсин осмон.

Бу ўлимим ҳақсизликка қарши исендир,  
Риё, алдов забун бўлган бир гўзал тонгдир.

Мен у тонгга етолмасам, армон қилмасман,  
Ҳақ барқарор бўлса магар, мен ҳам ўлмасман.



---



## КУН

Тобора кийиндир вақт ўтган сари,  
Минг қўлга қўлимни чўзарман такрор.  
Наҳот, фариштадир юрганлар бари,  
Наҳот, мен, заминда танҳо гуноҳкор.

Наҳот, мен айборман, манглайи қора,  
Худо-ю, бандага келарман мункир.  
Мўъминлар ичида осий фуқаро.  
Кунларни маҳбусдай санайман бир-бир!

Бу қандай омадсиз, бахтиқаро кун,  
Ҳар босган изимда қўпади шайтон.  
Тишларим ғижирлаб турибман беун.  
Қайга бош урарим билмасдан ҳайрон,

Ахир не айбимга бунча кўргулик,  
Шаккоклик қилдимми Худойим сенга?  
Сахий бу даргоҳда, наҳот, бергулик  
Ўзга марҳаматинг бўлмаса менга?!

Не бир гуноҳимга қилдинг маломат,  
Юрак пора-пора, ҳеч таскин йўқдир.  
Наҳот бир сўзимга ёғса фалокат,  
Ногоҳ чаппасига айланса тақдир!

Кун эса чўзилар узундан-узоқ,  
Қанийди, барчаси тугаса, битса.  
Шайтони лаиндан ҳайикмай мутлоқ,  
Одамнинг боласи қўлимдан тутса!



---



## ИНСОН

Эллик, хатто юз йил ҳам етмас,  
Бу дунёни ўрганиш учун.  
Сен ҳаётга келгандирсан, бас,  
Ёниб-куйиб, ўртаниш учун.

Тонг. Кўчага чиқасан, далли  
Оёғингмас, бошлаб кетар онг.  
Аммо сенга бермас тасалли,  
Шовқин кўча, жим-жит оломон.

Қисматингни яратган Холик,  
Дарж этгандир милён йил нари.  
Дунё — уммон, сен эса балиқ —  
Ва шўнғийсан издиҳом сари.

Давомийдир бу ҳолат ҳар кун,  
Ҳаловату ором сенга ёт.  
Элу юртдан қолмаслик учун,  
Уй қурасан, йиғасан бисот.

Сен ҳам барча одамлар каби,  
Дейсан, бола-чақам, рўзғорим.  
Сабоқ берар ҳаёт мактаби,  
Сен-чи, ношуд толиби илм.

Ўтдан чиқиб, сувга киярпсан,  
Кўзга уйқу келмайди кеча.  
Гоҳо олиб, гоҳо беряпсан,  
Оғриқларни сен ича-ича.



---



Элликми ё юз йил ортингда,  
Алмашади авлодлар янги.  
Сен ойнага боқасан зимдан,  
Чаккангда оқ — йилларнинг чанги.

Элликми ё олтмиш йил фурсат,  
Оқар сувдай кетмишдир оқиб,  
Эвоҳ, умринг ўтгайдир наҳот,  
Издихомлар ичра улоқиб.

Ўтиб борар шиддат-ла ҳар он,  
Гоҳ кулдириб, гоҳ ёшлаб кўзни.  
Англа ҳаёт, синов— имтиҳон,  
Инсон, аввал таниб ол ўзни.





\* \* \*

*Эй кўнгил, келким, бало базмида жоми ғам тутай,  
Ўз қатиқ ҳолимга ўлмастин бурун мотам тутай.*

**Алишер Навоий**

Танимда ухلامас бир дард,  
Қонимда ухلامас бир ғам.  
Юракни юлиб отмоққа шарт,  
Шахт этсам, термулар пурғам.

Термулар кўзлари қонли,  
Қонимга ташнаком, интиқ.  
Бу дарднинг бағри армонли,  
Бу ғамнинг кўксига чандиқ.

Келар дунё, кетар дунё,  
Нечун андин кечолмайман.  
Уммон олдидаман, эвоҳ,  
Қониб-яйраб ичолмайман.

Танимда ухلامас бир ғам,  
Жонимда ухلامас бир дард.  
Ки умрим топгуси барҳам  
Юрагим юлиб отсам шарт...





\* \* \*

Сен ким,  
Минг йилдирки, гунг қотган қоя,  
Тилингни асабий чайнайсан ҳамон.  
Умринг лаҳзалари кечсада зое,  
Заррача чекмайсан бундан пушаймон.

Сен ким,  
Минг йилдирки, рубъи маскунда,  
Нафсинг риштасига бойландинг.  
Ўзгармас доира ичра айландинг.

Сен ким,  
Минг йилдирки, асраб жонингни,  
Жондай дўстларингга бўлмадинг таянч.  
Бериб ғанимларга парча нонингни,  
Энг қашшоқ сахийга айландинг аянч.

Сен ким,  
Минг йилдирки, сарсон-саргардон,  
Ўзинг ўзлигингни англамай, билмай.  
Ҳар баҳор бодомдай гулладинг ларзон,  
Тўкилди гулларинг бир мева қилмай.



---



\* \* \*

Кўзинг ўтрусидан излабон нежбахт,  
Оромим унутиб, этдим жидду жахд.

Дуч келди йўлимда дашти Карбало,  
Сағийру кабиру муфлис, мубтало.

Учради касларнинг баланди пасти,  
Оқилу нодони ҳам худпарасти.

Қоришди кўксимда ранглар овози,  
Гуллар тўлғаниши, қушлар парвози.

Савту сурудларнинг нағма, товуши,  
Қалбим торларига кетди қовушиб.

Бир-бирга вобаста ришталар гўё,  
Рухимда туғилди ажиб бир дунё.



---



## ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

*Эл нетиб топқай мениким, мен ўзумни топмасам.*  
**Алишер Навоий**

Дунё ишларига ҳайронсан, ҳайрон,  
Гоҳида қувонсанг, гоҳ дилинг вайрон.  
Дўппи тор келганда панд берса-ю дўст,  
Ғаниминг қўлласа, қолмагин ҳайрон.

Ҳайратга тушмагин дўст миниб отга,  
Ўзинг ора йўлда қолсанг-да, яёв.  
Холбуки, эртага у тушиб отдан,  
Бошқага буюрар бу асов бедов.

Баъзида камтарлик пойгакда қолиб,  
Нодонлар давранинг тўрига чиқар.  
Ҳатто курашда ҳам гоҳ фириб ғолиб,  
Ёсуман ботирни макр-ла йиқар.

Дунёнинг ишлари дейсану чигал,  
Бурнингни тагини кўрмайсан, ҳайхот.  
Тун оқшом япроқда товланган ял-ял,  
Ёнарқуртдан гоҳо кутарсан нажот.

Сомон йўлларига боққанча синчков,  
Коинот тилсимин ечарсан осон.  
Ҳар қарич заминни айлайсан ков-ков,  
Назардан қолмади ҳаттоки уммон.

Гарчи зувалангдир оддий бир тупроқ,  
Халлоқнинг ердаги яратигисан.  
Сендай фаришта йўқ, йўқ сендай гумроҳ,  
Ўзинг айт, инсон, не абадий сирсан?

Аллоҳ қудратига бешак гумон йўқ,  
Лек нечун кўнгилда шубҳалар қат-қат,  
Дейсан, биз инсонмиз, ақлда буюк,  
Афсус, ўз-ўзингни билмассан, фақат.





\* \* \*

Қадим-қадим бир замонда,  
Икки қайсар, ўр яшаркан.  
Дуч келишса қай маконда,  
Мен зўр, сен зўр бошларкан.

Бунча кучли кин-адоват,  
Ҳеч ким билмас, нимага?  
Дучор этиб бу не -қисмат,  
Тушмиш икков бир кемага.

Эвоҳ, сувда қўпиб тўфон,  
Кема мисли хасдек учар..  
Фарёд уриб не тирик жон,  
Қанчасини ажал қучар.

Ёпишганча бу икковлон,  
Сувда сузган бир тахтага.  
Қолишибди қаранг, омон  
Шукур айлаб ўз бахтига.

Оқим қайга элтмоқдадир,  
Улар боқмас ўнгу сўлга.  
Далда сўзни ўйлашса-да,  
Қани бир гап келса тилга.



---



## ХЎЖА АҲМАД ЯССАВИЙГА

Юлдузларнинг шивирини тингла, дея,  
Юрагингнинг ғувурини англа, дея,  
Ёлғончидан юрак бағри куя-куя,  
Иймонимни ҳақ йўлига бошланг, бобо!

Юлдузларнинг шивиридан мастман, мано,  
Туркистонда мисли хору хасман, мано,  
Ошиқларнинг кўкрагида сасман, мано,  
Орифларнинг думоғини хушланг, бобо!

Ким пиёда, кимлар отлиқ кетиб борар,  
Ким асалу ким оғулар ютиб борар,  
Во дариғо, аҳли фано ўтиб борар,  
Моуманлар кўзларини ёшланг, бобо!

Жаҳд қилдим, тарк айлади кибру ҳаво,  
Ўздин кечиб, фақирликда бўлдим адо,  
Ҳақ йўлида ўзи қўллар қодир Худо,  
Пир деб тутсам, қўлларимдан ушланг, бобо!



---



## ЮРАГИМ

Кетдинг-ку юрагим, кийналиб,  
Фанонинг мусофир шахрида.  
Кетдик юр, келайлик айланиб,  
Жўнаймиз осмонлар бағрига.

Юрагим, ҳеч недан сен кўркма,  
Оромга бегона онимиз.  
Ўртаниб беҳуда ёш тўкма,  
Ҳақ дея тикканмиз жонимиз.

Юрагим, дўнганча япроққа,  
Шодумон қўшиқлар айтамыз.  
Жисмимиз қовушар тупроққа,  
Заминга қайтамыз, қайтамыз.

Хаёлот кўкида бир нафас,  
Юрагим, парвоз эт осмонга.  
Қўй етар, изтироб чекма, бас,  
Ёзғирма гунгу кар замонга.

Не бўпти, булутлар жонсарақ,  
Уринса офтобни тўсмоққа.  
Ғамларни унутгин, эй юрак,  
Айлангин кўк узра чақмоққа.

Олдинда беҳисоб исқанжа,  
Саноксиз синовлар олдинда.  
Юрагим, зардоблар қуссангда,  
Чекинма, ҳеч қачон ортингга.

Қайтамыз заминга, сен ишон,  
Айланиб гирдибод бўронга.  
Куйлаймиз юрагим, беармон,  
Оламни тўлдириб туғёнга.





\* \* \*

Она, сизни бир кўришга ташна бўлдим...

Боботоғда кийикларга чашма бўлдим,  
Бўйим ўсди, Ота уйни кетдим ташлаб.  
Шош бағрида не дардларга ошно бўлдим,  
Сиз кутдингиз, соғинч билан кўзни ёшлаб.

Хаёт асли чопағон бир бедов экан,  
Бош бурмоққа изн бермас асов экан.  
Қорли тоғлар дийдор учун бир гов экан,  
Энди билсам, фано ёлғон, алдов экан.

Парво қилмай гоҳ ошнолар берса фириб,  
Юрар эдим кўчаларда мен ҳайқириб.  
Ногоҳ бир кун Қумқўрғондан садо келди,  
Болам, ҳолинг қалай деган нидо келди.

Қошингизга учай десам, қанотим йўқ,  
Кийдирмоққа сизга бахмал-банотим йўқ.  
Она, сизсиз бу дунёда ҳаётим йўқ, —  
Ҳаётим йўқ, баётим йўқ, нажотим йўқ.

Йироқларда мен сарғайиб сўлдим, она,  
Кимман ўзи? Қирқ ёшда ҳам билмам, она.  
Соғинчларда юрак-бағрим тилдим, она,  
Пойингизга бош урмоққа келдим, она.

Она, сизни бир кўришга ташна бўлдим.





\* \* \*

Фақир йўли панада дерлар,  
Ётар ери ёнада дерлар,  
Фақирмисан, ҳақирми, нодон  
Юраккинам, уйқудан уйғон.

Кўзинг ерда, кўнглинг ойдадир  
Оёқларинг аммо лойдадир.  
Қийнал майли, азоблан, тўлғон,  
Юраккинам, уйқудан уйғон.

Сохта урфу таомилни буз,  
Алиф қадли Ватан — элни туз,  
Номусингни, орингни қизғон,  
Юраккинам, уйқудан уйғон.



---



## СУРХОНЧА

Юлдуззорлар чаман-чаман,  
Гуллагай бу кеч осмонда.  
Ёдимга тушсанг ҳар замон,  
Соғинчлар туярман жонда.

Илдизларда кулган баҳор,  
Сарғаймиш фасли хазонда.  
Нетай тингламас мени ёр,  
Ҳувиллар боғлар Сурхонда.

Оромим йўқдир бирор дам,  
Кезар ишқ шарори қонда.  
Шоҳи золим этгил карам, -  
Бир қиё боқиб шу онда.

Тоғлар бурар тоғларга юз,  
Ушбу югурик давронда.  
Қачон бўлгаймиз юзма-юз,  
Юрагим ёнар армонда?



---



## КЎҲНА ОҲАНГЛАРДА

Оқшом қуйилади, холим забундир,  
Йироқ юлдузларга интизор боқдинг.  
Ғофил бандасига ёлғончи тундир,  
Гирдимда ям-яшил бир баҳор оқдинг.

Ой ўтлар қирда, юлдузлар сувлоқда.  
Икков сирлашайлик, кунсулув овлоқда.

Ой юзингга ойна бўлсам бўларми,  
Эгачингга язна бўлсам бўларми,  
Авжи баҳорингга гулзор оралаб,  
Гулларинг атрига бағрим тўларми?

Ой ўтлар қирда, юлдузлар сувлоқда.  
Икков сирлашайлик, ойсулув овлоқда.

Ипак сочларингга бўлдим мен банда,  
Чақноқ кўзларингга зиёдай сингдим.  
Қалбингга ажиб бир дунёдай сингдим.  
Бу ўткинчи дунё бўлди шарманда.

Ой ўтлар қирда, юлдузлар сувлоқда,  
Икков сирлашайлик, ойсулув овлоқда.

Севгимни жориё этингиз боғлар,  
Куйла бошим узра ложувард осмон.  
Завқу эҳтиросга тўлиқ бу чоғлар,  
Қайтиб келмас, келмас ҳеч қачон.

Ой ўтлар қирда, юлдузлар сувлоқда  
Икков сирлашайлик, кунсулув овлоқда.



---



## ЎЗБЕКЛАР СЎЗИ

*«Пахта иши» йилларида*

Ўғирлик қилмадим оч қолганимда,  
Ўзгалар ҳақини танидим ўздек.  
Сизлар айтганчалик паст бўлганида,  
Тирик юармиди бирорта ўзбек.

Гуноҳга ботмадим, кўрқдим Худодан,  
Башар шоҳид эрур, шоҳиддир олам.  
Фақат айирганим ноком дунёдан,  
Етти шамчироғим, еттита болам.

Бармоқни ниқтайсиз, мана порахўр,  
Ҳаммангни чиритгум ҳали қамоқда.  
Топамиз-да, Аллоҳ шоҳид, ҳайтовур,  
Магар айбим бўлса, осинг оёқдан.

Магар айбим бўлса, айтсин оқ далам,  
Ҳар кимнинг нияти йўлдоши бўлсин.  
Жовдираб ўтирган еттита болам,  
Ҳаром ризқ егунча очидан ўлсин.

Бу кун қонунингиз ҳақиқатдан зўр,  
Ҳақни хўрламоқдан лаззат туйингиз.  
Фақат, рост сўзидан қайтмайдиган ўр,  
Ўзбек эканимни билиб қўйингиз...



---



## КЕМА

Аввал шошилгандик, кани, тезроқ бўл,  
Бири-биримизга беришиб далда.  
Елкан кўтарилган, олдда равон йўл,  
Шамол тўхтаб қолди ушбу маҳалда.

Ногоҳ билиб қолдик, шамол тўхтаган,  
Кема саёзликда бўлмоқдадир фарқ.  
Вақт бу ҳолатга кўникди дарҳол,  
Яшашни бошлади лоқайду бефарқ.

Табиат инсонга бўйсунмас, инжиқ,  
Эринчоқ шамоллар уйғонар қачон?  
Омонат иқболга интизор, интиқ  
Термулар оломон уфққа томон!

Бирдан шамол турди, ур-йиқит, жанжал,  
Ҳамма шошилади тағин кемага.  
Ҳеч кимнинг ўйига келмас бу маҳал  
Бунча шовқин-сурон нечун, нимага?!

Тағин шошиламиз. Тағин тўполон,  
Омонат иқболга парво қилмаймиз.  
Кема бизни элтар қаёққа, қачон  
Етар манзилимиз аммо, билмаймиз!



---



## ФИТРАТ НИДОСИ

Қандай оғир,  
Бу субҳи козиб,  
Ухлай десанг, уйқу бўлмаса.  
Дарду ғаминг  
Бағрингга босиб,  
Яшамоқдан кўнглинг тўлмаса.

Ёруғликка интилган сари,  
Кул бўлса-да, парвона бекор.  
Юрак ютиб кетолмас нари,  
Гуриллаган оловдан зинҳор.

Қандай оғир,  
Ҳис қилмоқ аён,  
Ўхшашингни нотавон гардга.  
Чора топмай  
Мунғайса Осмон,  
Кўзингдаги туманли дардга.

Ёғийларнинг додини берган,  
Аждодларинг ухлайди оғир.  
Жалолиддин, Темурни кўрган  
Жайхун, Сайхун сағирдан сағир.

Қандай оғир,  
Дунёи дунда,  
Бир ковакка сиғмаса бошинг.  
Туркистону  
Болосоғунда  
Синиб ётар Ватан — бардошинг!

Қисмат сени алдади, кетди,  
Кўзларингни элитди туман.  
Кўлларингдан ногаҳон тутди,  
Фариштадай кулган ёсуман.



---



Қандай оғир,  
Беайб, бегунох  
Оёғингга кишан урилса.  
Осмонларинг сарғайиб ногох,  
Наслларинг мўрдай қирилса.

Биласанки тарих меҳвари  
Бурилмагай ортига алҳол,  
Боболарнинг муқаддас орин  
Ёв этиги этмоқда поймол.

Қандай оғир  
Ақлдан озиб,  
На субут, на бурдинг бўлмаса.  
Дарду ғаминг бағрингга босиб,  
Яшай десанг, юртинг бўлмаса.



\* \* \*

Имон унутилса, булғанса ҳалол,  
Меҳр қувғин бўлар, оқибат—завол.

Садоқат тушади вафо тахтидан,  
Жаҳолат ошади баттар ҳаддидан.

Энди поку нопок баб-баравар, тенг.  
Аҳли шармандага шаҳар бўлар кенг.

Жаҳолат чинордек ўрлайди кўкка,  
Адолат заминга тушади чўкка.

Инсоф диёнатнинг синглиси имон,  
Юм-юм йиғлайверар, йиғиси ёмон.





\* \* \*

Эрта-кеч меҳнати арзимас маош,  
Мавхум ишонч билан санайди магрур.  
Асаблар чилтори торгади ювош,  
Ишхонадан уйга жўнайди оғир.

Рўзғор халтасини сичқон кемирар,  
Нима олсам экан, ўй сураар тушқун.  
Қарзлари буқадек чунон семирар,  
Юрсада у очу яланғоч, юпун.

Ўзига қўйлакми, хотинга рўмол,  
Олишни ҳар кузак қилади армон.  
Бозор ўзга ҳолдан очаверар фол,  
Бичаверар ўзга нархларни замон.

Рўзғор очофат ғор, тўлмайди сира,  
Замину самода битта сўз: пул, пул!  
Қўшнидан қарзини узиши керак,  
Дайдир кўчаларни ғашланиб кўнгил.

Бир ойлик заҳмати арзимас танга,  
Уни қайта-қайта санар бехато.  
Гўё масхаралаб йўлакда унга,  
Хайру садақага қўл чўзар гадо.

Кўксида туради аянчли санчик,  
Қандай чидаш мумкин, озар ақлидан.  
Супуриб олади сурбет тиланчи,  
Сўнги чақасини чўнтак қатидан.

“Очимдан ўлмасман”, овунар тағин,  
Манзилга қайтар ғамгин, бенаво.  
Ижара кулбада хуфтонга яқин,  
Нону ош ўрнига кавшайди ҳаво.



---



## ОНАЛАР ЙИҒЛАЙДИ

*1989 йилда Ўзбекистонлик 430 нафар аскар  
армия хизматида нобуд бўлди*

Олти ой Сибирда хизматда бўлган,  
Фарзанди қайтмади она маконга.  
Шум хабар: Бошига ғишт тушиб ўлган,  
Бир она бўзлайди Ўзбекистонда.

Ёлғиз бўтасидан айрилган аёл,  
Воҳ болам, деб қонлар ютади лахта.  
Она фарёдидан дунё қадди дол,  
Рўзнамалар соқов аммо бу ҳақда..

Мўйлов сабза уриб бир сулув кизни,  
Насиб этмаганди ушламоқ қўлин.  
Англамасдан ҳали бу ноёб ҳисни,  
Нахот олиб кетса, шумоёқ ўлим.

Қотиллар одаммас, қутурган шақол,  
Уя қуриб олган хилват ўрмонга.  
Болам, деб йиғлайди аммо бир аёл,  
Фарёди сиғмайди жумла жаҳонга.

Поездлар югурар, ўрмон тўрт тараф,  
Кимнинг ўғлони деб сўрамас биров.  
Ҳиссиз симёғочлар ташир ёлғон гап,  
Хавода лопиллар тобут жим, соқов.

“Ой бориб омон қайт”, тишлатган нонни—  
Она нолашига осмон чидолмас.  
Бағрига ололмай навқирон жонни,  
Тупроқ ҳам аламдан тортади уввос.



---



Ёлғизин тупроққа кўрмасдан раво,  
Бир аёл йиғлайди қалбин поралаб.  
Музликлар макони Сибирдан аммо  
Тобутлар қайтади эл-юрт оралаб.

Бир фарёд гурлайди Ўзбекистонда,  
Тоғлар нидо қилар. Бўзлайди тошлар.  
Ўқлар тинса ҳамки мулки Афғонда,  
Оналар кўзидан тўхтамас ёшлар.



---



## МУСОФИР

*Маъруф Жалилга*

Ҳамма сиёсатдан сафсата ўқир,  
Боши-охири йўқ бир ғала-ғовур.  
Ортидан улфатлар хангома тўқир,  
Умри ижарада ўтди, ландовур.

Таъна-қочиримлар гўё бир пақир,  
Раддия ўрнига жилмаяр, холос.  
Сўнг кўча кезади ўртаниб бағир,  
Туртиниб ўтади кимгадир бехос.

Қутулмоқ ўйида гунг аросатдан,  
Ижара кулбага чопади шитоб.  
Сафсата сотади эл сиёсатдан  
Пештахталар тўла ваҳима, хитоб!

Бўғзида аллалаб оғир бир куйни,  
Узун навбатларга турар мусофир.  
Омонат ўтирган ғариб бир уйни,  
Чиндан ўзиники қилар тасаввур.

Ўн йил ўтса-ўтар, бўлмас қиёмат,  
(Сизнинг бу борада фикрингиз аён).  
Аҳли раъиятда бўлса диёнат,  
Ғўдайиб осмонда юрмасди ёлгон!

Тақдирдан нолимай, шикоят қилмай,  
Қайтар деб дунёга оқибат, имон.  
Таъна-маломатни назарга илмай,  
Ўн йил ижарада юрди бир инсон!

Бошини йўқотган аҳли улуғлар,  
Бирин нуратасиз, бири битмасдан.  
Ғариб ижарада мусофир ухлар,  
Ўн йил ҳақиқатга навбат етмасдан.





## ЭРК

Кипригим-ла тошни кесиб, ун қилсам,  
Кўзимнинг ашкини нақ Жайхун қилсам,  
Бордир истиқболда минг битта имкон.

Сочим толасида кўтарсам ерни,  
Олов ёлларини силасам шерни,  
Замин куч берару қўллайди Раҳмон.

Зулмат оғушида сўқир бўлсам мен,  
Ақлимдан адашиб йиғлаб, кулсам мен.  
Дардим давосини топарман осон.

Уммон сувларини тўсиб дамим-ла,  
Шодликни сипқорсам тоғдай ғамим-ла,  
Меҳр риштасини узмагай осмон.

Мунчоқ тешигига сиғсам, ухласам,  
Томуғ азобида хун-хун йиғласам,  
Демак, ўлмаганман, тирикман ҳамон.

Жами азоблардан бўлиб-да, фориғ,  
Бировга эгилиб юрсам, водариғ,  
Менинг тириклигим ёлғондир, ёлғон!



---



## ОНА ЮРТ

Вазмин-вазмин одимлайсан,  
Кўзларингда алам, мунг.  
Дардли овозларингни,  
Босар йиғи, нолалар.  
Нигоҳларинг заминга,  
Қадалгандир не учун.  
Нечун кулдай букилиб,  
Ўтаётир болалар?

Юлдузлар нигоҳида,  
Армонларинг урар барқ.  
Ҳаётбахш бу сийнангга,  
Отилмади не тошлар.  
Бу телбавор тўлқинга,  
Не жонлар бўлмади ғарқ.  
Не кўзлар ўйилмади,  
Кесилмади не бошлар!

Ўтди неча замонлар,  
Ўтди не беку хонлар,  
Олам бир ён, сен бир ён,  
Бой берилди имконлар.  
Талотўшлар тинмади,  
Тугамади ур-сурлар,  
Тикди эрк деб бошини,  
Жалолиддин, Бобурлар.

Яшириб дўст-ғанимдан,  
Шиддатингу, шахтингни.  
Минг асрлар онажон,  
Этарсан сабру бардош.  
Фурсат етди кўтаргин,  
Осмонларга қаддингни.  
Бағринга тегиб шамол,  
Кулсин кўзингда куёш.



---



Озодлик йўли йироқ,  
Адолат йўли мушкул.  
Етмоқ учун мақсадга,  
Қанча ғамлар ютарсан.  
Зулуматдан бир куни,  
Фориғ бўларсан буткул.  
Ишонаман, бир куни,  
Ниятингга етарсан.

Ишонаман, кун келар,  
Ушалар бор армонинг.  
Эзгуликнинг йўллари,  
Ҳамиша ёруғ, барҳак.  
Ишонаман, Онажон,  
Келар хурлик замонинг.  
Ул қутлуғ замонларга,  
Кўзим тутарман илҳак.



---



## ХУЛОСА

Асли бу дунёнинг номи ботқоқлик,  
Маддох бақавойлар —  
Моҳир шоирлар,  
Тахтда ўлтиради бирон сайроки,  
Пуфакдек шишади,  
Алвон шиорлар.  
Асли бу дунёнинг аҳли дониши,  
Буюк юмушларга қодир бегумон.  
Исташса, тезлатар,  
Куёш сўнишин.  
Исташса, ботқоққа дўнар биёбон.  
Асли бу дунёда ҳамма ақлли,  
Ҳамма ҳукмдорга  
Хизматда содиқ.  
Асли бу дунёда йўқдир бахиллик,  
Ҳеч ким таҳқирланмас меъёрдан ортиқ.  
Асли бу дунёнинг бечоралари,  
Қувноқ масхарабоз,  
Ҳафтафаҳм, майда,  
Куйлар томоқ йириб фуқаролари.  
Бундай жаннат диёр топилур қайда?!  
Асли бу дунёда бахтдир – қашшоқлик,  
Асли бу дунёда турфа меъёрлар.  
Бўлган-тургани шу,  
Базм, машшоқлик,  
Пуфакдек семирган ёлғон шиорлар.





## БОЛАЛИК ДАРСЛАРИ

Болалик дарслари чўзилар узоқ,  
Уфққа термулиб ўйлар сурамиз.  
Далаларни босган ажирик, шувок,  
Ёввойи ўтларга кетмон урамиз.

Қуёш бошимизда туриб қолар тек,  
Учқулоқ гўзалар келмас тўпикқа.  
Муаллим шогирдга берганча танбех,  
Почасин шимариб тушар чопикқа.

Уфққа чўзилган соқов далалар,  
Эриниб кўзини очар эрталаб.  
Китобларни эмас, ўсмир болалар,  
Эгатларни ўқир кун-тун ҳижжалаб.

Саратон тафтидан мириқиб тўйган,  
Гўзалар шамолда тушадилар рақс.  
Сунбула сувига юзларин чайган,  
Кўсақлар етилиб ёрилар қарс-қарс.

Пахтазор ташвиши чулғаган элни,  
Эгатлар илмидан оламиз таълим.  
Уқалаб эгилиб майишган белни.  
Келажак олдинда, дейди муаллим.

Кузак охирлайди, режа тўлади,  
Булутга етади оппоқ хирмонлар.  
То ҳануз ортимдан таъқиб қилади,  
Олис йиллардаги ўкинч, армонлар.

Ниҳоят декабрь, етамиз қишга,  
Совуқлар забтига олмоқда, қаранг.  
...Кўклам шоширади илдиз теришга,  
Китоблар тоқчада босиб ётар чанг.



---



## СУЙГУН БЎЛОЛМАДИМ

Харобот кунжида сайраган булбул,  
Хазон гулзорида кўкарган бир гул.  
Қарғалар ичига тушибман айро,  
Қузгун бўлолмадим, ёронлар.

Сен, эй ғариб кўнглим, нотавон кўнглим,  
Ундек уваланган менинг дон кўнглим.  
Кулли манзиллардан ўтдим, вовайло,  
Турғун бўлолмадим, ёронлар.

Ажаб телбадурман, ажаб савдойи,  
Фано ранжидаким ёндим ҳавойи.  
Бу не оловдирки, эй кодир Худо,  
Учкун бўлолмадим, ёронлар.

Қийнадим юракни, қийнадим тилни,  
Оҳ урсам, оҳимдан уйғотдим елни.  
Бошга кўтарсам-да улусни, асли –  
Суйгун бўлолмадим, ёронлар.





## АЛАМ

Юрагим қонини қатралаб ичдим,  
Ўзим ўз жонимдан тамоман кечдим,

Нечун сен жонимдан кечмадинг, алам,  
Қонимдан сен қониб ичмадинг, алам.

Юмай кўзларимни бесадо, бесас,  
Изтироб фарёддан тўйиб кетдим, бас,

Десам, ҳол-жонимга қўймадинг, алам,  
Ҳануз сен қонимга тўймадинг, алам.



Бир қалқиб тўхтади пойимда дунё,  
 Не гўзал ҳисларим ютибди сароб.  
 Юрагим қаърида портлади гўё,  
 Армонли бир оғриқ, бўғиқ изтироб.

Не синоат сездим, нимани кўриб,  
 Бу кун туюлмоқда беҳуда, бекор.  
 Кўзимни беркитиб берибди фириб,  
 Паридай солланиб чархи кажрафтор.

Беҳабар юрибман балки очунда,  
 Ҳеч мункир келмайман тақдир азалга.  
 Қаршимда турибди жаллод ва кунда,  
 Тўлади паймонам қачон, билмайман.

Қолди сўнгги имкон яшамоқ учун,  
 Хоин ким, дўст кимдир орани очсам.  
 Турар бир иштибоҳ кўнгилда лекин,  
 Қаёққа борарман ўзимдан қочсам?

Фурсат ғаниматдир, тирикдирман то,  
 Ҳар кори бадимга берарман жавоб.  
 Бир қалқиб пойимда тўхтади дунё,  
 Эзгу туйғуларни айларман тавоф.

Ўқ еган шер янглиғ кўтариб наъра,  
 Юрак – суянчимдан сўрайман тўзим.  
 Мунгли ўйларимга қиларман зарда,  
 Ё ҳаёт, ё мамот энди ҳар сўзим!

Суюк ўтмишларим, алвидо, хайр,  
 Гирдим тўлиб кетди сонсиз ёлғонга.  
 Руҳим зиндонида тутқун бир тайр,  
 Озод хаёлларим учинг осмонга.

Бордир сўнгги имкон тазарру учун,  
 Хато кечган умрим, тушунгин, қизғон.  
 Бошимни кундага қўймоқлик букун  
 Менга фавқулодда табиий, осон...

---



## УЙҒОН, ТУРКИСТОН

(Чўлпон нидоси)

Ватанда ватансиз қолган дарбадар,  
Бу кеч оёқланг сафарга шайлан.  
Ёху деб оламни кезган қаландар,  
Дунёни бир тепу, Машрабга айлан.

Не тавр махлукдир букун одамзот,  
Имону виждонлар сотилар пулга.  
Хўрлик, ҳақоратлар чеки йўқ, ҳайхот,  
Ким шубҳа уйғотса олинар қўлга.

Ногаҳон бузилиб замон авзойи,  
Оломон қилади сени сазойи.  
Деяр бу кимсанинг турмада жойи,  
Тиқингиз, чиқмасин ҳаттоки войи.

Гирду атрофингда хоин, жосуслар,  
Юрар от устида қилвири, дузлар.  
Пўписа қилади элга махсуслар,  
Турмага сиғмайди сонсиз маҳбуслар.

Халқ душмани ўша, элим деса ким,  
Кимки тилим деса, дорга тортилар.  
Бутун элу улус тилин ютган, жим,  
Бошин кўтарганлар паққа отилар.

Имон ёнаяпти, дилларда нафрат,  
Қасос оловига дош беролмас тан.  
Ич-ичимни эзар бир савол фақат,  
Қаёқларда қолдинг, онажон Ватан?

Пашшадай урчиган кўрқоқ, нобакор,  
Аёвсиз тирнайди кўнглим ярасин.





Наҳотки инсоний қадрият бекор,  
Нечун эшитилмас Темур наъраси?

Ватансиз толе йўқ, дард йўқ хаттоки,  
Қувғинди арвоҳдек умрим афтода.  
Лек инсон ҳаётга келаркан токи,  
Ҳур яшаш ҳуқуқи бордир дунёда.

Ў, она тупроғим, қат-қатларингдан,  
Фарёд-садоларни тингларман беун.  
Алп Эртўнганинг даъватларидан,  
Ватан нелигини англарман бу кун.

Етар яшаганинг ҳақир ва бешаън,  
Ҳайқир, товушингдан ёришсин жаҳон.  
Кулочингни кериб, мажаклаб кишан,  
Ғафлат уйқусидан уйғон, Туркистон.





## ГУЛИҚАҲҚАХ

Гулиқаҳқаҳ,  
Гулиқаҳқаҳ,  
Инжимагин, аламлар чекма,  
Йиғлатса-да золимлар ноҳақ,  
Кўзингдаги дурларни тўкма.

Ҳали ёшсан,  
Мисоли гунча,  
Ўтолмайди лоқайд ҳеч киши,  
Хожанг сени йиғлатар бунча,  
Йиғлатишдан бошқа йўқ иши.

Гулиқаҳқаҳ,  
Гулиқаҳқаҳ,  
Гуллар кулар сенинг отингда.  
Ҳали ҳаёт уради чақ-чақ,  
Ҳали бахтлар турар олдинда.

Гулиқаҳқаҳ,  
Гулиқаҳқаҳ,  
Маъсум-маъсум кўзларингни оч.  
Золимларга қилиб қасдма-қасд,  
Лабларингдан кулгиларинг соч.

Кўзларингда кўёшлар кулсин,  
Юлдузлару ойлар ҳам кулсин,  
Бегуноҳ у гуллар ифори  
Азал-абад ҳамроҳинг бўлсин.  
Элтганида хавф-хатарга йўл,  
Иккиланмай кечай жонимдан.  
Сен кулавер, кулавергин, Гул,  
Алвон гуллар ёнсин қонимда.



---



Гулиқаҳқаҳ,  
Гулиқаҳқаҳ,  
Кулгиндан мен  
Омонман, омон,  
Токи юрак кўксимда барҳақ,  
Гуллаб ётар умидим ҳамон...



\* \* \*

Мен сенинг ёдингдан чиқдим. Унутдинг.  
Фақат умид билан ёниб турар кўз.  
Ҳижронни бир умр менга ёр этдинг,  
Бу кун кўзларимда суратинг ёлғиз.

Унутдинг, фалакда шамслар сўнди,  
Оғриққа айланди қалбда умидлар.  
Эҳтимол, кўнгил ҳам қисматга кўнди,  
Осмоним қолади кора булутлар.

Унутдинг, сойларда гул бўлиб оқдинг,  
Мен ҳам унутгандек бўлдим ниҳоят.  
Тушларимда оппоқ либосда боқдинг,  
Номинг тилларимда бўлганда оят.

Турарсен бир умр кўзларимда сен,  
Ҳамон аввалгидек бокира, шўх шаън.  
Қўйнимга кирарсан тушларимда сен,  
Тунлари бир кучоқ оловга ўхшаб.



---



## НАДОМАТ

Узлат кулбасида ўлтириб дил ғаш,  
Башар ёзуғидан кутарман хабар.  
Мен — нафси аммора асири, пешкаш,  
Жаннатдан қувилган Одами меҳтар.

Тоҳур шаробидан мастона юрак,  
Мустағрақ бу кеча дун — ғамхонада.  
Фано бозорининг қурбони лак-лак,  
Сужудда ўлтирар. Дил — остонада.

Битта қурбондирман ўзим ҳам асли,  
Замин ғавғолари чирмади дилни.  
Мен кимман?  
Ким эди наслу насабим,  
Ким берди менга бу юғурик тилни?!

Фано бозорининг савдоси майда,  
Ғийбат, фиску фужур, сохта бир муқом.  
Сўрдим мен излаган муттақо қайда,  
Жавобин айтмади аммо издиҳом.

Қўтир дунё ўтди юмиб кўзини,  
Ўтди кибор каслар осмонда илки.  
Уч-тўрт кун тотдимун дунё тузингни  
Қолди бу оламга бўлганим кулги.

Ит нафсим занжирга боғлаб ниҳоят,  
Адам саҳросига бадарға қилдим.  
Мен кимман? Пойингга етолсам шояд,  
Кўк сари азм этдим, кўкка интилдим!

Йўлимдан оздирмиш Азозил мардуд,  
Мен кимман? Қай олис қавмга мансуб.



---



Мен қавмин оқ қилган пайғамбари Лут,  
Ё чоҳда йиғлаган Канъони Юсуф.

Узлат кулбасида ўлтириб танҳо,  
Тахайюл майидан мастона дилим.  
Мен кимман?  
Кўнгилда пўртана, ғавғо,  
Тавба-тазарруга келмайди тилим.



---



## ДУНЁ СЎРАМАДИМ

Узлат салтанати менинг ҳаётим,  
Дунё сўрамадим дунёдорлардан.  
Жаҳон айвонида ёлғиз мурудим,  
Дилим синмаса бас, дилзорлардан.

Мени хафа қилманг дўсти бахтиёр,  
Арзи ҳол этганда эмраниб сизга.  
Сиздан сўрамадим бойлик, сийму зар,  
Илтифотни дариг тутмангиз бизга.

Қавми башар азал бир-бирга бўри,  
Деган башоратни чиқаргум йўққа.  
Мени ўзингиздан итарманг нари,  
Оний бир меҳмонмиз, ихтиёр кўкда.

Ожиз жисмимизда омонатдир жон,  
Хуш каломлар этинг дўстга муносиб.  
Фано аҳли бунда бир кеча меҳмон,  
Умр – вақт мулкида бир субҳи козиб.

Дунё сўрамадим ахир ҳеч кимдан,  
Заҳмат денгизида сузиб келяпман.  
Ёлғиз умидимдир раббон Раббимдан,  
Лаҳзада тирилиб, лаҳза ўляпман.

Роҳатга айланар бир кун уқубат,  
Бўлғайдир тўтиё кўзга гули хор.  
Мену сиздан қолар охир-оқибат,  
Хомталаш этилган ғавғоли бозор!

Тириклик эгамнинг марҳаматидир,  
Ўсмоқда кўксимда азалий армон.  
Умр капалакнинг майин патидир,  
Бу дайри фанода меҳмонмиз, меҳмон!



---



\* \* \*

Қисмат билан келиб юзма-юз,  
Армонларим давонлар ошди.  
Осмонимда паришон, маъюс,  
Ой билан кун бетин талошди.

Қисмат жисмим оловда тоблаб,  
Маҳв этмокқа шайланар зимдан.  
Ичдим қанча заққум шароблар,  
Ғам бодлари эсди қалбимдан.

Қисмат билан келиб юзма-юз,  
Тахланади йиллар ложарам.  
Шикаста дил паришон, маъюс,  
Умр ларзон-соқовдир қалам.

Қисмат қилса қилсин имтиҳон,  
Ишқ майидан дили махмурмен.  
Ё узукнинг чашмида пинҳон,  
Дил нақшида ва ё мастурмен.

Хато суйдим сени ай оғрик,  
Зор эмасдир кўнгил нусратга.  
Ҳақ кўйида масту мустағрик,  
Соҳир диллар экан узлатда.

Уйғонаман, муфлис кул эмас,  
Эрк майидан лаболаб ичиб.  
Тушларимда тупроқ йўл эмас,  
Булутларни юарман кечиб...





\* \* \*

Зиллат дарборида қотилди бода,  
Бошимни кўтармай симирдим уни.  
Юзимга термулиб юрак –ғамбода,  
Ёнди вужудимда бироқ ҳар куни.

Ёнди узвимдаги ҳар риштаи жон,  
Мен хоби ғафлатдан бўлмадим ихрож.  
Зиллу гуноҳимга кўтариб исён,  
Лошим тўрт тарафга олиб кетди бош.

Сочилдим тарикдай дашти жунунда,  
Сарбасар қарайман оёғу қўлга.  
Чок этиб ёқамни қиёмат кунда,  
Ўзимни ахтариб чиқарман йўлга.

Тушган бу роҳимнинг этаклари тор,  
Кулар масхаралаб фалак – машшота.  
Кетарман, изимда на ел, на ғубор  
Ўзимни ахтариб козиб дунёда.

Кетарман қисматга қарама-қарши,  
Сочилган лошимни совуриб елга.  
Наззора этмайди фанонинг чархи,  
Ўзидан мосуво муфлис бу қулга.

Тақдир доманида тупроқ билан тенг,  
Ўзим-ўзлигимга тутарман мотам.  
Руҳим жунубини юволмасман мен,  
Қулзум уммониға шўнғиган билан.



---

\* \* \*

Мастона-мастона йиғлар андалиб,  
Шамолнинг тилида эрка саловат.  
Дунё бир лаҳзада ўтди савт чалиб,  
Дил ишқ оятини қилди тиловат.

Сўзона-сўзона йиғлар андалиб,  
Чимилдикда ойдек сузилди малак.  
Дунё бир лаҳзада кетди айланиб,  
Томчилар кўксимдан изтироб чак-чак.

Тўлғона-тўлғона йиғлар андалиб,  
Не савдо ўтибди менинг бошимдан.  
Дунё бир лаҳзада куйди сарғайиб,  
Жаҳонни сел олди қатра ёшимдан.

Мастона-мастона йиғлар андалиб...





\* \* \*

Мен ашъор битмадим шунчаки, осон,  
Бир ғариб кўнглига далда бўлсин деб.  
Хиёнат, сохталик юрсин деб омон,  
Диёнат, эътиқод очдан ўлсин деб.

Ранж-алам кўксимга қўйганда уя,  
Никоҳга кирганда ёлғон рост билан.  
Кетдим дунёсидан мен куя-куя,  
Ёвлашиб бир умр оқ қоғоз билан.

Мен ашъор ёзмадим, элу юрт сенга,  
Жонимни бемалол қилгум деб фидо.  
Жимитдай ҳолимга ким қўйибди менга,  
Сен билан баҳслашиб юришни дунё!

Мен ашъор ёзмадим, ишонинг дўстлар,  
Шайтон қутқусига учмадим зинҳор.  
Алвидо, юракни ўртаган сўзлар,  
Сизларни мен тўқиб бичмадим бекор.

Мен ашъор ёзмадим, сохта шуҳрат-шон,  
Ҳавойи ҳисларга сотиб ўзимни.  
Ҳар ростгўй сатримда бердим мингта жон,  
Ҳар ёлғон гапимдан ўйдим кўзимни.



---



## ЯССАВИЙНИ ЎҚИБ

Дил мулкида вовайло, афсус,  
Сукут ичра қисмат – афсурда.  
Бемор дунё ахтарар ташхис,  
Тадбир йўқдир аммо тақдирга.

Риё билан тўқ дорулфано,  
Бору йўғин этса-да пешкаш.  
Талх комини шопириб танҳо,  
Дил ўлтирар ғариб, мушавваш.

Дил узлатда соқов, безабон,  
Нобийнолар тушмиш изидан.  
Фано нашъу намоси ёлғон,  
Ҳилол суруд айтар кўксимда.

Алал-охир бўлар деб таслим,  
Лаъин дилни аврама, етар.  
Тупроқ эди қадимий аслим,  
Вужуд яна тупроққа кетар.

Касби фалак алдов, риёми,  
Дилни мангу қийнар шу савол.  
Заққум тўла турар дил жоми,  
Шом билан тонг умрга завол!

Беомон бу жанг, талотумда,  
Ким келади ғолиб, музаффар.  
Ажаб эрмас қиёмат кунда,  
Ерга чиқса лак-лак Искандар.

Барку боддир – умр бир фасл,  
Аҳли башар дарди унда жам.  
Аслим эди аввал обу гил,  
Фано учун чекмам ранжу ғам.



---



## ВАСИЯТ

Бўлак ҳеч вақом йўқ ҳаётдан ўзга,  
Мерос қолдирарман сенга ҳаётим.  
Умринг узоқ бўлар, кирарсан юзга,  
Демак, бардавомдир насл, зурёдим.

Мол-мулк йиғмадим Қорундай магар,  
Алам-оғриқларим ўзимга раво.  
Бироз инсофли бўл, бироз бўл камтар,  
Зинҳор ранжитмагин, онангни аммо.

Бисот йиғолмадим, болажон, кечир,  
Иморат тикладим фақат ҳақ сўздан.  
Сенга парвонадир мендаги меҳр,  
Жонингни аяма, жон фидо дўстдан.

Ҳеч нимама йўқ сенга ҳаётдан бўлак,  
Қўлга илингудек ақалли бир хас.  
Фақат охирги сўз, охирги тилак,  
Юртингга елкангни тута олсанг, бас.



---



\* \* \*

Агар сўзласайди бу она тупроқ.  
Осмон тингласайди унинг сўзини,  
Аччиқ қисматимни қилмасдим сўроқ.  
Ночор тикмас эдим кўкка кўзимни.

Зулм, истибдоднинг занжирлари ҳам,  
Занглаб синиши-ку, бир куни аниқ.  
Ўшанда хақир бир тиланчилардай,  
Қошингда турмасдим ночор ва синиқ.

Ёздиқда не ёзик, кечиб баридан,  
Яшашга ундайди келаётган кунлар.  
Гўё юракданмас, замин қаъридан,  
Чиқиб келаверар қасослар, хунлар.

Тушган эмасдирман асти осмондан,  
Ҳазрати Одамга насабим туташ.  
Майли Андижонми, Қарши, Сурхондан  
Номим номингизга ўхшашу уйқаш.

Эрмакка айтмадим дўстлар, бу гапни,  
Фидо бўлай дедим, жоним, Ватанга.  
Истагим бўлсайди қутқазмиш жонни,  
Жалолиддин каби кирмасдим жангга.



---



## ЭЙ ЖОН

Қисмат тадрижи бу, қазо муаллақ,  
Фано даштидаким не жонлар лак-лак,  
Балойи нафс учун югурар халак,  
Ўзини англамай гумроҳу, авбош.

Андалиб наздида чаман не, боғ не,  
Дарвеш тариқида ҳақу ҳаллоқ не,  
Тарсо юрагида маъбуд, илоҳ не,  
Ҳар бири ўзича оқилларга бош.

Беҳабар, беҳабар шафиқ Оллоҳдан,  
Мен имдод кутибман ёлғон рўёдан,  
Ишқ экан, энг буюк нажот дунёда,  
Дил, уни ҳеч кимга айламагин фош.

Ғамангиз, ғамангиз ётсам бу оқшом,  
Ҳажрида қон-заҳоб ютсам бу оқшом,  
Ўзимни ахтариб топсам бу оқшом,  
Замзамдай шарқираб кўзларимда ёш.

Ранжу хасрат ила тўлибди жаҳон,  
Билсам, анча нозик бўлибди замон,  
Одамзот феълига бўлмагин ҳайрон —  
Дил, сенга тиларман Аюбдай бардош.



---

\* \* \*

*Киргил фано йўлига, Навоийки, даҳри дун  
Бу умри бесаботу мадорига арзимас.  
Алишер Навоий*

Ҳаёт — бир ялт этиб чакнаган чакмоқ,  
Рухимни ўрайди номаълум ҳислар.  
Англайман, ҳар нафас омонат, илло,  
Ўзини ахтариб ҳақир дил бўзлар.

Кибринг жандасига чирмаб танингни,  
Ишқ аҳлиман, дея чалма ноғора.  
Ўлдирмай ичингда ётган ғанимни,  
Ўзингни ахтариб бўлма овора..

Олам сирларидан ҳайратим ошар,  
Бобо бу тоғларим не ўйни ўйлар?  
Забон битсамиди бу қадим тошлар,  
Не-не тарихлардан ривоят сўйлар?

Очун, тилсимингга ожиздир идрок,  
Англагим келади сувлар тилини.  
Шамоллар авжига солсамда кулоқ,  
Аммо тушунмайман ўжар феълини.

Ўзининг лафзида борлик, инсу жин,  
Айтарми Халлоқи Ҳаққа саловат?  
Дарахту гиёҳлар сўзин англар ким,  
Япроқ шивирида не сир, аломат?

Бир-бирин васлига етмоқ муддао,  
Қуёш, ой фалакда чопарми бетин?  
Бир кунлик умрида капалак ҳатто,  
Ўпиб ғунчаларни, жон берар кейин.



---



Фаҳму тафаккурим буларга етмас,  
Аёндир ҳаммаси ёлғиз Аллоҳга.  
Тўқилсам бир куни мисли хору хас,  
Қоришиб кетмоғим бордир тупроққа.

Эртага ортимдан қоларми нишон,  
Манзилим қаёндир, қайда адашдим?  
Ожиз бу банданга раҳм эт, Раҳмон,  
Бу адам даштининг борми ҳеч гашти?

Бедор, беҳаловат бу умрларда,  
Сен-ла тиллашурман, жимгина кўнгил.  
Оҳанглар шовури шотомирларда,  
Дил ишққа ташнадур, ишққа ташна дил.



---



## ТИЛАК

Нолон турсам йўл устида,  
Қўлим тутди, келиб бир зот.  
Дод, десам ёмон дастидан,  
Қўйгин, деди, ғам сенга ёт.

Ташвиш, ғурбат билан гоҳи,  
Тинкам куриб, тушдим чўкка.  
Меҳр билан дўст нигоҳи,  
Қўлим тутиб, қилди тикка.

Гоҳи дўлдай ёғиб тухмат,  
Нокасга кенг бўлди майдон.  
Яхши одам ўша фурсат,  
Шарт суғурди мени лойдан.

Этак силкиб дунёсидан,  
Узлат сари юзим бурдим.  
Шукур, у зот вафосидан,  
Қадни тиклаб, тикка турдим.

Ҳаёт ўзи зўр муаллим,  
Эринмасдан берар сабоқ.  
Хато топса не амалим,  
Турткилаб ҳам қўяди гоҳ.

Аммо сотиб имонимни,  
Бошим эгиб турмадим тек.  
Асраин, деб мен жонимни,  
Чекинмадим ортимга лек.

Ёғилганда бошга тухмат,  
Қочганида дўсту ёрим,  
Ҳотам каби қилиб ҳиммат,  
Жонга бўлди у мадорим.

Дейдиларки, қайтар дунё:  
Ёмонлигу яшилик ҳам.  
Балолардан сени Худо,  
Асраб юрсин, яхши одам.





## ДИЛЛАР БИЛАРМИ?

Гузарлардан ўтсам урэн,  
шиддатим селлар биларми?  
Шарҳи дилим этсам баён,  
гунг- соқов диллар биларми?

Биларми ҳолим шоҳ- гадо,  
сукутда пири муттако,  
Оғзимдан қон келса гоҳо,  
Иболи гуллар биларми?

Тирикликнинг ҳар бир они,  
билдим синов — имтиҳони,  
Англолмадим мен дунёни,  
мудроқ ғофиллар биларми?

Ул ой мани айлади хор,  
оворайи хаста, бемор,  
Кўйида ўлсам зор-зор,  
қайсар, бадфёъллар биларми?

Жабру жафонгми, бу мамот,  
сидку вафонгми бу ҳаёт,  
Аслинг недур одамизот,  
сўрсанг, об- гиллар биларми?

Гоҳи хандон, гоҳи нолон,  
не ишларга ақлим хайрон,  
Чоҳдаги у Юсуф Канъон,  
сотилган куллар биларми?

Оғу қотарлар ошимга,  
сиғмасман ичу тошимга,  
Не кунлар тушмиш бошимга,  
беҳабар эллар биларми?



---



## ПАРВАРДИГОРДАН БЎЛАК

Юрак кирмайди сўзга  
Осмон ҳам яқин кўзга,  
Раҳнамойим йўқ ўзга,  
Парвардигордан бўлак.

Давраларга хушим йўқ,  
Олис-ёвуқ хешим йўқ,  
Ҳеч ким билан ишим йўқ  
Парвардигордан бўлак.

Тоғни этарсан талқон,  
Деганинг дўстим ёлғон,  
Баридан кўнглим қолғон,  
Парвардигордан бўлак.

Кутсангда омад гарчанд,  
Ҳаёт эмас асал-қанд,  
Ишонганим берди панд,  
Парвардигордан бўлак.

Куйиб тутасангда гох,  
Чекаверма оху-воҳ.  
Ҳеч зот бўлолмас паноҳ,  
Парвардигордан бўлак.

Нисбийдир макону вақт,  
Ҳар заррада ҳукми ҳақ,  
Қудрат йўқ мангу барҳақ,  
Парвардигордан бўлак.





\* \* \*

Ҳаёт, дедим бағринга кузат,  
Инъомларинг менга ато эт.  
Мана, дея ҳаёт-чи, шу пайт,  
Бир оғриққа қилди бетма-бет.

Тўхтамайди умр шитоби,  
Йўллар гоҳ ок, гоҳида қора.  
Пешонамиз — Аллоҳ китоби,  
Дарж этилар фақат бир бора.

Наҳот мени қарғади тақдир,  
Кеча- кундуз топмасман ором.  
Бир кам дунё, наҳотки ҳақдир,  
Қонми шароб, қўлимдаги жом?

Зирқиратар оғриқ танамни,  
Ҳаёт мени этмоқда эрмак.  
Чақираман тунлар онамни,  
Нажот бер, деб мисоли гўдак.

Кошки тандан кетса бу оғриқ,  
Сўнгаларим куйдирар олов.  
Энди жонга омон йўқ ортиқ,  
Ёнаётир атрофим лов-лов..

Олган каби жоним гаровга,  
Оғриқ мени қийнашни бас, қил.  
Мақсад ёкиш бўлса оловда,  
Вужудимни бир хору хас қил.

Қочолмайман қисмат дастидан,  
Атрофим нақ Саҳройи кабир,  
Оғриқларнинг қисту бастидан  
Ёнаётир кунларим бир-бир.

Таним майли хору хас бўлсин,  
Майли ёнай, умрим борича.  
Ҳовуримдан қувват ололсин,  
Эрта гуллаб қўйган олуца.





## ТҮРТЛИКЛАР

\* \* \*

Кўйингда харобман, десам, парво қилмайсан,  
Ишқингда бетобман, десам, парво қилмайсан,  
Аёғинг қўйдингни, босарсан кўзим аён,  
Яъни хок туробман, десам парво қилмайсан.

\* \* \*

Келганингдан қувонмадим, бот кетарсан,  
Ҳолимни айлаб кўп абгор, дод, кетарсан,  
Кечди фаслларим ҳажринг кўйида, ой юз,  
Олмай туриб жонимни, наҳот, кетарсан?

\* \* \*

Аҳдимни бузиб, сенга бурмайин юз,  
Дарду дилим сенга ёрмайин, ой юз.  
Қошингга боришга қани менда юз,  
Энди бу йўлга ҳеч кирмайин, ой юз.



## ЭСКИ НАҚЛ

Ўғил отасига дебди бир замон:  
“Бозорда туянинг нархи бир танга”.  
Ота дер, “Емоққа йўқдир увоқ нон,  
Бир тангани қайдан топаман санга?”

“Минг танга бўлибди туя бозорда”,  
Афсус-ла сўзлабди отага ўғлон.  
“Манов минг тангани олгину, бор-да,  
Туяни сотиб ол”, дебди отахон.



---



## ХУДОДАН ҚОЛМА

Боксанг ўнгу сўлингга,  
Қийнади дарду фирок.  
Қайтай десанг йўлингга,  
Манзилинг бўлди йирок.

Одам шаклида юрган,  
Бўриларга келиб дуч.  
Оламни оппоқ кўрган  
Хаёлларинг бўлди пуч.

Ёмонлик касби-кори,  
Юрар сўқир бандалар.  
Кундуз демай, тун демай,  
Ҳаётингни рандалар.

Номардга тушиб ишинг,  
Чекарсан мингта пушмон.  
Уриб синдириб тишинг,  
Оғзинг қон этар душман.

Бакор келиб корингга,  
Қучоқ очувчи борми?  
Кўплар дўстдир, борингда,  
Йўфингда бермас қорни.

Туз қадрини билмаслар,  
Тупурарлар тузингга.  
Юз амрини қилмаслар,  
Оёқ босар юзингга.

Етар, кўнглинг тиғлама,  
Оқ- қорани таниб қўй.  
Тиш синса, қон туғлама,  
Сен табассум қилиб қўй.



---



Тун охирлаб, субҳидам,  
Еллар елиши бордир.  
Зулматни енгиб у дам,  
Қуёш кулиши бордир.

Чекиб номард жафосин,  
Айюҳаннос солмагин.  
Ёмон олар жазосин,  
Сен Худодан қолмагин.



## ТУЗАТИШ

Лоларанг қадахда шодлик, бахт, шиддат,  
Энтикиб қаҳқаҳа отдинг, қизғалдоқ.  
Бу умр, бу баҳор оний бир муддат,  
Ҳаётинг мазмуни юпанч ва алдоқ.

Жуфтидан айрилган ғариб андалиб,  
Оташ забонингни қилаверма пеш.  
Ҳаётда ҳамиша кучлилар ғолиб,  
Қузғунга, барибир, бўлломмассан хеш.

Титрайди субҳидам кўксимда бир сас,  
Бир истак улғаяр ўжар феълимда.  
Қисмат хатосини тузатаман, бас  
Сўзлашни бошларман тошлар тилинда...





## ЎЗ ЎЗИМГА

(Насихат)

Ёмон одатларни ташлайин энди,  
Барини қайтадан бошлайин энди.  
Аввало ўрганиб муомалани,  
Тилимни суғуриб ташлайин энди.

Суғурган тилимни тикайин гўрга,  
Ўзимни солайин соқов ва кўрга.  
Учраб қолса ногоҳ галстук таққан,  
Бошимни эгайин теккунча ерга.

Каззоб, муттаҳамнинг юзидан қопдим,  
Шунча рост гапириб не обрў топдим.  
Охири оқибат чиққан мартабам,  
Кирар эшикларим тақа-тақ ёпдим.

Эсимдан чикмайди отамнинг сўзи,  
Пойлар чўнтагингни улфатлар кўзи.  
Жонингу молингдан бўлсанг-да жудо,  
Дўсту ғанимингни этиб юр рози.

Бирорта каттани масхара қилсам,  
Ҳеч ким жанозамга келмайди ўлсам.  
Юрай бир чеккада чиқармай сасим,  
Сиёсат катталар ишидир, билсам.

Дўхтирлар иши ҳам нозикдан нозик,  
Негаки уларнинг қўлларида тиғ.  
Ичагим бошимга салла қилгайдир,  
Мабодо астойдил қилсалар аччиқ.

Бўлди, бир ҳикматни яхшилаб укай,  
Худодан кўрқмаган одамдан кўрқай.  
Ичимдан ғазабим келганда тошиб  
Ўзимга ўзимни бўралаб сўкай.

Ёмон одатларни ташлайин энди,  
Занглаган ақлни пешлайин энди.  
Дайдиган итга ҳам ташлаб бир суяк,  
Яшаш керак бўлса, яшайин энди.



---



## БОЛАЛИК АРМОНЛАРИ

*Ҳар кун йўл четида чангларга ботиб,  
Ўйнаб ўтирар бир ялангоч бола.*

**Эшқобил Шукур**

Болаликнинг шўхликлари — баҳорларда,  
Зувиллатиб чиллик ўйнар ангорларда.  
Балиқ каби сувда сузиб анҳорларда,  
Улғайибман меҳрлару озорлардан.

Уватларда мол-қолларга ўт ўрардим,  
Жилғалар-ла қувалашиб югурардим,  
Кўкка туташ дарахтларни кўзга илмай,  
Шохдан-шоҳга сакрар эдим, ҳадик билмай.

Гўдакликнинг ифорлари ўткир исли,  
Онам булут, отам шамол эди мисли,  
Ҳаёлимни ўғирлама, ай қизғалдоқ,  
Ўйнашайин куёш билан қувлашмачоқ.

Вақт шамоли олис-олис кетди бошлаб,  
Энди Сурхон боғларига бегонамиз.  
Ёбонларга болаликни етим ташлаб,  
Сулувларнинг тушларида афсонамиз.

Томлар узра ял-ял ёнган қизғалдоғим,  
Олов каби ловуллаган ёшлик чоғим,  
Бир зум яшнаб очилиб у кулган лола,  
Қумқўрғонда қолиб кетган ўша бола.

Хазонларни бир-бир босиб афтодаҳол,  
Кузги боғда тентирайман хазон мисол.  
Болаликнинг шўхликлари келар эсга,  
«Севдим...» дея хат битганим қўшни қизга..



---



Ёшлик ларзон. Севги армон. Умр хайрон,  
Мени кутиб сарғайдингми, Сурхондарё?  
Қайлардасан, болалигим, зангор осмон,  
Ўксик кўнглим улғайтирган армон дунё.

Чанг тупроқли кўчаларим тунлар уйғоқ,  
Келарми деб йўлим пойлар неча замон.  
Ўтмишдаги қайсар бола — пок, бегуноҳ,  
Араз қилиб кетиб қолган аллақачон.





## КУЗНИНГ ЮПУН КЕЧАЛАРИ

Шопирганча хас-хазонни, қилиб нола,  
Урилади шамол ойна тўшларига.  
Адирларда сурув қувлаб юрган бола,  
Кечалари кириб келар тушларига.

Қўйларини йўқотганди ёппасига,  
Чалғиғанча ўйинларга бола бир кез.  
Яхшиямки, иши кетмай чаппасига,  
Қутқарганди фалокатдан отаси тез.

Оқиб кетди қанча сувлар шундан буён,  
Ўтди-кетди бу дунёдан Отаси ҳам.  
Болалиги ёдга тушса ўша замон,  
Нимагадир ўз-ўзидан бўлар мулзам.

Бўлолмади қойим Ота хизматиға,  
Олиб кетди узоқларга уни тақдир.  
Ечимини топмай чигал қисматиға,  
Симиради ҳаёт майин талху тахир.

Ўтса ҳамки неча ёзу, неча қишлар,  
Чувалашиб, тўзғиб ётар чала ишлар,  
Кўпайгандан кўпаяди, ғам, ташвишлар,  
Турмуш эса талабларин яна пешлар.

Қани энди осмонларга учиб кетса,  
Аммо оила, рўзғор тортар оёғидан.  
Ундан дуруст, онасига бўлди ҳасса,  
Бобо толнинг қуриган бир таёғи ҳам.

Бўлмасмиди юрганида қўйлар боқиб,  
Уйланиб у Қизларгул ё Тошгулларга.  
Қаёқлардан келиб қолди у улоқиб,  
Ота-бобо кўрмаган бу Тошкентларга.





Тақдир унга қаноат ва тўзим берса,  
Яхшимиди келмагани бу маконга?  
Азим Шошнинг шамоллари изн берса,  
Учмасмиди қанот боғлаб Қумқўрғонга.

Уни энди тушунмайди майса-гиёҳ,  
Болаликнинг армонлари порлар кўзда.  
Юраклари санчиб-санчиб кетади, оҳ,  
Олис қирлар тушганида қайта эсга.

Бир кимсани қидиргандай чекиб нола,  
Шошқин шамол увиллайди кечалари.  
Шудгорларда қўй излайди ўша бола,  
Лойга ботиб этигининг ўкчалари.



---



## ОТА МАКОН

Дала-дашлар мени чорлайди,  
Соғинчларнинг юрти Сурхонга.  
Кўзларимда қуёш порлайди  
Қайтганим чоғ ота маконга.

Азон муллатўрғайлар билан  
Баб-баравар уйғонаман мен.  
Тоғу тошлар бошлайди ўлан,  
Ота макон, бунча бағринг кенг.

Кўзларимда хайрат бир олам,  
Бобо тоғлар йўлимга пешвоз.  
Дийдоримга интиққан Онам  
Кўз ёши ҳам қилади бироз.

Соғинчданми, ўкинчдан ёки,  
Кипригимдан сирғалади нам.  
Товонингиз гардини токи  
Тўйиб-тўйиб ўполсам, Она.

Мен бир гўдак, жоним Онажон,  
Алла айтиб эркаланг такрор.  
Она юртим — жон Ўзбекистон,  
Меҳрим бўлсин сенга кўзтумор.

Эл-юрт кезиб пою, пиёда,  
Бир ҳикматни англадим кўпроқ.  
Жаннат мавжуд бўлса дунёда,  
У ҳам шу, мен туғилган тупроқ.

Аждодлардан мерос тупроғим,  
Кўзларимга қилай тўтиё.  
Минг йил ўтиб ёнган чироғим,  
Мен қайтадан туғилдим гўё.



---



## УЛУҒ ВАТАН

Эй улуғ Ватаним, кутлуғ масканим,  
Киндик қоним тўкилган тупроқ.  
Каъбам дейми сени,  
Кўнгил маҳзаним,  
Таърифнинг тарихда узундан узок.  
Бухорий, Термизий, Хоразмий юзинг,  
Боболарим хоки кўзимга тўтиё.  
Ясавий, Рабғузий сен асли ўзинг,  
Ривоятлар сўйлар «Қиссас-ул анбиё».  
Эй улуғ Ватаним, безавол қўрғон,  
Не азиз зотларга сен бўлдинг она.  
Бағрингда кўз очдик, баҳам тузу нон,  
Ватан — Ўзбекистон танҳо, ягона.  
Ниятимиз эзгу, орзу-ҳавас мўл,  
Юракда ёшликнинг шиддат-шукуҳи.  
Миришкор деҳқоним, Сиз бунёдкор қўл,  
Қўлласин доимо аждодлар руҳи.  
Онам Ўзбекистон, мадҳинг минг дoston,  
Бағрингда ўсибман мисли бир ниҳол.  
Эй буюк саждагоҳ, эй азиз макон,  
Олам тургунча тур, топма ҳеч завол.  
Фарзандларинг деҳқон, чўпон, миришкор,  
Шоним дейми сени,  
Қутлуғ айвоним.  
Меҳру оқибатинг мудом барқарор,  
Бошимиз силайсан сен, Онажоним.  
Бу рубъи маскунда тутмишлар маскан,  
Сахрою музларни қанча эл-элат.  
Кўзи тушиб, қолса сенга даъфатан,  
Чиндан ҳавас қилса не ажаб жаннат.  
Меҳрингга тан берар дунё меҳвари,  
Болам, деб яшаган куйинчак жонсан.  
Оламнинг бағрикенг қадим кишвари,  
Жаҳонда тенги йўқ Ўзбекистонсан.



---



## ТУРОН БЎЛМАСА

Хотиринг жам бўлса, ёрдир ҳаловат,  
Тошни ҳам чайнарсан, жонинг саломат,  
Оламда гаплар кўп қизик, аломат,  
Аммо бир ҳикматни унутма фақат,  
Бол ҳам татимайди дармон бўлмаса.

Гоҳида гирдингда оташ гуриллар,  
Бошингда бошингдай тошлар ғириллар,  
Бахтингни кўролмай нокас жириллар,  
Азобу оғриқдан танинг зириллар,  
Шоирлик беҳуда, армон бўлмаса.

То қасос алами кетмас шайтондан,  
Иллат-бало ёғмас бежиз осмондан,  
Залолат изингдан пойлаган ондан,  
Қазойинг етмасдан, тўярсан жондан,  
Қутулмоққа бирор имкон бўлмаса.

Ҳаёт сўкмоғида сен бир йўловчи,  
Умр бир ўлжадир, бу даврон овчи,  
Муштипар сингиллар умринг тиловчи,  
Ахтариб овора бўлма кўлловчи,  
Онангдай меҳрибон инсон бўлмаса.

Оламга кирилар остонам, Шарқим,  
Офтоб шуъласига доимо ғарқим,  
Сенга бўйлашолмас дунёда ҳар ким,  
Жоҳил қавмлардан қолмасди фарқим,  
Қўлимда муқаддас Куръон бўлмаса.

Азиздир шу тупроқ мисли жон қадар,  
У менга онадир, у менга падар,  
Ғурурим юксалди то осмон қадар,



---



Фурқатдек фурқатда кетардим бадар,  
Ватан, кўз қароғим, Турон бўлмаса.

Яхшининг яроғи яхшилик ва нек,  
Ёмоннинг йўриғи адоват ва кек,  
Дўстлар, бир гапимни уқиб олинг, лек,  
Она Туркистонда бўлармиди бек,  
Ўзбеклар бир тану бир жон бўлмаса.



---



## СУРХОН МАНЗУМАСИ

Болалигим боғларига юзим бурсам,  
Қайноқ қуёш урилади юзларимга.  
Соғинчларнинг этагида Сурхон борсам,  
Қизғалдоқлар сочилади изларимга.

Ота-бобом от сурган қир-адирларим,  
Кўксим тўлиб сиздан ҳаво олаяпман.  
Она тупроқ, мунча иссиқ бағирларинг—  
Қучоғингда гўдак каби кулаяпман.

Тирикликнинг юмушлари битарми ҳеч,  
Ачинмайман чала қолган ишларимга.  
Дардларимни айтаяпман яна бу кеч,  
Онам каби кутган дала-даштларимга.

Аждодларим қолдиришган кўҳна дастхат,  
Минг йилларни лол айлаган минорлари.  
Агар бунда тилга кирса дову-дарахт,  
Не сирлардан сўйлар Сайроб чинорлари.

Қушонийлар, Чағониён, қадим Бақтр,  
Заравутда босдим бобом изларидан.  
Учирса-да олисларга мени тақдир,  
Ота юртни олиб кетдим кўзларимда.

Оналардан туғилмоқда ҳали ҳамон,  
Кўкаманни силтаб отган Ойбарчинлар.  
Бу дунёга сабоқ берар неча замон,  
Доно Будда ҳайкалида Далварзинлар.

Ҳар заррангда мужассамдир кўҳна тарих,  
Улғайгандир Термизийлар кучоғингда.  
Тарихингни айтармикан ҳеч муаррих,  
Ҳеч ўчмасин ҳаёт чўғи ўчоғингда.

Болалигим боғларига юзим бурсам,  
Қайноқ қуёш урилади юзларимга.  
Соғинчларнинг этагида Сурхон борсам,  
Қизғалдоқлар сочилади изларимга.



---



## КЎП БУНЧА

Топмадим бу оламда битта бағри бутунча,  
Эвоҳ, бахтга ташналаб жони ҳалак кўп бунча.

Турфа феълу турфа таъб, ҳаёт асли зўр мактаб,  
Иш ўрнига сотиб гап, урган занаҳ кўп бунча.

Зўрлар дейди зўрман, шўрлар дейди шўрман,  
Келиб қумрига қирон, олашақшақ кўп бунча.

Шамол эсгани эсган, қилич кесгани кесган,  
Ўзини доно сезган ғалча тентак кўп бунча.

Ҳаёт, деймиз, эҳ ҳаёт, гоҳ бунёд, гоҳи барбод,  
Ўзини санаган от гала эшак кўп бунча.

Нокас сутни қора дер, амалдорлар пора дер,  
Рост гапинг чикора дер, ўтрик, ўшак кўп бунча.



Авжи йигитлик чоғимиз,  
Яшнар чаман гулбоғимиз,  
Гулга тўла сўл-соғимиз,  
Йўқдир юракда доғимиз.

Кўзлар боқар ўтли, мағрур,  
Қадамимиз шитоби зўр,  
Ловуллаиди кўкка гур-гур,  
Қўрли, кутли ўчоғимиз.

Умрнинг эрта, кечида,  
Севги-муҳаббат ичида,  
Қизлар боқар кўз учида,  
Лов-лов ёниб яноғимиз.

Толемиздан очиб-да фол,  
Қулиб турса мудом иқбол,  
Ўғил-қизлар топиб камол,  
Шохлари ларзон боғимиз.

Кунларнинг бағри жонфизо,  
Ҳар дамимиз завқу сафо,  
Шамолларни этсак ғизо,  
Тўйиб қорин- қурсоғимиз.

Тин билмайди умри азиз,  
Гоҳ мағрур, гоҳ чўккалаб тиз,  
Ҳаёт— аҳди ёлғончи қиз,  
Тингламас дилда оҳимиз.

Хиралашса нигоҳ—шамлар,  
Оҳ, дегаймиз кўзда намлар,  
Шарбатимиз шимиб ғамлар,  
Отар четга пўчоғимиз.

Келди, кетдилар бизгача,  
Хандон кулдилар ўзгача,  
Яшнаб очилиб кузгача,  
Сўнгра фано тупроғимиз.



---



## АРМОН

*Афгон урушидан қайтган  
Юсуфнинг айтганлари*

Тушларимда отишма тагин,  
Жанг жадалнинг бош-адоғи йўк,  
Ёвга шунча борсамда яқин,  
Мендан ўзин олиб қочар ўк.

Чарх уради бошда минг гумон,  
Не дейишга тилларим ожиз.  
Мен тирикман, наҳотки ҳамон,  
Соғ- саломат юрибман ҳануз.

Қирчинида ким топди завол,  
Менга қилиб жонини қалқон.  
Ўлганимда бу чоғ, эҳтимол,  
Қийнамасди юракни армон.

Қочганим йўқ куён мисоли,  
Кўрмасимдан қаттол ғанимни.  
Бир бор кулиб эҳтимол, толе,  
Асраб қолган Худо жонимни.

Мен тирикман, бор гуноҳим шу,  
Қийнайверар дилни бир сўроқ.  
Менинг учун яшасин, деб у  
Дўст ўлдими, ўшанда, эвоҳ..



---



## ЙЎЛ

Теварагим қақраб ётган чўл,  
Кўкда қушлар учар бепарво.  
Узоқ, узоқ давом этар йўл,  
Кетаяпман мен ёлғиз, танҳо.

Булутларни аллалар осмон,  
Бир илоҳий, бир сирли дунё.  
Кетаяпман, билмайман қаён,  
Ташвишларни унутиб гўё.

На ортимга қарай оламан,  
Қутулмайман тунд кайфиятдан.  
Изтиробдан ўйга толаман,  
Кетаяпман қандай ниятда?

Узоқ, узоқ давом этар йўл,  
Бўлолмайман ғамлардан фориғ.  
На ортимдан биров силкир қўл,  
На олдинда кўринар ёруғ.



---



## АЙРИЛИҚ МАНЗАРАСИ

Тун узун,  
Йўл узун,  
Зим-зиё борлик.

Сен ёлғиз,  
Мен ёлғиз  
Юракда оғриқ.

Тун бўзлар,  
Кун гизлар,  
Юракда савол.

Йўл соқов,  
Тил соқов,  
Умримиз увол.

Сен унда,  
Мен бунда,  
Фирок ортади.

Агёр дун,  
Маккор тун,  
Жонни ўртади.

Тун узун,  
Йўл узун,  
Қизлар кутмайди.

Сен танҳо,  
Мен танҳо,  
Кунлар ўтмайди.

Тун куюқ,  
Юлдуз йўқ,  
Йиғлайди осмон,

Чангли йўл,  
Ғамли йўл,  
Тугамас ҳамон.





## ДАМҒАНИМАТ

Кўрганимдан айтайинми,  
Билганимдан айтайинми?  
Инсон, умринг ўткинчидир,  
Манзилинг ҳам кўчкинчидур.

Манзилингдан то кўчгунча,  
Хаёт шаминг то ўчгунча.  
Хирс қўйиб дунё молига,  
Етиб умри заволингга.

Бола-чақа, рўзғор учун,  
Бир кўзлари хумор учун.  
Унутиб номус орингни,  
Минг қилай дея бирингни.

Хижолатдан бўзармасдан,  
Ёлғон сўйлаб қизармасдан.  
Омонат бу жон- билмасдан,  
Худони кўзга илмасдан.

Мардумни қилиб норози,  
Ўлчарсан тошу тарози.  
Қани иймон, қани лафзинг  
Чек билмайди юҳо нафсинг.

Кўзни юмиб очсанг, эвоҳ,  
Соч-соқолинг бўлмиш оппоқ.  
Изларингдан қувгандек ёв,  
Азроил ҳам етиб дарров.

Жонингни қабз айлар чунон,  
Вужудингни тарк этар жон,  
Ёру дўстинг йиғлашиб қон,  
Қабристонга элтар шу он.





Ажалку ҳар кимга мерос,  
Азал Одам атолардан.  
Инсон, кўзга тўлмай тупрок  
Истиғфор эт хатолардан.

Омонатдир умр, билсанг,  
Танангда жон эрур меҳмон..  
Дам ғанимат, тавба қилсанг,  
Савол-жавоб бўлур осон.



Осмон ютар оқ юлдузларни,  
Алвонланиб шафақ ёнади..  
Юракдаги уйғоқ сўзларни  
Айтай десам, тилим қонади.

Ишонардим ёш чоғларимда,  
Ўз қуёшим, ўз ойим бўлур.  
Ҳайрат порлаб нигоҳларимда,  
Ишонардим иқболим кулур.

Замин менга берарди қувват,  
Хуриллатди кўнглимни осмон.  
Гиёҳлар-ла айлардим суҳбат,  
Тушунардим қушларни осон.

Ўтиб кетди кунлар бокира,  
Энди бошқа одамман мутлақ.  
Ёшлиқ қайтмас ширин хотира,  
Бир ялт этиб ўчгандек чакмоқ.

Кўксимдаги бу юрак занглаб,  
Ётмас дейман, бир умр ахир.  
Мен Ўзимни етарман англаб,  
Тилакларим қолмагай сағир.

Улғаярман энди ҳар нафас,  
Ойдинланар қалбимда ҳислар.  
Эл шод кулса, омон бўлса, бас,  
Орзуларга етармиз бизлар!

Болаликка қайтаман гўё,  
Кўз ўнгимда қишлоқ, далалар.  
Менга дардлар бахш этган дунё,  
Айтар ойдин- ойдин аллалар.



---



## ИНКОР

Оламда бир ис йўқ,  
Сенингдек хушбўй,  
Десам, юзларингни  
Бурасан чаппа.  
Оламда бир қиз йўқ,  
Сенингдек хушрўй,  
Десам, ўз хуснингдан  
Тондинг ҳар дафъа.

Оламда бир дил йўқ,  
Менингдек сўзон.  
Лолу таажжубда  
Кўзимга боқдинг.  
Менингдек бир қул йўқ  
Нўнок, нотавон,  
Десам, шодон кулиб,  
Қаҳ-қаҳа отдинг.

Йўқдир хилқат, десам  
Сенингдек барно,  
Ҳаёдан қизариб  
Кетар юзларинг.  
Содиқ қулинг бўлай,  
Кўйингда танҳо,  
Десам, шивирлайсан,  
Ёлғон сўзларинг...

---



## НАЖМИДДИН КУБРО НИДОСИ

(Чингиз босқини)

Қадами офат, талон,  
Ичгани шаробу қон,  
Мисоли қирқ бош илон,  
Яъжуж маъжуждан ёмон,  
Қайдан келди бу қирон?

Билмас ҳаром ё ҳалол,  
Билмас, момо ё аёл,  
Билмас, гўдак ёки чол,  
Билгани ур-йиқит, сол,  
Шиори ўлим, ажал.

Темучинга қасдма-қасд,  
Жалолиддин дов, чаптаст.  
Темур Малик басма-бас,  
Олиб ёвни қисту баст,  
Омон бермас бир нафас.

Онам, деб шу осмонни,  
Отам, деб юрт Туронни,  
Улуғлаб шараф- шонни,  
Сақлаб Ватан- имонни,  
Берайлик тану жонни.

Тоғу тошдан курч олиб,  
Ер-куёшдан куч олиб,  
Болаларим, кўзғолиб,  
Саваш ила от солинг,  
Қаттол ёвдан ўч олинг.





## КУТИШ

Бир сўзингга бўлиб илҳак, умидвор,  
Тизгинин бўш қўйдим учаётган вақтни.  
Сабру тоқат ила кутавердим зор,  
Асру замоналар бой берган бахтни!

Қунларим баъзан қуш, баъзида имкон,  
Ўзинг қисмат дедим, манглай ёзиғим.  
Вақт — тилсим, шафқатни билмас ҳеч қачон,  
Лаҳзалар оғуга тўлган озиғим!

Вақтни еявердим оч дамларимда,  
Қўксимдан узилди жаранг торларим.  
Ишонмасдан тоғ-тоғ ваъдаларимга,  
Кетди баҳорларим — сулув ёрларим.

Фасллар сарғайди, унутиб ўзимни,  
Порлоқ аҳдларингни тингладим шоён.  
Фасллар сарғарди ўпиб юзимни,  
Ростгўйдир фасллар, фасллар ёлғон!

Фасллар сарғайди, фаслларни унутдим,  
Ўзимни овутдим йилларнинг бағрида.  
Телба мунажжимдек кўкка кўз тутдим,  
Қўлларим етолмас юлдуз ҳажрида.

Музлади фасллар, бу истак сўнмас,  
Ёлвориб тиз чўкдим сенга ошкора.  
Масофа оз қолди, аммо йўл унмас,  
Қошимга келганинг сайин тобора.

Фасллар тугади, қаламим синди.  
Вақт ҳарир чойшабин тортар кўзимга.  
Сўзла, вақтни юргиз, қистайман энди, —  
Йилларим тизгини турар измингда...



---



## ОДАМИЙ БЎЛ

Кимлар юрар димоклари осмонда,  
Зуғум айлаб ожизу нотавонга.  
Беллашувга чорласанг гар майдонга,  
Шоқол каби қочар дашту ёбонга.

Кўр замоннинг ажаб-ажаб корини,  
Бирда йўғи, бирда эса борини,  
Нафс йўлида ким йўқотди орини,  
Чекди албат, гуноҳи озорини.

Ҳеч замонда яхши ёмон бўлмагай,  
Минг чиранса, зоғлар булбул бўлмагай,  
Бемаҳалда қизил гуллар сўлмагай,  
Ажал етмай, ҳеч ким ногоҳ ўлмагай.

Сўқур каби юрар ғофил инсонлар,  
Талонларда талон неча виждонлар,  
Нафси учун жонни тиккан ўпқонлар,  
Кепак пулга бой берилган имонлар.

Ҳасад-иғво хазон этмай боғларинг,  
Эзгуликка тўлдир сўлу соғларинг,  
Бехудага совуриб гул чоғларинг,  
Аттанг, дея тутамасин оҳларинг.

Эл билан бўл, улуғдир эл дуоси,  
Парво қилма ризқу рўзинг кўп-ози,  
Даркор эмас сенга фано ғавғоси,  
Нодонларнинг ёлғон-яшиқ савдоси.

Камтарликда тупроқдан ҳам бўл ками,  
Кўнгли ярим, етимлар дил малҳами,  
Мазлумлару ғариблар дўст, ҳамдами  
Энг муҳими, аввало, бўл одамий.



---

## ЧАЛПАК ЁҚҚАН КЕЧА

*«Хотира кўзгуси» туркумидан*

### 1

Бир кун тонгда уйғониб уйкудан,  
Бўзсув узра келсам юз ювмоққа.  
Анҳор тўлиб оқмоқда қарасам,  
Зоғора балиқ, чўртан ва лаққа.

Қўшнилар, тутайлик балиқларни,  
Деб ён-атрофга қиламан довуш.  
Қўшнилар бекитиб туйнуқларни,  
Ухлар лоқайдча, мисоли бойкуш.

Қирғоқ бўйлаб югураман зир-зир,  
Бўзсув эса нортуядай кўпирар.  
Балиқлар мени қилганча мазах,  
Ҳовучим деворларин ўпирар.

### 2

Бир куни саҳар очиб кўзимни,  
Кўрдим ўзим бегона ётоқда.  
Хурлиқо бир қиз ётар ёнимда,  
Кимсан ўзинг, деб берган сўроққа:

«Завжангизман, дейди кулиб бадбахт,  
Тўйимизга олти ой бўлди нақ.  
Тезда ота бўп қолурсиз, албат»,  
Чағ-чағ қилиб сайрар олашақшак.

### 3

Бир саҳар туриб ташқари боқсам,  
Ҳовлимиз тўлиб ёққанмиш чалпак.  
Ахир осмон тинч эди кеч оқшом,  
Ўнгимми бу туш, дейман, мен тентак.



---



Аёл-чи, менга ўшқирар жаҳл-ла,  
Қўни –қўшни ҳеч топмасдан хабар.  
Териб олгин ҳой, лаллаймай бунча,  
Чалпақларни тез қовоқбош, овсар.

4

Саҳар бир кун ётсам маст уйқуда,  
Бир бобо жиккак жуссаси билан:  
Турткилаб узун ҳассаси билан,  
Қотма дейди, сен ғафлатда бунча.

Аччиқ билан сўрадим шу асно:  
«Эй нодон чол, бер ўзингдан дарак»:  
«Ушоғингман, мен невара сенга,  
Билмайсанми шуни ҳам эҳ, сўтак...»





\* \* \*

*Ассалом-алайкум дорнинг оғочи*  
Достондан

Ҳақ қисмати бандасига битилган тақдир,  
Бу қисматнинг битигига шак-шубҳа йўқдир.

Ўтдан олиб сувга солиб, қийнама жоним,  
Ханжарингни тиғларида тўкмагин қоним.

Дунё деган қафасдан ҳам тордир, биламан,  
Бир жонимдан кўрқсам агар, ўзлимим ёлғон,

Қаро ерга кирайин-о, кўк кийсин осмон.  
Бу ўлимим эркисизликка қарши исендир.

Етолмасам мен у тонгга чекмасман алам,  
Ҳақ йўлласа, халқ қўлласа ҳаётман, мен ҳам.



---



## БЎЛМАС

Изладим, дунёнинг ройиши қайда,  
Бўзладим, ҳақиқат озорлариндан.  
Мен сотиб олганим эрмаклар – майда  
Дунёнинг серғавғо бозорлариндан.

Кулай мен, ҳабиблар кўнгли шод бўлсин,  
Кулай мен, ғанимлар аламдан ўлсин,  
Кулай мен, ғам уйи барбод бўлсин,  
Кулай мен, кўзимда дунёлар кулсин.

Кўпкари дунё бу, қари дунё бу,  
Бедовим майдонга солмасам бўлмас.  
Гўзаллар гўзали, пари дунё бу,  
Кўшқида бир ором олмасам бўлмас.

Бозорлар, озорлар, ғамлар ўткинчи,  
Ғуссалар, хуш-хандон дамлар ўткинчи,  
Бул оқшом ой каби тўлмасам бўлмас,  
Чўлпондек чарақлаб кулмасам бўлмас.

Балки настариндек сулув гулдирман,  
Балки подшозода, балки кулдирман,  
Бу кун юрагимни тилмасам бўлмас,  
Ҳаққа илтижолар қилмасам бўлмас.

Балки ноҳақманми, балки ҳақманми,  
Раббим, ўзлигимни билмасам бўлмас?!  
Қисматнинг илкида кўғирчоқманми,  
Ки қисмат устидан кулмасам бўлмас?!



---



## АБАДИЯТ ЗИКРИ

Кетдим, кетавердим кўнгил измидан,  
Аҳли содиқларга тилаб матонат.  
Дунёнинг итирқин, чиркин базмидан,  
Гоҳида қувониб, гоҳо дил қонаб.

Кўнгил, нима дейин, сен озод қушга,  
Фақат эркалайман суйгандек гўдак.  
Мен, ахир оламга келмайман бошқа,  
Ўзгалар ўрнига ўларман нега?

Олдда қисматларнинг зирҳли девори,  
Ундан сакрамоқлик душвор мен учун.  
Ҳеч нарса демасман сизга дил ёриб,  
Юлдузлар шовиллаб тўкилар бу тун.

Одамлар, мен сизни алдадим кўпроқ,  
Кулгим ниқобида кўз ёшим пинҳон.  
Яхши бир одамни ютмоқда тупроқ,  
Тоғлар ютганидек қуёшни оқшом.

Бошимизда офтоб порлагай тонглар,  
Тераклар шивирини тинмас субҳу шом.  
Бу Адам мулкига наҳот инсонлар,  
Келиб кетаверар худдики меҳмон !

Умид илинжида тикдим Сизга кўз  
Бобо чинорларим -нуроний чоллар.  
Сиз ҳам десангиз-чи, менга бирор сўз,  
Бокира санамлар - мажнуна толлар.



---



## КЕКСА ДАРАХТ

Инсон ухлаб ётса ҳам карахт,  
Бир томири уйғоқ ҳамиша.  
Яшар эди шарқдаги дарахт  
Бўронлару довулга пеша.

Товланарди офтобда сарик —  
Япроқлари куйиб, куз фасли.  
Кекса дарахт — қадимий тарих,  
Аждодларнинг закоси, асли!

Ўшандаёқ ярим дунёни  
Улар бутун ҳолида кўрган.  
Ишғол этиб арзу самони  
Хаёллари фалакда юрган.

Улуғ ҳаким Ал-ибн Сино,  
Ал-Хоразмий бунга кафолат.  
Яшил дарахт илдизин аммо,  
Қўпормоқчи бўлди жаҳолат.

Яшил дарахт кўзида фарах,  
Ишонмасман ғанимга мутлоқ.  
Волидам шарқ, ётмагин карахт  
Осмонларга қараб ёз кучоқ.

Турфа маслак ва турфа ғоя,  
Тўкнаш келар менга ҳаётда.  
Рухингизга бўлдим ҳамсоя,  
Гоҳ Афшона, гоҳи Қиётда.

Нигохимда минорлар нақши,  
Шууримда боболардан шахт.  
Бўронлару довулга қарши,  
Яшагайсан мўъжиза дарахт!

Яшагайсан огоҳ баридан,  
Хаёлотга бўлиб ҳануз ғарк.  
Навоийнинг сатрларидай,  
Мангудирсан, онажоним Шарқ!



---



## ДУШМАН

Бола эдик,  
шундоқина дала четида,  
Қўйларимиз ўтлардик биз ўша дамлар.  
Кўрқар эдик бригадирнинг маст ўгитидан:  
“Қўй-эчкилар пах-та е-са,  
жа-воб-гарсанлар...”

Тушунсак-да,  
пахта бизнинг ризқу рўзимиз,  
Ўйин билан чалғир эдик баъзи маҳалда.  
Элмуроднинг эчкилари алдаб кўзимиз,  
Қай бир куни ўтиб қопти  
пахта пайкалга.  
— Касофат бу эчкиларинг ғўзамни еди,  
Тикмасамми, энағарлар керак  
жойига,  
Бригадирнинг вужудидан анкиб май ҳиди,  
Бир пийпалаб Элмуродни олди пойига.  
Урра қочдик уч-тўрттамыз  
дарров туш-тушга.  
Бир қочганда тутолмасди бизларни шайтон.  
Қочолмади жўрагинам, питирлаб қушдай,  
Қолаверди тупроқ ютиб,  
тупурганча қон!

Сен душмансан, дея  
етти яшар гўдакни,  
Мўйловлари пир-пир учиб, тепди аямай.  
Ёнар эдик  
босолмасдан мурғак юракни,  
Тилимиз ҳам тош қотганди, бир сўзга келмай.  
Жигарини эзган экан тепки ўшанда,  
Жўрамни сўнг етказдилар шифохонага,





Ўлган чоғда зор ачиниб

митти душманга,

Қақшаб-қақшаб йиғладим мен азахонада.

Тушларимга кириб келар тунлар гоҳида,

Уқтиради неларнидир менга бир нафас,

Овози ҳам улғайганга ўхшар чоғимда,

Мени кечир, дўстим, дейди,

мен душман эмас.

Қўйгил энди, жўра, дейман, агар дўст бўлсанг,

Ич-ичимдан ёниб, ўзни ололмай қўлга.

Қон тупурди болалигим ўшанда, билсанг,

Ғорат бўлди болалигим чанг тупроқ йўлда.

Тупроқ билан усти-боши

беланган ўсмир,

Ҳузуримга ҳамон келар бузиб хобимни.

Алаҳсираб тушларимда силайман бир-бир

Тепки зарби кўкартирган

ҳамма ёғимни...





---



3

Кўпирди исёнкор туйғулар конда,  
Ў, илҳом, бу лаҳза васлингга етдим.  
Туркулар куйладим туркий лисонда  
Туркистон сўзини қон ила битдим.

Мен шеърлар айтурман, айтурман қониб,  
Ўчгай юрагимдан доғу аламлар.  
Рухимда уйқудан кетди уйғониб  
Миллион йил уйқуда ётган оламлар!



---



## УЙ

*Ота, мен бугун уй қурдим.  
(тўрт яшар ўғлимнинг гапи)*

Бугун уй қурганинг айтасан менга,  
Эрмакка эмасдир қурганинг бу уй.  
Уй қур, эътирозим йўқ асло сенга,  
Сен ҳам ота-онанг ташвишини туй.

Сен ҳам ўз ҳаққингни олгин айириб,  
Ўзингдан катталар билан энди тенг.  
Учқур қанотингни қўймас қайириб,  
Ўғлим, бу Ватаннинг қучоқлари кенг!

Ўзинг тўрт ёшда-ю, ўйларинг катта,  
Ижара тор келар митти жонингга.  
Худди қилганингдек зўр ишни удда,  
Ўйларинг кўрсатдинг ота-онангга.

Жилмайиб қўяди онанг бир нафас.  
Отанг ҳам, эҳтимол, қилмайди парво.  
Ўғлим, сен ҳаётга яша қасдма-қасд,  
Нотанти қисматга кўникма аммо!

Бир кун улғаярсан, қуюлар шўхлик,  
Хизматга чорлайди Ватан сизларни.  
Бошинг омон бўлса кўрарсан, ўғлим.  
Ўз юртида сарсон Ватансизларни!

Кўрарсан аввалда қисишиб бўйин,  
Уйингга кирувчи кўноқларни ҳам.  
Бериб бировларга туғилган уйин,  
Кўчада изғиган кўрқоқларни ҳам.





Ўғлим, сенинг учун бу ҳали ўйин,  
Уй қуриш осондир сенинг ёшингда.  
Мен-чи, қуролмасдан ҳамон ўз уйим.  
Сочларим оқарди ўттиз ёшимда!

Шаҳарда қолмади кирмаган кўчам,  
Қаҳратон қишларда излаб бошпана.  
Бу ишингдан болам, кўнглим хотиржам  
Сенинг уйинг бўлар шинам, шоҳона.

Негадир бўғзимда қотар овозим,  
Ўзинг тўрт ёшда-ю, улкан ўйларинг.  
Уй қур, асло сенга йўқ эътирозим,  
Жаҳонга кўриниб турсин уйларинг.



---



## ТҮҮРТЛИКЛАР

Агар сен ёлғизлар ёлғизи бўлсанг  
Етти ёт бегона тукқан элингга,  
Билиб қўй, мабодо бир куни ўлсанг,  
Маймунлар йиғласин сенинг ҳолингга.

\* \* \*

Неча юз ўргилиб, парвона бўлибман,  
Эл-улус ичида афсона бўлибман,  
Қайда кўрма, пойингда мисли бир хазон,  
Кўзда ёшим, саки девона бўлибман.

\* \* \*

Оламнинг ажиб муҳаббати икки дилда,  
Эгамнинг буюк неъмاتي икки дилда.  
Бил, икки дунё саодати икки дилда,  
Ушшоқ аҳлининг ибодати икки дилда.



---



## БАХИЛГА

Ахтарганча яшаш учун тадбир- чора,  
Бугун ҳамма бир иш билан банд, овора.

Илму амал қилганидай гўё пари,  
Кўмочига кул тортадир ёшу қари.

Ер юзида тирик жон бор—қимирлаган,  
Эртаю кеч ўз иши-ла ғивирлаган.

Аmmo гўё ўлчагудек бўйи эним,  
Соям каби эргашасан нега, иним?

Бўлмадим ҳеч ҳамтовоқ ё сафардошинг,  
Маъракада емаганман текин ошинг.

Шубҳали бир улфату ошином йўқ,  
Пиёдаман, бисотимда мошинам йўқ.

Рўзгорда ҳам йўқ эмасдир каму кўстим,  
Анқога ҳам шафемасдир ёру дўстим.

Азон туриб ишхонага оларман йўл,  
Ёмғир ёғса, бош-оёғим бўлади ҳўл.

Етишмаса гоҳи кўмир, гоҳи ўтин,  
Хархаша ҳам қилиб турар уйда хотин.  
Хотин зоти азал-азал зарбулмасал,  
Жини тутса, шайтонни ҳам этар ўсал.

Пишт демадим аммо иним, пишагингни,  
Тескари ҳам қилмадим ё эшагингни.

Жаҳл қилиб, ё отангни урганим йўқ,  
Онанг ҳақда ўтрик-ўшак сурганим йўқ.



---



Сен ҳақингда ножоиз ўй ўйламадим,  
Ғараз ила қийшиқ оғзинг пойламадим.

Очиғин айт, магар менда ўчинг бўлса,  
Жонимни ол, Азроилдек кучинг бўлса.

Фақат менга бўлар-бўлмас айблар тақиб,  
Жосус ёки айғоқчидай этма таъқиб!

Сенга нима, мен тарафга куёш чиқса,  
Кутмаганда ё сигирим эгиз туғса?

Чиқиб қолсам гоҳ олдинги марраларга,  
Қувончимдан қаҳ-қаҳ урсам давраларда.

Худо ўзи камитмаса ризқ рўзимни,  
Порлоқ кўрсанг кўкда омад юлдузимни.

Қопағон бир итдай менга ириллама,  
Алам билан бурнинг тишлаб жириллама.

Одам бўлсанг, илло, қушнинг уйин бузма,  
Этак билан осмондаги ойни тўсма.

Чўзганимдан маъно йўқдир гапни, хуллас,  
Алалхусус, бошқа иш топ феълингга мос.





---



Эй биродар, айт-чи,  
недан тўлмас кўнгил,  
Айюҳаннос соладирсан еру кўкка?  
Инсон боши  
Оллоҳимнинг тоши, билсанг,  
Тушар бориб, қайга отса, у бехато.  
Чоригингни кўтар,  
жўна, чидамасанг,  
Чидаганга чиқаргандир асли дунё.  
Ўз ўзингча бўлар-бўлмас чекиб фиғон,  
Осмонларга сапчиганинг  
кимга даркор?  
Одамзотга бир коса сув ва бурда нон , —  
Кифоядир,  
қолганлари бари бекор.



---



## ТЎРТЛИКЛАР

Қандай гўзал эрур умринг баҳори,  
Муҳаббат ўтининг шавқу шарори,  
Сарву санобарнинг қадду рафтори,  
Қийиқ қоши ила, чашми хумори.

\* \* \*

Ёрим, менга боқмай ўтдинг, ногаҳон,  
Жоним исканжага олди доғи ҳижрон.  
Ҳатто тушимда ҳам юзни ўгириб ,  
Кўзингни солмасдан дилим этдинг қон.

\* \* \*

Сени севиб бир кун шоду обод бўлмадим,  
Неки борим бердим, аммо бунёд бўлмадим,  
Жунун савдоси кўр, не қилди мени, ой юз,  
Вале ишқ домидан бир дам озод бўлмадим.



---



## ИСМИНИ ЙЎҚОТГАН ОДАМ ҲАСРАТИ

*Не ажаб, қон йиғласам аҳли  
замондин дам-бадам.  
Алишер Навоий*

Қайси бир санада, оқшомми, саҳар,  
Гўдак йўргакланса умидлар билан.  
Падари қувонса, ўғлим деб, магар,  
Билмаса гўдакнинг ёзмишида — ғам!

Ровийлар тўхтангиз очмоқликдан фол,  
Ўтмишим кўмилган, эртам бешараф.  
Тилларим кесилган, бармоқларим шол,  
Ўзимни ахтариб юрибман, ё Раб!

Дардларим кўксимда вулкондек тошса,  
Қароғим қатига яширдим пинҳон.  
Ёвузлик, истибдод ҳаддидан ошса,  
Аҳли шайтанатга тиладим имон!

Бордан йўқ бўлганман тасодиф боис,  
Дунё бир эврилиб, бор бўлди йўқлар.  
Кўмакка қўлларин чўзмокқа ожиз  
Менга на пайғамбар, на олий руҳлар!

Инграниб, шакланиб айланар замин,  
Кимларни ёд этиб яшайди жаҳон.  
Наҳотки, исмимни унутган ғаним,  
Наҳотки, исмимни билмайди, замон?!

Гудрайман қаршимда ястанган тоққа,  
Залворли ҳасратни симирар кунлар.  
Ўзимни ахтариб, номаълум ёққа  
Бош олиб жўнайман зим-зиё тунлар.



---



Осийман, беҳиштдан қувилган гўё,  
Қонимни ичмоққа шайланар тупрок.  
Исмимни унутди, наҳотки дунё,  
Асрлар сабримга бўлолмас урвоқ.

Энтикиб исмимдан сўз очса исён,  
Жунжиккан забоним сақлайди сукут.  
Наҳот бу оламга келганим ёлғон,  
Ер аро, кўк аро исмим йўк, унут!

Маккор ёзигимга таъналар айта,  
Қоғозлар чинқирар ютиб сўзимни.  
Осмонга муқаррар ёзарман қайта —  
Юрак қоним билан ўзбек сўзини.

Бир инсон туғилса, шодланса она,  
Аммо бу не ёзик, тошюрак, сангдил:  
Бу гўдак аъмоли бахтга бегона —  
Деб, имзо чексалар ошкора, дангал.





## ФУРСАТ

Ҳар гал бошланганда умрингни тонги,  
Ўйлайсан тириклик, ҳаёт ҳақида.  
Лаҳзалар — гўёки томирда қонинг,  
Соат капгиридай юрак — тақиллар.

Маъюс япроқларга илтижо этдинг,  
Англатингиз дея, фурсат шитобин.  
Барглар толганича узоқ ўйга жим,  
Сукут-ла сўйлади ҳаёт итобин.

Фурсат кетиб борар қадди букилиб,  
Лаҳза ва онларнинг зилдай юкидан.  
Яшаш истасанг-да, одамдай бўлиб,  
Қочиб кетолмайсан тақдир ҳукмидан.

Не ўйлар идрокинг чулғар басма-бас,  
Тоғлардан сўрарсан, қаён кетяпсиз?  
«Болам дер, бизларга қилмагин ҳавас,  
Кўз очиб юммасдан, нураб битяпмиз.»

Гўё тириларсан ҳар субҳи сабоҳ,  
Гуллар шивирида ўлмас бир баёт..  
Улар ёш гўдакдек жилмайиб қувноқ,  
Сенинг кўзларидан ахтарар нажот.

Орзу-умидидан кечолмас инсон,  
Сўнгги нафасини олаётганда ҳам.  
Ҳар гал отганида уфқда янги тонг,  
Унутма янги кун шукрини , одам.

Фурсат бу видодир, фурсат — ассалом,  
Сўйлар Атлантида ҳалокатидан.  
Фаҳм этсанг, собитдир асли бу олам,  
Банданинг Халлоққа ибодатидан.



---



## ИНСОН ЎТАР

Улуғ мавло, маҳоратла чизиб тархин,  
Кудрат ила айлангирди олам чархин.

Соллонаю соллона бу жаҳон ўтар,  
Жаҳон ичра армон ўтар, инсон ўтар.

Билолмасдан Одам Ато душманини,  
Азозилга чалғиб, чекди пушмонини.

Замонамнинг ич ташига аста бўйлай,  
Юракдаги армонларим сенга сўйлай.

Мураккабдир бу дунёнинг қийлу қоли,  
Маймунни ҳам йиғлатар гоҳ инсон ҳоли.

Ўрар бешак ҳар бандаси нима экса,  
Ҳақ қошида баробардир ёшу кекса.

Инсон умри икки қошнинг аросида,  
Гуноҳи, савоби тошу тарозуда.

Кибор хода ютган, сира эгмас бошин,  
Хоксор эса сажда узра тўкар ёшин.

Жоҳил сотиб олар дўзах балосини,  
Дуосини ололмай ота-аносини.

Оқил чекур илм, дея тинмай заҳмат,  
Нодон қилур устозига куруқ тухмат.

Кими ўтар умр бўйи ғофил, сўкур,  
Кими эса донишлардан сабоқ ўкур.

Бўриларни тоғу даштда кўрмайсан ҳеч,  
Оломоннинг орасида келарсан дуч.



---

Кўзларингни ўйиб олсам, дейди улар,  
Жигарингни юлиб олиб, ейди улар.

Ёнимизда тулкилару куёнлар ҳам,  
Найзасини гажак қилган чаёнлар ҳам.

Соғ қолмайсан асло улар нишларидан,  
Қўл юварсан дунёнинг кўп ишларидан.

Эласанг, дарди дилу армонларинг,  
Қон-зардобга айланар хуш онларинг.

Фоний дунё жафосини чека-чека,  
Дарзлар тушиб, юракларинг бўлгай тилка.

Ўтирганда ғамга ботиб тор хонангда,  
Етиб келар ҳақиқат ҳам остонанга.

Келишади дўсту ёрлар очиб кучок,  
Танишлару билишларинг йўқлар шу чок.

Бошинг тухмат-маломатдан бўлиб фориғ,  
Яратганга шукур, дейсан, юзинг ёруғ.

Элдошларинг — ўчоғингда ёнган чўғинг,  
Билсанг, шулар экан, асли бору йўғинг.

Маломатдан бошинг омон, кўксинг осмон,  
Тоғдай таянч бўлмоққа шай юртинг омон.

Сенинг сабру саботингга таҳсин айта,  
Ёруғ кунлар ҳаётингга келар қайта.

Чин юракдан тилагимни этсам баён,  
Қаторларда хато бўлмай, юргин омон.



---



## МАЙДОН ИЧИНДА

*Махтумқулини ўқиб*

Кутмаганда гоҳ омад ўгирса юз,  
Ғам-ғусса ёпишганда ё устма-уст,  
Қадрдонинг ўтиб кетса демасдан сўз,  
Ёлғизман деб ёнма майдон ичинда.

Мўминларни Ҳақ таоло сийламиш,  
Нодон фано зиндонига бўйламиш,  
Кўзларини нафсу риё бойламиш,  
Сўқур каби сарсон замон ичинда.

Кунда минг бор шайтонларга этиб дуч,  
Қисмат сендан қайта-қайта олар ўч,  
Қанот бойлаб фалакларга магар уч,  
Оёғингдан тортар осмон ичинда.

Дунёйи дун жилваланиб савт чалар,  
Бедорликда ўлтирарсан кечалар,  
Икки жаҳон овораси нечалар,  
Қўним топмас еру осмон ичинда.

Савоб иш қил, дохил бўлгин дуога,  
Нокаслар қисмати дўнди хатога,  
Қарғиш олиб, ким оқ бўлди отага,  
Юз қародир, бу ломакон ичинда.

Қойим экан ўқида чархи даввор,  
Келинчакдек ўзига бериб оҳор,  
Қайтса яна боғларингга гулбаҳор,  
Юзларингни ювгин найсон ичинда.



---



## ЯШАШ ХУҚУКИ

Қанча орзу хавас, қанча ғурурни,  
Баайни шамолга совурибман, аттанг.  
Биродарлар,

Маъзур тутинг, бу сўқурни,  
Арсат кўчада турибман, ханг-манг.  
Бир пайтлар бу ҳаёт поклик тимсоли,  
Оллоҳдан берилган инъом-ку, дедик.  
Биз уни яшайлик инсон мисоли,  
Ҳалолу покиза, бекин, беҳадик.  
Югурмасдим, унда сарсари учардим,  
Тўлдирганча гул ёшлигим кўчаларин.  
Парилар кўлидан шароб ичардим,  
Олис қолмиш ул муҳаббат кечалари.  
Мен кимман, оддий бир чумоли, ахир,  
Тўқман, деб алдайман бўлсам ҳамки оч.  
Кимгадир жилмайиб кўл узатаман,  
Бир бандайи ожиз — ночор, ноилож.  
Ахир бу дунёга бир бор келамиз,  
Ўлчаб берилгандир умримиз, ахир.  
Ноёб бир матодир ҳақ сўз,

биламиз,  
Ёлғонга тобемиз, аммо, барибир!  
Не куч айлангирди бизларни қулга,  
Кўзимиз кўр қилди бойлигу мансаб.  
Қашшоғу гадони олмай

бир пулга,  
Остонадан келса соламиз ҳайдаб.  
Дунёга келиб, хўш, нега ғам сймиз,  
Баъзан ўзимизга берамиз савол.  
Бошқалар ҳам мендан пеш эмас  
деймиз,

Гўё ўзимизни овутиб дарҳол.  
Оғир,  
Эҳ, кимлигинг англамоқ сенга,



---



Эллик ёки юз йил судралган махлуқ.  
Билмайман,  
Одамман, дейишим менга  
Ҳаётда яшашга берарми ҳуқуқ?



---



## ТУРМУШ МАҚОМИ

Тонг. Ёдга туширар уйғонишимни,  
Юмушга чопаман. Улгуриш қайда.  
Йўлда учратаман бир танишимни,  
Ассалом-алайкум. Мавзулар майда.

Чопаман унутиб кунларнинг отин,  
Ишдан уйга томон, уйдан бот ишга.  
Рўзғор халтасини тутқизар хотин,  
Бозор оралайман.  
Тиш қўйиб тишга.

Рўзғор, бола-чақа, тўлмас камларим  
Турмуш мақомига мослашар тақдир.  
Алвидо болалик, масъуд дамларим,  
Ярим тун.  
Ўйларим оғирдан оғир.

Ярим тун.  
Кетаман ташлаб хонамни,  
Оғриқми, ҳасратми тирнайди кўксим.  
Соғиниб узоқда қолган онамни,  
Ўзим-ла сўзлаша бошлайман ўзим.

Кезаман. Билмайман муддаом нима,  
Ақлимни йўқотиб, урарман қаҳ-қаҳ.  
Бамисли уммонда адашган кема,  
Тўфонда чилпарчин бўларман бу вақт.

Қандайин бедодлик, эй ғофил дунё,  
Тушмоқда қарангиз, инсон не қўйга.  
Барчамиз саҳнада турибмиз гўё,  
Хиром этаяпмиз фақат бир куйга.

Кимга шону-шуҳрат, кимга эса пул,  
Қари-ёш чирпирар саҳнада илдам.



---



Фақат бир мақомга йўртаётган ул—  
Сўқир оломонга не дейман, бу дам?

Ким йиғлаб, кимлари валақлаб кулган,  
Ўхшар бу қисматнинг интиқомига.  
Оломон бутунлай кўникиб бўлган,  
Фанонинг телбаваш бу мақомига.

Ярим тун.  
Бораман бошимни эгиб,  
Бу мақом измидан чиқа олмасман.  
Дунёга келдимми бироз кечикиб,  
Ё эрта туғилдим, аммо билмасман.





## ТЎРТЛИКЛАР

\* \* \*

Сўзинг менга дуру маржон эмасму,  
Кўзинг нуру, юзинг бўстон эмасму,  
Даҳри дунда таърифингга тараф йўқ  
Ўзинг менга жону жонон эмасму?

\* \* \*

Жонимни хаёлинг охири айлади соб,  
Кўзим дарёсини тоширди селу селоб.  
Эвоҳ, не қаро кунда сенга йўлиқдим  
Ғаминг кўнглимни этмиш хору хароб.

\* \* \*

Ишқ савдоси келибдими қошингга,  
Ҳижрон азоби тушдими бошингга,  
Кулфату ғавғо кўпдими тошингга,  
Ҳасрат оғуси қотилдими ошингга?



---



## КЕЛДИМ

Мансури Халложга ўзни чоғладим,  
Аналҳақ кўйида мастона келдим.  
Сочинг занжирига дилни боғладим,  
Қаландар бўлдимۇ хайрона келдим.

Кўзимга илмадим не явмул жазо,  
Не жаннат тўбидан сўрмадим ризвон.  
Дилим кўзгусига боқдим сен якто,  
Тўпикқа келмади ул Аршу осмон.

Холиқу ҳаллоққа айлаб таваккул,  
Фано ғамларидан фарзона келдим.  
Айюб унси эдим, этдим тахаммул,  
Адам дашти ичра мардона келдим.

Ўздин рихлат этиб бу йўлга тушдим,  
Келдим ишқ кўйида ютиблар қонлар.  
Очдинг ҳижобингни дил чоҳга тушди,  
Куйди саккиз беҳишт, куйди осмонлар.

Магар Фағфур эдим элда ораста,  
Мажнун сийрат бўлдим, сарсона келдим.  
Халос этолмадим Дилни қафасдан,  
Мастона, мардона, хайрона келдим.





## САВДО

Дунёнинг энг оғир савдоси менда,  
Дарвешни, хоқони, гадоси менда.  
Жаҳон бозорида қилурман савдо,  
Сахийликда Ҳотам, хасисликда гадо.

Бу савдо меники, қани харидор?

Нечун беғамдирсиз, бепарво нечун,  
Наҳотни номуслар сотилса пулга?  
Ҳеч бўлмаса бугун... ҳеч бўлмаса бугун,  
Гўдакка айланиб термулай гулга.

Бу савдо не кўйга солмади бизни,  
Манфаат йўлида бўлдим қўғирчоқ.  
Бир умр бақадай безрайтиб кўзни,  
Қоп-қора деворни деявердик оқ.

Бу савдо меники, қани харидор?  
Менинг додимдир бу менинг бунёдим,  
Бу имло меники, бу сўз меники —  
Қора девордаги оппоқ фарёдим!

Тахир ғамимдир бу – емагим, тузим,  
Уни сотолмайман ҳеч кимга бироқ.  
Телмир-телмир кўзим,  
мўлдир-мўлдир кўзим  
Энтикиб ўчаётган бир жуфт шабчирок.

Бу савдо меники, харидор йўқдир,  
Кўнглимга бир маҳрам, ғамгусор йўқдир.  
Мен шоир эмасман, қанотсиз қушман,  
Кўксимга ин қурган аёвсиз душман.

У мени тинч қўймас келар изимдан,  
Сотолмайман уни ҳеч кимга аммо,  
Худди ажалимни кутган кузғундай,  
Бошимда айланар бу оғир савдо.



---



## УМР ДОВОНЛАРИ

Ўн ёшингда чечак каби унадирсан,  
Учқур ҳаёт Дулдулига минадирсан,  
Ўн ёшингдир, авжи ўсиб гуллар вақтинг,  
Шамолларни тиркиратиб қувлар вақтинг.

Етганигда авжи кўклам йигирмага,  
Дуч келасан азозилнинг ҳамласига.  
Йигит, зир-зир беҳудага югурмагин,  
Улгурарсан насиб этса ҳаммасига.

Ўттиз ёшда вужудингда ўту олов,  
Ён верингда пойлаб турар сени синов,  
Ўт чақнайди гўёки ҳар товонингда,  
Адашма Сен кўнгилларнинг ёбонида.

Қир устига чиққанигда қирқ ёшдасан,  
Эринмасдан паст-баландга айла назар.  
Тўрт мучанг соғ, бамисоли Ғиротдасан,  
Пиёдалар ҳолидан ҳам бўл бохабар.

Эллигингда ўғил-қизлар кириб ёнга,  
Элу-юртга катта тўйлар берар даминг.  
Атрофингда қуда-анда, қариндошлар,  
Бундан буён билиб қўй, Сен эл одами.

Олтмишингда олиб энди оларингни,  
Нафсу ҳирсдан сал нарироқ ўтирар пайт.  
Ўйлаб-чўйлаб эрта нима бўларингни,  
Қаноат-ла неъматига шукрона айт.

Манзилинга етиб келгунг етмишингда,  
Бошқаларга от жиловин бўлди, тутқаз,  
Қанча талотўплар ўтди кечмишингда,  
Ёнбошлагин оёғингни чўзиб, бирпас.





Азал-азал ривоятлар баён этмиш,  
Ҳикматларга тўла экан асли етмиш.  
Яхши бўлсанг, кўрсатарлар иззат-ла тўр,  
Ёмон эсанг, тополмайсан киришга гўр.

Хафа бўлма саксонингда саксан десам,  
Бамисоли ё ер билан яксон десам,  
Эсон-омон саксонни ҳам урсанг не бахт,  
Неварангни зурёдларин кўрсанг, не бахт?

Тўқсонинг ҳам етиб келар, киши билмас,  
Ҳеч бировнинг сен-ла асло иши бўлмас.  
Неъматлардан тотмасанг-да, энди тўқсан,  
Юзга кирсанг, бу дунёда балки, йўқсан.



---



## УМРИМ КЕТА КЕТГУНИЧА

Умрим кета-кетгунича бир йўл кўрдим,  
Йўлларимда гоҳ осон, гоҳ мушкул кўрдим,  
Шошу Сурхон аро бўзчи мокисидай,  
Зир қатнаган бир ошуфта кўнгил кўрдим.

Камалакдай осмонларга туташибман,  
Бу йўлларда шайтонла йўл талашибман,  
Қолдирибди ҳамроҳларим мени доғда,  
Мен ўзимни зўр билиблар адашибман.

Майдаладим чақа каби бу умрни,  
Изтиробга сотдим шодлик ва хузурни,  
Ўлтирибман энди хору қашшоқ, гадо,  
Бошин силаб очу нахор бу ғурурни.

Юлдузларни субҳи козиб ютгунича,  
Армон кўрдим йўллар кета-кетгунича,  
Эй сен орзум осмонида ёнган Қуёш,  
Интиламан токи умрим етгунича.

Йўллар кўрдим, не ботирлар бедов сурган,  
Чўллар кездим карвонларни улоқтирган,  
Мехр сўраб қоқсам қанча қопқаларни,  
Диллар кўрдим, ич-ичини қурт кемирган.

Ёзу қишим лаҳзадайин хитоб этар,  
Қуёшим ҳам ғуруб сари шитоб этар,  
Сурхондайро томонларга бошим олиб,  
Кетай десам, йўллар мени бетоб этар.

Умрим кета-кетгунича тугамас йўл,  
Кетадирман қарамасдан мен ўнгу сўл.  
Онажоним тушларимга кирар яна,  
Бошларимни силаб турар меҳрибон қўл.





\* \* \*

Мен эртадан яшай бошлайман,  
Тамомила бошқа хаётда.  
Сигаретни буткул ташлайман,  
Сайр этаман оқшомлар отда.

Ҳақ Эгамга қилсам илтижо,  
Йўлларимни кушод очади.  
Сурхон элдан Тошкентгача то,  
Қирқ йил гўё ондай кечади.

Ичимизда не сирлар пинҳон,  
Не аламлар ботин, кўрингиз?  
Чоршанбадан очилар Осмон,  
Арш тоқига қараб турингиз..

Эзгулик-ла дилни беласам,  
Саодатманд кечар хаётим.  
Яратгандан нени тиласам,  
Ҳосил этгай мақсад-муродим.

Онам каби бағрикенг, мунис,  
Туюлади курраи Замин.  
Энди кавокиблар сайрини,  
Кундузлари кузатаман жим...

Эркаланиб шамол кафтида,  
Учиб ўтар булутлар гоҳ-гоҳ.  
Совуқ юлдузларнинг тафтида,  
Юрагимни иситгум шу чок.

Кузатарман хайратлар ичра,  
Энг ғаройиб синоатларни.  
Мен кўраман лаҳзалар ичра,  
Барбод бўлган коинотларни.





Чоршанбадан очилар Осмон,  
Ниятларим бўлур ижобат.  
Ой, йилларни унутиб тамом,  
Мен бошлайман улуғ ибодат.

Борлиқдаги кимирлаган жон,  
Яратганга айтар ҳамд-сано.  
Осмондаги қушлар ҳам, инон,  
Ҳақ изнисиз учолмас асло.

Бошланади ҳаётим қайта,  
Вужуд дўнар шаффоф ойнага.  
Аҳли олам ухлаган пайтда,  
Рухим жўнар олис самога.

Энди эксам қандай зироат,  
Саховатин аямас тупрок.  
Кечалари фалак қатидан,  
Юлдузларни тераман бодрок.

Эрта тонгда очилар Осмон,  
Ортимга ҳеч келмайди боққим.  
Менга қибла энди тўрт томон,  
Осмонларга келади оққим.





\* \* \*

Ошиқ кўнглим бечорадур,  
ғам даштида оворадур,  
Бағрим гўё минг порадур,  
бағримни тилган хорадур.

Сув кетса сойда тошга не,  
кўз кетса, юзда қошга не,  
Сен афзал кўрдинг бошқани,  
энди бу ғариб бошга не?

Ҳақдан сўраб дилга тўзум,  
ўзумга ҳеч ўтмас сўзум,  
Ўзумни тополмай ўзум,  
кўзумда қотгандир бўзум.

Сайр этиб жумла жаҳонни,  
замину саккиз осмонни,  
Топмадим сендай жононни,  
бой бердим бори имконни.

Эй, биз телба девоналар,  
Ақлу ҳушдан бегоналар.  
Ўтга ошиқ парвоналар,  
Ўтдай тутошиб ёналар.

Жудоман бору йўқлардан,  
Ошноларим махлуқлардан,  
Қочиб нокас, бадхулқлардан,  
Борарман босиб чўғлардан.

Дарду фироқинг ошадур,  
сабр косам тўлиб тошадур,  
Қисматим қайга шошадур,  
бу қандайин томошадур?



---



## АНИНГ ИШҚИ

Дилда ажиб нашъу намо,  
Ахтарганим бир раҳнамо,  
Ўғирлади ақлу ҳушим,  
Ийсо нафас, ул махлиқо.

Ғамангиз кунлар ангори,  
Етолмайман пойи сори,  
Ҳеч бандаси хор бўлмагай,  
Магар анинг Худо ёри.

Ўтдим дашти Карбалони,  
Этдим Ватан гоҳ Кўнёни.  
Яссавийдан битта сухан,  
Тегиб ўтдим бу дунёни.

Дема кошонадир олам,  
Унда шодлик, ундадир ғам.  
Қиёмат кун қодир Аллоҳ,  
Ҳисобини этгайдир жам.

Оромим йўқдир бу кеча,  
Ҳажру фироқ ўртар мени.  
Интилсамда кўкка неча,  
Қора туфроқ тортар мени.

Моҳипайкар, сарви-суман,  
Қаро кўзим этгин Ватан,  
Айлаб жон-танни вобаста,  
Дил аҳлидан туз анжуман.



---



## ТҮРТЛИКЛАР

\* \* \*

Кун-кунки хажринг домонида куярмен,  
Ўзимни бечора нотавон туярмен,  
Эй жонки, қачон дийдорингга тўярмен,  
Тўйибки, оху-воҳ қилишни қўярмен.

\* \* \*

Адам элида мен каби сабр-тоқат йўқ,  
Қулингга ёнишдан бошқа фароғат йўқ.  
Ўзингни кўрмокни йўқдир ҳеч иложи,  
Хаёлинг суришдан ўзга бир роҳат йўқ.





## БИЗНИ ҚАЛАНДАР ҚИЛГАН

Боғда оққина олма, тиллари шаккар, болма,  
Бизни қаландар қилган ўшал беллари толма.

Ҳавасим кетиб ногоҳ, шоҳига узатсам қўл,  
Деди, Мажнуни гадо, бу боққа кўзинг солма.

Аёғига бош қўйсам келмасдан парвосига,  
Кўзимга илмасман дер, ҳар қанча кўнглим олма.

Ағёрлардан яширдим дилимдаги оҳларим,  
Алп қаддим бўлди дол, кўрганлар айтур чолма.

Жилва этиб ағёра, қилмади моҳ наззора,  
Қувиб солди эшикдан, жўна, йўлингдан қолма.

Машраби девонаман, аҳли дашти фаноман,  
Ушшоқлар қисмати ҳамиша қийлу қолма?

Ўзи оққина олма, тиллари шаккар болма,  
Қўлларимни узатсам, деди олмани олма.



---



## ОЙ ЮЗИНГНИ

Ой юзингни кўрсат ой, десам,  
Кўкда ойга ишорат қилдинг.  
Юлдуз кўзинг соғиндим, десам,  
Юлдуздайин чарақлаб кулдинг.

Хузуримга чорласам, келсанг,  
Таъзим этиб энкайса осмон,  
Яноғингга хол бўлиб қўнсам,  
Менда асло қолмасди армон.

Дилим этмоқ илинжида сайд,  
Қошларингни камон айладинг.  
Не бераҳм жаллоддирсан, айт,  
Рангу рўйим сомон айладинг?

Куйиб кетдим дун ғавғосидан,  
Ишқ аҳлига қайда нажот бор?  
Сочларингни тун дарёсига,  
Чўксам эди шоду бахтиёр!

Боғда гуллар айтади сано,  
Кўриб сенинг қадду камолинг.  
Сўзларингда не ажиб маъно,  
Новвотмидур лаблари болинг?

Узоқдаман, соғинч на илож,  
Кўкайларим тинмай тилади.  
Сен ёқларга мисли қалдирғоч,  
Учиб-учиб кетгим келади.



---

\*\*\*

Ваҳдат майидан қултум тотгил кўнгил,  
Ғусса занжирин узиб отгил, кўнгил.

Ғалвали бозорида озору зор,  
Хилват ичра ўз-ўзинг шод қил кўнгил.

Чикса йўлингга неча Хусравлари,  
Сен ўзингни мисли Фарҳод бил, кўнгил.

Қутмасангда гар замондан бир вафо,  
Вафо бўстонини обод қил, кўнгил.

Дўши тор келганда дўстлар бурса юз,  
Аҳли диллар шевасин ёд қил, кўнгил.

Ончаким арзинг эшитса ул малак,  
Ўзни самандардек бунёд қил, кўнгил.

Аҳди ёлғонларга ишинг тушмасин,  
Ўз-ўзингга чора, имдод қил, кўнгил.

Кечиб дун савдосининг ғавғосидан,  
Барчасидин дилни озод қил, кўнгил.





\* \* \*

Баланд тоғлар, баланд тоғлар  
Отлансам, йўлларим боғлар.  
Юракда кўп алам, оҳлар,  
Айрилиқ дилларим доғлар.

Санам додимга етмасми,  
Кўчамдан бир бор ўтмасми,  
Кулига назар этмасми,  
Бир мужда хабар этмасми?

Истаб гуллар раъносини,  
Кезсам дашту аносини.  
Кўринг фалак яғмосини,  
Дил-дилга қўшмас мосини.

Кўзимда жолалар тинмас,  
Тасаллога кўнгил кўнмас,  
Елдек учкур эсам-да, бас,  
Фано даштида йўл унмас.

Карам этса меҳрибоним,  
Кетса дилимдан гумоним,  
Қолмас эди ҳеч армоним,  
Жонимни берсам, жононим.



---

\*\*\*

Изларингни изладим боғу бўстонлар аро,  
Моҳипайкар, сарви суман, хуру ғилмонлар аро.

Ногахон дурри макнундек кўздан бўлдинг ниҳон,  
Осмонларга туташган баҳру уммонлар аро.

Кечаю кундуз демай, мен сафар этдим жадал,  
Хиваю Қарши, Наманган, Шош, Сурхонлар аро.

Олгали Вомиқ Узро, Фарҳод-Шириндан сабоқ,  
Кездим ҳазрат Алишер тузган дostonлар аро.

Ой юзинг ҳижронида фарёд чекдим ончаким,  
Дуди оҳимдан ўт кетди еру -осмонлар аро.

Шунчалар душвор эканму ваҳки, кўнгил иши,  
Кечалар ютдим захоб ҳажру туғёнлар аро.

Қисматим ёзмишига кўнмоқдин ўзга чора йўқ,  
То қиёмат жой олибсан Сен тану жонлар аро.





\* \* \*

Мужгонларинг отган пайкон,  
Кўксим тешди, билармусан?  
Келмоқда-ку бўғзимга жон,  
Ҳолимга сен кулармусан?

Хайли парилар не ҳавас,  
Шунча азобинг, етар, бас,  
Кўкайдаги ҳеч тузалмас,  
Жароҳатим силармусан?

Ҳаддан ошди зулминг оё,  
Қоши қалам зулфи сиёҳ,  
Ғуломингга бокиб қиё,  
Қош остидан кулармисан?

Сенсиз ғариб гулбоғларим,  
Қайда ул завқли чоғларим,  
Раҳм айлаб чеккан оҳларим,  
Лутфу карам қилармусан?

Сандувочдай тилим сайрон,  
Бағри-дилим таҳ-батаҳ қон,  
Кўнглим бўлса чексиз осмон,  
Унда ойдай тўлармисан?

Саҳарларда ёдинг этсам,  
Йўлларингга жоним тиксам,  
Изларингни кўзга суртсам,  
Ҳамроз-хамдам бўлармисан?





## АЙ, ҚИЗ

Ай, кўзларим рўёси,  
Ай, ўткинчи дунёси,  
Ай, орзулар маъвоси,  
Ай, кўнглимининг Зухроси.

Тохир бўлдим дарёда,  
Мажнун бўлдим саҳрода,  
Бу ўткинчи дунёда,  
Сенга кўнгил бердим ман.

Бўлмаса-да, тилло тахт,  
Шохдан зиёд менда шахт,  
Суймоқ шундай улуғ бахт,  
Ўзни Аршда кўрдим ман.

Азизим, ай, азизим,  
Худойим берсин тўзим,  
Хато қилган бу кўзим,  
Хато қилган мен ўзим.

Сени севдим, куйдим мен,  
Бағрим чок-чок ўйдим мен,  
Дунёсидан тўйдим мен,  
Сени суйдим, суйдим мен.





\* \* \*

Боғимда юз очган ғунча,  
Ўзинг сўлмас баҳоримсан.  
Жаҳон айвониға келиб,  
Ортгирган йўғу боримсан.

Олдинда не селу дўллар,  
Сени узмоққа шай қўллар.  
Посбонинг ўзим бўлсам,  
Гўзал нозли нигоримсан.

Кўзинг дарёсида оқсам,  
Юзингга термулиб боқсам,  
Авайлаб кўксимга тақсам,  
Менинг сирли туморимсан.

Неча баҳор ўтиб кетгай,  
Неча кузлар келиб етгай,  
Қувончинг оламини тутгай,  
Ўзинг лайлу наҳоримсан.

Танимда токи бор жоним,  
Сеникидир ҳар бир оним,  
Ўзинг дилрў мехрибоним,  
Диловар, ғамгусоримсан.



---



## СЕВГИ МАМЛАКАТИ

Сенинг мамлакатинг нақадар олис,  
Темир ковуш кийсам — товоним оғрир.  
Меҳр ёғдусидир умидим ёлғиз,  
Сен томон интилдим, эй абадий сир.

Жаннатий маъво бор тилсим тилингда,  
Сен равза боғида кўз очган бир гул.  
Ва сим-сим калити сенинг қўлингда,  
Бани одам сенга бўлгусидир кул.

Еттита иқлимдан келар шаҳзода,  
Тилсим калитини очишни билмас.  
Рухинг озодадир кўнглинг, озода,  
Тахти Сулаймонни назаринг илмас.

Сочларинг тўлғонар белингда нозик,  
Ай, кўнгил боғимда очилган хур Гул.  
Отлансам, отимга етмайди озик,  
Сенинг мамлакатинг олис Сусамбил.





## СОЧЛАРИНГ ТЎЛҚИНИ

Сочларинг тўлқини сунбул-сунбула,  
Дилимга солибди тўфон, ғулғула.

Сунбул сочларингда оқади тунлар,  
Орзулар оқади, ҳислар силсила.

Юрагим чиққудай кинидан гўё,  
Улоқни айирган асов дулдул-а.

Сочларинг ҳар тори бир дордир, санам,  
Ҳар зулфи гажагинг, офат, зилзила.



---



## ВИДО АЙТДИНГ

Видо айтдинг,  
ишқингдан тона,  
Хайр дединг, майли, яхши қол.  
Ҳаловатдан бўлиб бегона,  
Изларингдан тўлғанди шамол.

Ишқ бекор, муҳаббат бекор,  
Ўз-ўзимни овутдим бир дам.  
Энди куртак очганди баҳор,  
Хазон бўлди бемаҳал у ҳам.

Севмоқ осон, унутмоқ осон,  
Етар юрак, бўзлашинг нечун?  
Лахта-лахта тупурмагин қон,  
Аҳди ёлғон, бевафо учун.

Хато қилди нотанти тақдир,  
Алвидо, мен қўндим барига.  
Қисмат майи бунчалар тахир,  
Севгим кўмдим юрак қаърига.

Ишқ бекор, муҳаббат ёлғон,  
Мен ўзимни алдадим, бу туш.  
Осмонларга термулсам ҳамон,  
Учиб юрар Ҳижрон отлиғ куш.





## ГУЛИМ

Эсимда сабуҳий найсонлар фасли,  
Қирларни безаган гулларнинг васли,  
Одамми, парими нимасан, асли,  
Кулгига тўлдирдинг сайҳоним, гулим.

Нозингдан дунёлар оролансалар,  
Кўзингдан тунларим қаролансалар,  
Хажрингдан дилларим яролансалар,  
Кўксимни чок этди афғоним, гулим.

На айта оларман изҳори дилим,  
На буриб кетарман ортимга йўлим,  
Севги бу ҳаётдир, сеvgи бу ўлим,  
Ҳисларим тўлғаган туғёним, гулим.

Хаёлинг хаёлга ҳамроз айладим,  
Юрагим қатига исминг жойладим,  
Сулувлар ичинда Сени сайладим,  
Дилимда дилбари жононим, гулим.





## ТҮРТЛИКЛАР

\* \* \*

Умрим адо бўлгунча энди,  
Жондин жудо бўлгунча энди,  
Сурадингни кўзда асрагум,  
Юракка жо бўлгунча энди.

\* \* \*

Васлингга зор этмай эй ёр, келсанг-чи,  
Кўпдан бўлдим сенга интизор, келсанг-чи,  
Дейсан, неки ихтиёрим ўзимда,  
Нозинг қўйиб, беихтиёр, келсанг-чи.





\* \* \*

Билмам нечун, оромимни йўқотдим,  
Бошларимга тушди чигал савдолар.  
Ўзимни мен ишқ денгизига отдим,  
Юрагимда кўпди тўфон, ғавғолар.

Фарҳод каби ул Шириннинг васфида,  
Мен изладим ёрни кўклам фаслида,  
Етолмасдан ҳаргиз малак васлига,  
Хато узра яна қилдим хатолар.

Сўроқладим ёрни жумла жаҳондан,  
Тошкент тарафлардан, олис Сурхондан,  
Самарқанду ҳамда латиф Қўқондан,  
Миқ этмади ўн саккиз минг дунёлар.

Аҳволимни магарким билганида,  
Ҳол сўраб, бир ёнимга келганида,  
Кўз учида жилмайиб кулганида,  
Яшнаб кетар эди дашту саҳролар.

Қўл узатсам, олмагайдир қўлимни,  
Кетай десам, бермайди ҳам йўлимни,  
Ҳижронида қонга ботган дилимни,  
Қилармикан тирноғига хинолар?

Ишонингиз биродарлар сўзимга,  
Икки олам тангу тордир ўзимга,  
Жолаларим сиғмай икки кўзимга,  
Ўзанидан тошар Жайҳун дарёлар.

Гулзоримдан эсан боди саболар,  
Келтирарми бирор мужда санамдан,  
Мажнунсифат, ўт туташиб танамдан,  
Кетайми ё бошим олиб саҳролар.



---



## ОШИҚ ДИЛИМ

*Очилди гунча-ю, лекин очилмади кўнглум.*  
Алишер Навоий

Ошиқ дилим аҳд қани,  
Излаганим бахт қани,  
Ёшлик-тилло тахт қани,  
Юракдаги шахт қани?

Ҳей, умримнинг карвони,  
Қай томонга йўртгарсан?  
Ковлаб дилда армоним,  
Жону таним ўртгарсан.

Ошиқ дилим яродир,  
Умрим кетиб бородур,  
Қувончиму ғамимни,  
Ҳақ тақдири кородур.

Гул очилиб сўлгунча,  
Булбулда ишқ савдоси.  
Жоним қийнади бунча,  
Тақдиримнинг ғавғоси.

Толе излаб бир чимдим,  
Куйиб-куйиб бўлдим кул.  
Ким эдимۇ бўлдим ким,  
Ўзинг айт, ай тозагул.

Умрим кетиб бородур,  
Ошиқ дилим яродур.  
Карвонига етолмай,  
Кўнгил бўзлаб бородур.



---



## ДИЛМУРОДНИНГ ШЕЪРИ

Таърифингиз Ширинми ё Лайлими, ёр,  
Уйингизга совчи қўйсам майлими, ёр,  
Кўз учида майин боқиб, кейин эса,  
Танимаслик бевафолар хайлими, ёр?

Қаро-қаро қўзингизга боқсам эдим,  
Сочларингиз дарёсида оқсам эдим,  
Қўлингизга тилла узук тақсам эдим,  
Жоним, қаро қўзингизга боқсам эдим.

Ёвқур эдим, йитди ботир, ёвқурлигим,  
Мағрур эдим, кетди ўжар, мағрурлигим,  
Жоним, Сизнинг ҳажрингизда қонлар ютиб,  
Девонаман, қайтиб беринг масрурлигим.

Хатлар келмас энди сизнинг отингиздан,  
Эсламайсиз, чикдимми ё ёдингиздан,  
Бир боқишда ўғирлаб-ку хаёлимни,  
Тонармисиз тагин сеҳру-жодунгиздан.

Найза отган нигоҳларга бўлиб асир,  
Ўз-ўзимга туюламан хору ҳақир.  
Сарвигуллар сарварисиз, жоним, ахир,  
Аччиқлайсиз, аччиғингиз талху тахир.

Осмон ила бўйлашар ноз-фироғингиз,  
Атиргулдай хушбўй исли дудоғингиз,  
Охудайин хуркак чашми қароғингиз,  
Тубларинда пинҳон гумон, сўроғингиз.

Бўйимга мос кўрдим қадду-бўйингизни,  
Кўнгилга мос кўрдим, санам, кўнглингизни,  
Ўйимга мос кўрдим сурган ўйингизни,  
Хўп десангиз, беринг менга қўлингизни.



---

\* \* \*

Келганида гулдай яшнаб баҳорларим,  
Қизғалдоқдай бир очилиб кулолмадим.  
Сағир қолди меҳрлару озорларим,  
Ишқ бахтми ё бахтсизликми билолмадим.

Осмонларда ҳилолимни йитирдимми,  
Ёмғирларга бердимми кўз ёшларимни?  
Билолмадим, тушларимда ё кўрдимми,  
Ё ўнгимда силадимми сочларингни?

Боққа кирсам, кўрдим гуллар сарасини,  
Биттасини узмоқликка қани журъат?  
Балки бекор тирнайман дил ярасини,  
Наҳотки ишқ пешонада тавқи лаънат?

Ишқ дегани туганмас бир надоматми,  
Бошим олиб кетдим тақир саҳроларга.  
Отам сўқар, бир уйланиш қиёматми,  
Ёш бошимга мен сиғмадим дунёларга.

Гапим ўтмас қайсар, ўжар бу юракка,  
Дейман, сени кўксимдан шарт юлиб отай.  
Ачинаман чимилдикда келинчакка,  
Эпполмайман овутишни қандай нетай!

Қизлар кўпдир лаби ғунча, бели инжа,  
Аммо улар сочини ҳеч силолмадим.  
Кўнгил, икков йиғлагаймиз тонг отгунча,  
Севгилимга мен суюкли бўлолмадим.





\* \* \*

Муҳаббат шавқи-ла бу ҳаёт на хуш,  
Тушдинг фалаклардан ўнгимми ё туш,  
Тахайюл майдан қониб этай нўш,  
Оним йўқ, бундай хуш онимдан бўлак.

Соллона-соллона малак келарми,  
Ё яғмо лашқари лак-лак келарми,  
Олисан бир янги дарак келарми,  
Ҳаётим сарвари хонимдан ваҳ-ваҳ.

Мен дедим, сен учун қурбон бўларам,  
Холингга умримни товон тўларам,  
Рад этсанг, бағримни чок-чок тиларам,  
Йиқилар, тўкилар, сўкилар юрак.

Қулоқ тут бу сўнгсиз, ажиб эртакка,  
Йўймагин ишқимни гулим, эрмакка,  
Нима бор, ҳада деб сенга бермакка,  
Танимда асраган жонимдан бўлак.





\* \* \*

Ай, бодом қабоғим, юпқа томоғим,  
Ёзнинг ўртасида гуллаган боғим,  
Мангу осмонимни тарк этган моҳим,  
Оҳ урсам, Худога етмасми оҳим.

Ақиқ лабларинга лабларим кўйиб,  
Сени бир қучоқлаб ўпгим келади.  
Сен эса ўтасан қабоғинг уйиб,  
Кўзинг уммониға чўкким келади.

Эҳтимол, эрмаклаб забун ҳолим сен,  
Намойиш этарсан кўклам фаслингни.  
Йилларким, хотирам кўзгусидан мен,  
Ўчира олмасман аммо расмигни.



---



## ТҮҮРТЛИКЛАР

\* \* \*

Кўнгил, сен ўзингни овутиб яша,  
Тақдири азалнинг ишига кўнгил.  
Умримнинг паст-баланд йўллари оша,  
Сендайин бир маҳрам топмадим, кўнгил.

\* \* \*

Ишқ, нондай азиз, тансиқ неъматдир,  
Бани одам зотига бебаҳо ҳимматдир,  
Олам мусаввирин мўъжизаси кўп,  
Қодир Эгамдан буюк ҳикматдир.

\* \* \*

Ай гул, бошим қўйсам аёғинга,  
Не алам туйсам, ғам фироғингда,  
Токи гирифтору зоринг бўлиб,  
Айлансам соянгга сўлу соғингда.



---



## ЭРКА ХАЁЛИМНИНГ МАЛАГИ

Эрка хаёлимнинг малаги, хури,  
Азизам жонимсан, мисоли танда.  
Баҳорим чечаги, юрагим кўри,  
Вужудни жон асло қиларми канда?

Офтобни севгандек она сайёра,  
Оташин тафтингга ташна, интизор.  
Соядек эргашиб, боқса, деб зора,  
Суйибман, кўнгилда гуркираб баҳор.

Мен сени суйибман, мисоли она,  
Авайлаб суйгандек боласин гўдак.  
Талпина-талпина ўтга парвона,  
Ўртаниб, тўлганиб ёнгандек бешак.

Суйибман мен Сени, аммо бу ишқдан,  
Ахтарма заррача таъна, иддао.  
Сен ахир осмоний, яъни фаришта,  
Мен эса кўйингда ғарибу гадо.

Сипқариб телбаю риндоналарча,  
Севги шаробидан ақлимдан оза.  
Девона десалар халойиқ барча,  
Қувончим ичимга сиғмабди роса.

Сен борсан, иқболим эрур зиёда,  
Олам зимистондир Сенсиз қанчалик.  
Ёдингдан чиқарма ҳеч ким дунёда,  
Ёниб севолмагай Сени менчалик.

Дуойинг қилурман, мен ожиз банда,  
Фақат Сен шодумон, омон бўлсанг, бас.  
Азизам жонимсан, мисоли танда,  
Сенинг ёдинг ила олурман нафас.





\* \* \*

Йигирма йил - қисками, узоқ,  
Биз соғиндик бир-биримизни.  
Кўп ёш эдик ва ўйинқароқ,  
Ўйламабмиз тақдиримизни.

Сен сарв қад, сочлари анбар,  
Париларга насабинг туташ.  
Мен Алпларга гўёки навқар,  
Чақнар эди кўзимда оташ.

Беҳиштларда яшардик гўё,  
Жаннатлардан терардик гуллар.  
Бахтга тўлиқ эди бу дунё,  
Бахтли эди биз юрган йўллар.

Тилсим айтган кокилларингни,  
Тортқиларди беадаб шамол.  
Бахтли қилдим мен йилларингни  
Сен дунёда энг гўзал аёл.

Йигирма йил — қисками, узоқ,  
Соғинчларни айладинг тавоф.  
Ғар нигоҳинг минг битта сўроқ,  
Менда қани бўлсайди жавоб.

Энди фурсат бўйсунмас бизга,  
Тилларим ҳеч сўзга келмайди.  
Кўзларинг дер, «гар тақдир ўзга,  
Аммо севги асло ўлмайди».



---



## БУ ҚИЗ

Кўзи чиройлидир, кўзи бу кизнинг,  
Бухор оҳусидек ҳуркак, ёввойи.  
Беш аср лол этиб туркий улусни,  
Қаро кўзум ... дея йиғлар Навоий.

Сўзи чиройлидир, сўзи бу кизнинг,  
Уни ҳар тингласам қиларман ҳузур.  
Гўё тўкилади ҳар каломида,  
Ул санам оғзидан новвот ила дур.

Ўзи чиройлидир, ўзи бу кизнинг,  
Бир умр термулсам нигоҳим узмай.  
Бу ҳилқат мисоли тузоқнинг ўзи,  
Домига тушганим қолибман сезмай.



---



## КЕЛАДУР

Хабар берди боди сабо,  
Бу тонг ул ёрим келадур.  
Гул-гул кийиб гулгун қабо,  
Юзи анорим келадур.

Ёғдуланиб тиниқ осмон,  
Шафақ айлар уфқни қон,  
Тун ила қун талашиб жон,  
Лайлу наҳорим келадур.

Оламнинг энг кўркам қизи,  
Ороланар кўклам қизи,  
Кечса ҳам минг жавзо изи,  
Кўнгли баҳорим келадур.

Гулшан аро гулу чечак,  
Уларга чирмашдир печак,  
Уйғон энди ғофил юрак,  
Гул бирла хорим келадур.

Келиб фано бозорина,  
Учраб жафо, озорина,  
Зор-зор қақшатиб зорина,  
Гала бозорим келадур.

Уч кунлик бу дунё учун,  
Бунча карру фаринг нечун?  
Соқий, майингдан менга сун,  
Йўғиму борим келадур.

Қисмат йўли элтар қаён,  
Ёлғиз Яратганга аён,  
Манзилга етгумдир қачон,  
Соҳиб асрорим келадур.

Бир ён бунёд, бир ён барбод,  
Ўтиб борар умри-хаёт,  
Келмай туриб Пули сирот,  
Мансури дорим келадур.



---



## ГУЛПАРИ

Юзларингни кўройин,  
Сочингга гул ўройин,  
Рухсат берсанг, Гулпари,  
Эшигингда уройин.

Гулга битиб номингни,  
Гулдайин каломингни,  
Жўнатибсан Гулпари,  
Гуллардан саломингни.

Гулни севган ўзим гўл,  
Узай десам бормас қўл,  
Эшит сўзим, Гулпари,  
Севган ёрим ўзинг бўл.

Гулим сени кўрмоққа,  
Кўз ташладим чорбоққа,  
Не даво бор, Гулпари,  
Кўксимдаги ямоққа?

Тиллашгани гул билан,  
Тилимда гулим қани?  
Кетай десам йўл билан,  
Юрмоққа йўлим қани?

Боғингдан гул теройин,  
Кўзларингни кўройин,  
Армоним шул, Гулпари,  
Гул лабингдан сўройин.





\* \* \*

Эй санам, маҳзун дилимни ханжари ғам поралар,  
Таҳ-батаҳ кон йиғлаюрман, топмайин мен чоралар.

Кўнгил гирён, ўзим хайрон, жунун водийсида урён,  
Бормикан бу даҳри дунда ман каби авворалар.

То ҳусн боғи ичра топдинг камол, эй навраста,  
Чекди ишқингда фиғон неча минг абгоралар.

Дил очиб шарҳи ҳолимни сенгаки этсам баён,  
Маҳраме бўлмоқ тугул, кўксимни этдинг ёралар.



\* \* \*

Дилга етди кўп ситамлар ул паривашдин яна,  
Киприги найза мисол, бағри ҳам тошдин яна.

Шунча чеккан ҳасрату, оху воҳимдан не наф,  
Борми бир дўсти вафодор кўздаги ёшдин яна.

Бош олиб кетсам агар тоғу даштлар тараф,  
Бир умидбахш мужда келмас ул қалам қошдин яна.

Мирзо Бобур ҳаё-хуйт деб кетди-ку Ҳинду сори,  
Лек қутулмоқ чораси йўқ феъли авбошдин яна.



---



## ДИЛДА ОЗОРЛАР

Имдод кутиб рўёдан,  
Дилга етди кўп озор.  
Бахтга тўла дунёда,  
Мен бўлдим-ку бахтга зор.

Дилгинам-ей, дилгинам,  
Бевафодир суйганим.  
На аламу на гинам,  
Англамайди куйганим.

Ишқдан ўзин унутган,  
Кўнгилни мен хушлайми?  
Азал айрилиқ битган,  
Пешонамга муштлайми?

Дилда қанча озорлар,  
Ишқим айтар баҳорлар,  
Ёш бошим кетса шаҳид,  
Йиғлар ғариб мозорлар.

Бу кўнгил ошиқ экан,  
Ўтдай ёниб туташдим.  
Йўлларим гулми, тикан,  
Ишқ даштида адашдим.





\* \* \*

Беғубор у ёшлик чоғларда,  
Сени кўрдим Сурхон ёқларда,  
Оташ чакнаб пок нигоҳларда,  
Гуллар тердик чаман боғларда.

Муҳаббатнинг шавқи ила маст,  
Капалакдай учиб басма-бас,  
Дилни дилга этганча пайваст,  
Юрганларим ёдимдан чиқмас.

Оҳу каби хуркак ва содда  
Ерга бокқан нигоҳинг ёдда,  
Сизни дейман фақат ҳаётда,  
Деган, ваъда, сўзларинг ёдда.

Гул яшнади гулгун яноқлар,  
Ёлқин сочи оташ нигоҳлар,  
Қалбда ёниб умид чироклар,  
Билмас эдик ҳажру фироклар.

Шўх дарёдай югурик, асов,  
Тоғу даштда елардик икков,  
Ҳижрон қўли бераҳм ва дов,  
Иккимизни айирди дарров.

Дуч келмай деб қарға, зоғларга,  
Кезмам энди чаман боғларда,  
Талпинсамда ёшлик чоғларга,  
Қайтолмайман Сурхон ёқларга.



---



## ПОТИНИ

*(Қадим оҳангларда)*

Потини-ё, потини  
Томга кўйдим шотини.  
Илонларга едирдим,  
Тилимнинг новвотини.

Потини-ё, потини,  
Пари дермиш зотини.  
Тонг сахарлар йиғласам,  
Тилдан кўймай отини.

Потини-ё, потини,  
Тингла, кўнглим додини.  
Юлиб отгум юракни,  
Унутаё деб, ёдини.

Потини-ё, потини,  
Томга кўйдим шотини,  
Бизни кўзга илмаган,  
Қурбақанинг хотини.



---



## ТЎРТЛИКЛАР

\* \* \*

Жаҳон уйида фидо жон топмадим,  
Жонимни бердим жонон топмадим.  
Зулм бобида сендек шоҳи номудор,  
Ўзумдек ғариб нотавон топмадим.

\* \* \*

Жафокорим, сени жондан суйибман,  
Ағёр, зулмингдан чунон тўйибман,  
Дилдан не ўтганин билмади ҳеч ким.  
Ўзим тутаб, ўзим ёниб, куйибман.



---



## ИЛТИЖО

Тийрамох, дов-дарахт либосин ечиб,  
Заъфар япроқларни сочган чоғида  
Маъсума-маъсума моҳ нурин ичиб,  
Малагим, уҳлардинг дил меҳробида.

Дилим меҳробида гўё мажусий,  
Ухладинг, уйғотмоқ йўлин билмадим.  
Сарғарди, фаслнинг ўзгарди туси,  
Дилнинг тўфонини кўзга илмадим.

Ғариб ишқимизга ахтариб таскин,  
Дилимни очганда ғайри бодларга,  
Малагим, йиғлардинг ҳақиру мискин,  
Жамалак сочингни ёзиб тонгларда.

Минг йил ғафлат ичра ўртанди юрак,  
Заъфар япроқларин ўйнади шамол,  
Ишққа осий бўлган ёлғиз мен эмас,  
Фалакка осилиб йиғларди ҳилол.

Мени толиқтирди, чарчатди бу йўл,  
Дилнинг туб-тубига чўкди бир оят.  
Меҳр анворига етолмади қўл,  
Мен-да муҳаббатга қилдим жиноят.

Тийрамох, дов-дарахт либосин ечиб,  
Заъфар япроқларни сочар шамолга.  
Маъсума-маъсума ой нурин ичиб  
Малак ўлтирарсан толиб малолга.

Дунё, боғларингдан тўлмади қўйним,  
Сандиқларинг бўм-бўш, талон ганжина.  
Меҳр анворига етолмас бўйим,  
Малак, кечир мени, мендан ранжима.





\* \* \*

Висолинг хажрида мендек телба-ю девона йўқ,  
Сийрати Мажнунсифат, суврати мастона йўқ.

Топмадим олам кезиб бағри бутун бир кимсани,  
Ваҳким, ишқ ўтрусиди ҳеч қуймаган парвона йўқ.

Домани ишқингда кўнгил гар ўлди хароб,  
Кўнглима бермоққа таскин соғару паймона йўқ.

Бу озор этдин ўтиб, етди сўнгакка бўйлаким,  
Музтариб пойингга чўккан мен киби остона йўқ.

Ҳолимга кулса мудом, не тонг, аҳли жаҳон,  
Мендек ёрдин мосуво, бағри хун, сўзона йўқ.



---



## ТЎРТЛИКЛАР

\* \* \*

Ёқдим устухоним соғинчи нурпошдин,  
Ҳижрон азоблари тошди ичу тошдин,  
Сенга бу қийноқлар ҳали ҳам оз дейсан,  
Бошлайинми барин наҳот, қайта бошдин.

\* \* \*

Сочинг чилвиридан ясаб сен қафас,  
Дилимни асиринг айладинг бу нафас.  
Висолинг майига муккамдан кетиб,  
Эл ичра атандим ринду, бодапараст.





\* \* \*

Кўз қарошингиз бунча мулойим,  
Кўз тегмасин ҳеч сизга, илойим.

Пойингиз узра хору хас бўлсам,  
Енгиллашарми айбу гунойим?

Ҳасрат ўтида ҳар дам куярман,  
Бир боқмадингиз, кўкдаги ойим.

Дил осмонида малак ўзингиз,  
Суйибди Сизни бунча Худойим?



---



## ИЛИНЖ

*Ўзингни шод тутқил, гам ема дунё учун зинҳор.*  
Захириддин Бобур

Қисматим тупроққа қорилган ину,  
Мен-да яшамокқа излайман асос.  
Ҳаёт — сен шодлигим, ҳаёт — сен қайгум,  
Мен сени севаман Қайс каби ҳассос.

Мен сени севаман ба ҳаққи имон,  
Аммоки нафрат-ла қочаман сендан.  
Макқора кўзингда куяди Осмон,  
Сени қизғонаман ҳатто ўзимдан.

Сени севаману, сендан кўрқаман,  
Қирларнинг кўксига ирғишлар баҳор.  
Оламнинг минг йиллик хирожи етмас,  
Жонимни ўзингга айларман нисор!

Мен сени севаман, севаман, Ҳаёт,  
Шаънингга ёғдириб мақтову сано.  
Айюбдай сабримга тилайман сабот,  
Нафрат-ла устингдан куламан аммо.

Ҳижжалаб ўқидим, кўзингни, Ҳаёт.  
Шамоллар суруди дилга берди завқ,  
Оғзимда шаккардур, оғзимда новвот!  
Бу тунда йиғлайман кодирул ҳаққа,  
Кўзимда яшнайти олис баҳорлар.  
Бу тун ўлтираман узлатда якка,  
Рухимдан эрийди абадий қорлар.  
Фано шаробидан томчи-томчилаб,  
Қониб симираман азизим, ҳаёт.  
Тонгда аллалайти саболар келиб,  
оғзимда шаккардур, оғзимда новвот!



---



## ТҮҮРТЛИКЛАР

\* \* \*

Бандаи ожизни Эгам, хор яратдингми,  
Жонга жисмни мисли пойдевор яратдингми,  
Бу иморатни тинмай емирав ғам — мўрлар,  
Кошона дебон, аё чолдевор яратдингми?

\* \* \*

Кўнглим, нолима аҳволу ўйингдан,  
Эгик қаддингу қаҳрабо рўйингдан,  
Не эккан бўлсанг ўргунг ҳосилини,  
Бошга не келса, кўр феъли хўйингдан.

\* \* \*

Ой юз, чеккан зору афғонимни билмайсан,  
Жисмим аро жоним менга вафо қилмайсан.  
Тортдим жафосини, билмай босиб хорни,  
Кўнглим, шайдо бўлдинг, нечун жазо олмайсан?





## ТҮРТЛИКЛАР

\* \* \*

Вайрона кулбам сори куёшим, кел,  
Ялдо кечаси чашми нурпошим, кел,  
Камон абрўсида сайд этиб жоним,  
Ваъдалари ёлғон, ай, бебошим, кел.

\* \* \*

Юзларим ёришди кўрдим юзингни,  
Кўзларим ёришди кўрдим кўзингни,  
Ой юз, юзу кўзингга садқа минг жон,  
Дилларим ёришди, кўрдим ўзингни.

\* \* \*

Ой юз, абгор ҳолим билмасмидинг,  
Кел, деб чорласам бир келмасмидинг,  
Ахду паймонингда туриб бир бор,  
Кулингга бир назар қилмасмидинг?



---



## СУМАНБАРИМ

Ўзни унут сен ай, дил,  
Йиғлай туриб кула бил,  
Қоф тоғини зил-замбил,  
Ушатишга жазм қил.

Садқа этай жонимни,  
Ёқай устухонимни  
Қониб ичиб қонимни,  
Гуллар яшнасин гул-гул.

Қатра-қатрам минг ҳасрат,  
Зарра-заррам минг ҳайрат,  
Ай дил, кўрсатиб ғайрат,  
Вужудим айла чил-чил.

Мени этган мубтало,  
Бу ишқ ўзи не бало,  
Қилсамда минг тавалло,  
Парво этмас ғайри эл.

Суманбарим, қаламқош,  
Чашми чароғинг нурпош,  
Остонангга қўйсам бош,  
Мурод ўлурми ҳосил?



Манглайга битилган қисматим,  
Манглайда порлаган куёшим.  
Исминг гул, изтироб, исматим,  
Мунисим, суйгулим, кўзёшим.

Умримнинг беадоқ йўллари,  
Узилди сен билан туташмай.  
Кесилди муҳаббат тиллари,  
Учинчи бешафқат қўл билан.

Ночорман айтолмай ноилож,  
Нафратли дунёга сўзимни.  
Чулғанган сочингга бир қулоч  
Ниҳоят, осарман ўзимни.

Ахдлар унутми, суйгулим,  
Армонлар ёнади қонимда.  
Вужудим музлади оҳ, гулим  
Арвоҳдай кезарман ёнингда.

Вафолик аҳдини унутиб,  
Виждонни гаровга қўярми?  
Хиёнат наҳрида сузишиб,  
Ваҳшийлар не лаззат туярми?

Висолми, ҳижронми, билмаймиз,  
Вужудим руҳимдан бегона.  
Юрагим – бир умр йиҳлаймиз,  
Вафою садоқат — афсона!

Азизим, севгилим, қайгулим,  
Армонлар ҳеч адо бўлмагай.  
Ҳамманинг бошида бир ўлим,  
Аммо бу муҳаббат ўлмагай.

Риё, алдовларни этиб тарк –  
Рух қушим учади осмонга.  
Мен ташлаб кетаман ғамимни,  
Рутубат маскани жаҳонга...



\* \* \*

Эсимда учрашув, дилгирлик қайта,  
Тугар лаҳзасида кузнинг эҳтимол.  
Байтлар жароҳатга малҳам бу пайтда,  
Лабимдан сатрлар учарди беҳол...

Ёлғиз шеър кўнгилга берарми далда?!  
Бу ҳам юпанмоққа топилган усул.  
Ҳаётим мазмуни биринчи галда,  
Сен эдинг, сендан ҳам айрилдим буткул.

Кезарди оламни заъфар кўйлақда  
Япроқлар шаклида титраётган куз.  
Турарди нафасни ютиб йўлақда,  
Сочига оқ тушган аёллар маъюс.

Қалбинг мулкини айлайди вайрон,  
Хазонларнинг муздай жаранги ҳатто.  
Телбаваш атрофга боққанча ҳайрон –  
Кўзларинг сўзлайди хато, бу хато!

Сен мени юракдан тушунгил, Раъно  
Офтоб ҳам чўкмоқда ғурубга тараф.  
Кўксимда бир кушча йиғлайди аммо  
Заъфар либосдаги боғларга қараб...



---



\* \* \*

Қисмат билан келиб юзма-юз,  
Армонларим довонлар ошди.  
Осмонимда паришон, маъюс,  
Ой билан Кун бетин талошди.

Маҳв этмоққа шайланди зимдан,  
Оғриқ жоним тинмай азоблаб.  
Гинам йўқдир, аммо ҳеч кимдан,  
Нўш этсам-да, заққум шароблар.

Қисмат билан келиб юзма-юз,  
Тахланади йиллар ложарам.  
Ошиқ кўнгил шикаста, маъюс,  
Умр ларзон — соқовдир қалам.

Ҳаёт қилса қилсин имтиҳон,  
Ишқ майидан дили махмурмен.  
Ё узукнинг кўзида пинҳон,  
Дил нақшида ёки мастурмен.

Хато суйдим сени ай, оғриқ,  
Зор эмасдир кўнгил нусратга.  
Ҳақ кўйида масту мустағриқ,  
Соҳир диллар яшар узлатда.

Уйғонаман, муфлис қул эмас,  
Ишқ майидан лаболаб ичиб.  
Тушларимда тупроқлар эмас,  
Булутларни юрарман кечиб.



---



## ШОИР БЎЛСАНГ

Камол этсанг не касбни укам, муқаррар,  
Фаррошми у, ўқитувчи ёки чилангар.

Меҳнат билан топажаксан хузур-ҳаловат,  
Меҳнат билан кўқаргайдир экин, зироат.

Осон тутма шифокору, пиллакорга ҳам,  
Дала кезган ғаллақору пахтакорга ҳам.

Тонг саҳарлаб қўй-қўзисин ортидан қолмай,  
Чўпон-чўлиқ тоғу-тошни кезади толмай.

Касбу хунар маҳоратда топгайдир камол,  
Уни бажар сидкидилдан, виждонан, ҳалол.

Шоирликни ҳавас қипсан, омадинг кулсин,  
Сўз пирлари доим сенга жиловдор бўлсин.

Ҳар доим ҳам яйраб-яшнаб ёзмайди шоир,  
Ё ёлғондан кўнглин хушлаб ёзмайди шоир.

Эл-улусдан канда қилмай у саломини,  
Ватанига айтар мудом хуш каломини.

Билсанг гоҳи сўз дўст эрур, гоҳида ёғий,  
Малҳам бўлар гоҳ жонингга, гоҳида оғу.

Англа укам, шоирликнинг шулдир қоидаси,  
Энг муҳими, эл-улусга тегсин фойдаси.



---



## ТЎРТЛИКЛАР

\* \* \*

Муҳаббат қадрини этдингми поймол,  
Оқибат ўзингга тиларсан завол.  
Дилим ойнасига тош отдинг бунча,  
Наҳотки билмассан, муҳаббат увол.

\* \* \*

Дашти биёбонда Мажнунсифат кезсам,  
Бало тоғида бир-бир дардларим тизсам,  
Нечун раво кўрдинг, Эгам, бу қисматни,  
Нақ киёмат кўпур, кўнгил уйини бузсам.

\* \* \*

Фироқингда дили шикаста бўлсам,  
Ғамингда мен бемору хаста бўлсам,  
Токай мен кўнгилни сендан узолмай,  
Ой юз, хаёлинг-ла вобаста бўлсам.



---



## КЎКЛАМОЙИМ

Тонгда эсар хур-хур шамол,  
Наврўзойим келаётир.  
Қизгалдоқлар ўрар рўмол,  
Күёш кўкда кулаётир.

Ёғар найсон-обирахмат,  
Зангор олам гўё жаннат.  
Чечакларда ажиб ғайрат,  
Нигоҳларда кулар ҳайрат.

Гулдираклар қалдир-кулдир,  
Чақмоқ чақар ялтир- юлтир,  
Сумалаклар биқир-биқир,  
Куртак кулар кикир-қиқир.

Осмон тўла варраклари,  
Ҳар ён наврўз дараклари,  
Қумриларнинг чакчақлари,  
Титрар ўсмир юраклари.

Ўз аҳдида собит, қойим,  
Ошиб-тошар ирмоқ, сойим.  
Илҳақ қилиб бизни доим,  
Келадилар кўкламойим.

Наврўз, наврўз ҳамма ёқда,  
Дашту дала, киру тоғда,  
Сен уйғониб саҳар чоғда,  
Боғларни кез, қолма доғда.

Эслаб қайта баҳор исли,  
Болаликни кўнгил, қувон.  
Адирларда шамол мисли,  
Оёқяланг югур, бу он.



---



## КЎКЛАМ

Фасли кўклам, гуллаган боғларга бок,  
Дашту сахро, далаю тоғларга бок.

Аёз кўрпасида дам олиб уч ой,  
Керишиб уйғонган тупроқларга бок.

Адирлар кафтида беғам ўй суриб,  
Қайта бошдан болалик чоғларга бок.

Фасли кўклам, хуркак охудай қизлар,  
Ибодан қимтилган дудоқларга бок.

Обод бўлур яна Ватан гўшаларинг,  
Кезиб бўстонлар, сўлу соғларга бок.

Файзиёб кунларнинг шайдо, мафтунни,  
Шодумон дўстлар, дили покларга бок.





\* \* \*

Шудгорланмай қолган далага,  
Ҳамал суви сингади оғир.  
Ўхшаб атак-чечак болага,  
Қикир-қикир кулади ёмғир.

Осмон тоза, юраклар тоза,  
Симираман ҳаволардан соф.  
Табиатдан олиб андоза,  
Ярқирайди фалакда офтоб.

Югуради еллар қайсар, шўх,  
Олам узра ғалаён солиб.  
Кўнгилларда ҳаяжон, шукуҳ,  
Баҳор яна музаффар, ғолиб.

Нигоҳларда севинчлар порлар,  
Ичилмаган орзулар жоми,  
Шафақларда оппоқ сахарлар, —  
Туғилажак кунлар пайғоми.

Юзларингга боссам юзимни,  
Бойчечагим бўлмагин ҳайрон.  
Кувонтириб ахир кўзимни,  
Қор тагидан чикдинг-ку омон.

Шукур, яна етдим баҳорга  
Ҳароратдан кўпчийди тупроқ.  
Кўзим очсам эрта наҳорда,  
Зардолулар гуллабди оппоқ.





\* \* \*

Каҳратонлар чекиниб, юз очмоқда баҳорлар,  
Юракларда ҳаяжон, томирларда шарорлар.

Насимлар шивиридан энтикади дарахтлар,  
Сойларда музлар эриб, тошиб борар канорлар.

Кўзимиз қувонтирди буюк чевар— табиат,  
Атрофу жавонибга солиб нақшу нигорлар.

Нури тажаллий кўрдим ҳар майса нигоҳида,  
Товланди алвон-алвон, қирларда лолазорлар.

Оламни кўҳна дердим боқиб ажин юзига,  
Ювилмиш бир кечада чехрасидан ғуборлар.

Олиб келди шамоллар йироқлардан ёр бўйин,  
Насиб этса Худойим, кўришурмиз дийдорлар.

Уйғонмоқда гул-гиёҳ, кўнгилларим бўлгай чоғ,  
Этурмиз бот сайрибоғ, эй сиз азиз дилдорлар.



---



## НАЙСОН КЕЧАСИ

Олам нурга тўлди бошқача,  
Хаёлларим сочилди елга.  
Тоғлардаги оддий тошгача,  
Чуғурлашиб кирдилар тилга.

Бўлган эдим ташналаб роса,  
Бу дамларга етиб келгунча.  
Турнакўзли чашмалар, тоза, —  
Сувларига кондим тўйгунча.

Кўз очади сулув бойчечак,  
Фаслларнинг келинчагида.  
Эркаланиб кулади куртак,  
Шамолларнинг беланчагида.

Ёлғизоёқ сўқмоқдан борар,  
Болалигим— беғам, навқирон.  
Айни саҳар тушимга кирар,  
Олисларда шовуллаб Сурхон.

Адирларда лов-лов қизғалдоқ,  
Юрагимга оловлар ёқмиш.  
Ўн олтига кирган қизалоқ,  
Кўз учида жилмайиб боқмиш.

Оддийгина гул эди гуллар,  
Ғофил эдим эҳ, шу ёшгача.  
Юрагимга қўнғач булбуллар,  
Дунё кўзга бўлди бошқача.



---



## ЯНА БАҲОР

Яна баҳор, олам уйғонди,  
Майсалар ҳам офтобга қонди,  
Қирлар узра қизғалдоқ ёнди,  
Яна баҳор, олам уйғонди.

Яна бахтга чорлади йўллар,  
Ифорини таратди гуллар.  
Яшнаб кетди сахрою чўллар,  
Яна бахтга чорлади йўллар.

Менинг бахту баҳорим келмиш,  
Ол яноқли нигорим келмиш,  
Гунчаларда диёрим кулмиш,  
Менинг бахту баҳорим келмиш.

Яна қайтиб бола бўлсайдим,  
Бойчечакни суйиб ўпсайдим.  
Ёмғирларда яланг чопсайдим,  
Болагим қайтиб топсайдим.

Эҳ, ёшлигим, покиза туйғу,  
Узоқларда қолиб кетмиш у,  
Муҳаббат ҳам қўл етмас орзу,  
Юрагимни олиб кетмиш у.

Яна баҳор, уйғонди борлиқ,  
Кўклам тутар қўлимга бода...  
Дўстлар, сизга тилайман соғлик,  
Ғам кўрмангиз асти дунёда.



---



## ТҮҮРТЛИКЛАР

\* \* \*

Эй садпора кўнгил, ёр келмиш,  
Дардимга Лукмони кор келмиш,  
Неча кўкламлар ўтиб, эвоҳ,  
Умр кузагида баҳор келмиш.

\* \* \*

Чирт юмиб олганча ақл кўзимни,  
Айтибман ағёрга айтмас сўзимни.  
Фош этиб оламга бору йўқ сирим,  
Ҳар тошга урибман бекор ўзимни.

\* \* \*

Нафасларим аниқ. Сезгулик.  
Вужудимда исмсиз титроқ.  
Атроф жим-жит, хазонрезгилик,  
Одимлайди куз — оғироёқ.

Тин олади зумрад дарёлар,  
Дарахтларнинг япроғи баркут.  
Галактика. Ўзга дунёлар,  
Каҳқашонлар сақлайди сукут.

Яна кузак. Мезон учмоқда,  
Изтиробдан юрак тирналар.  
Кувончимни олиб кўчмоқда,  
Жанубларга учган турналар.

Атроф жимжит, хазонрезгилик,  
Босиб келар савол уст-устдан.  
Қилолдимми бирор эзгулик  
Ўтиб борар ёшим ўттиздан.



---



## ҲАЗИЛНАМО

Шоир қавмин қўйинг оч,  
Шоирларга уй берманг.  
Юрса ночор, ноилож,  
Аҳволини ҳам сўрманг.

Қавми шоир қўп инжик,  
Ёзишдан безмайди ҳеч.  
Кўксига ханжар санчиб,  
Оғриқни сезмайди ҳеч.

Агар шоир бой бўлса,  
Ёғ босади қўзини.  
Иши доим ўнг келса,  
Таний олмайсиз уни.

Шоирга қилманг шафқат,  
У бир далли, девона.  
Фақат, фақат тегманг сиз,  
Ғурурига ягона.



---



## ХУВАЙДО ОРЗУЛАР

Баҳорлар қўйнимга санамдек кирса,  
Чирмашиб бўйнимга, мўлтираб турса.  
Ва мен-ла зарофат базмлар курса,  
Ҳаётнинг бағридан кетгим келмайди!

Умр омонатдир, забундир фано,  
Билмам, қисматда не мояйи савдо.  
Гумбази давворда оввораман то,  
Ҳаётнинг бағридан кетгим келмайди!

Йўлларга кўз тикиб, дўстни кутарман,  
Кўнгулни ғуссадан фориг этарман.  
Бир илинж кўйида пайваст кетарман,  
Ҳаётнинг бағридан кетгим келмайди!

Қадар ул қазони муаллақ демиш,  
Кун келиб, мўрларга бўлармиз емиш,  
Аммоки тириклик зўр ҳикмат эмиш,  
Ҳаётнинг бағридан кетгим келмайди!

Қайдадир сўлмоқда умидлар боғи,  
Қайда зухур бўлар кавсар булоғи,  
Кўнгилда хувайдо орзулар токи,  
Ҳаётнинг бағридан кетгим келмайди!



---



## ОНАМГА

Уйқулардан кетиб ҳаловат,  
Сигмай қолдим катта қишлоққа.  
Ўғлим боргин, дея саломат,  
Кузатдингиз мени йироққа.

Аҳён-аҳён қишлоққа борсам,  
Менга пешвоз кучоқ очасиз.  
Сиз-ла қизгин суҳбатлар курсам,  
Қўшни қиздан оғиз очасиз.

Сиз истайсиз, ўғлингиз доим,  
Айтганингиз этса муҳайё.  
Киндик қони тўкилган жойни  
Кўзларига қилса тўтиё.

Мен-чи, йўлда доим кечиккан,  
Ўғилларга бўларман йўлдош.  
Фарзандларин қўмсаб ичиккан,  
Оналарга тилайман бардош.

Нигоҳингиз сўник бунчалар,  
Оғриқларим аёндир Сизга.  
Шу боисдан узун кечалар,  
Бегонадир уйқулар кўзга.

Қайтишим-ку аниқдир, Она,  
Киндик қоним тўкилган ерга.  
Мен бораман оппоқ тонг билан  
Офтобни ҳам етаклаб бирга.



---



## ТЎРТЛИКЛАР

\* \* \*

Моҳтоб ўлтирар вайрона ичинда,  
Заҳҳок ўлтирар кошона ичинда.  
Умрингни соб этмасдан ҳою ҳавас,  
Англа Ўзингни, замона ичинда.

\* \* \*

Ҳаёт уммонида ҳаммамиз кема,  
Бири кам дунёдир, кўнглим ғам ема,  
Оламда кўз очган ҳар жон омонат,  
Дам бу дамдир, ўзга дамни дам дема.

\* \* \*

Дардим кўп, магарки сўрмасман даво,  
Чурқ этиб оғиз ҳам очмасман ҳатто,  
Фироқинг ўтида қанча ёнсам, ой юз  
Жонимга шунчалик хузур бу жафо.





## ҲАЁТМАНКИ...

Дунёсига бўйладим бир дам,  
Кўзларимда соғинчлар билан.  
Ўз-ўзимча куйладим мен ҳам,  
Илинжлару овунчлар билан.

Ҳаёт қандай мўъжизадир, бок,  
Тилларида шаккару новвот.  
Чумолича кўрмаскан, бироқ,  
Бир-бирини аҳли одамзот.

Гўр, ҳавойи феълим гоҳида,  
Бошимга кўп келтирди бало.  
Синов қилар қисмат, чоғимда,  
Кўзга илмай ўтинч, таваллом.

Жумбоқларинг олам, қийлу қол,  
Хато қилиб гоҳи сурундим.  
Кимларгадир мен ҳам эҳтимол,  
Нажоткор бир сиймо кўрундим.

Дўстлар, бахтдан яйрангиз шодмон,  
Ғанимларим, майли, қайранг тиш.  
Ҳаётманки, ғамларга ётман,  
Дунёсидан қилмасман ташвиш.

Айбу қусур бандасига хос,  
Тақдиримдан ёзғирмоқ нечун?  
Бу оламга бўйладим, холос,  
Ўзлигимнинг тасдиғи учун.



---



## ТЎРТЛИКЛАР

\* \* \*

Наҳот, жаҳон ўткинчи карвон бўлса,  
Вафо аҳлининг аҳди ёлғон бўлса.  
Ҳаққа талпинган кимсалар гирёну,  
Нафсин қуллари доим шодон бўлса.

\* \* \*

Шон на керак, дилда ишқ армон бўлса,  
Тан ўртаниб, бемор-бедармон бўлса.  
Бунча авайладинг, ҳаётинг, ай дил,  
Жон на керак, омонат, меҳмон бўлса.

\* \* \*

Инсон, бу ҳаётинг битта нафасдир,  
Шердай ўкиригинг ўткинчи сасдир.  
Азроил жонингни айлаганда қабз,  
Рухинг фалакдаю, жисминг хору хасдир.

\* \* \*

Олтину жавоҳир гарди маъдан ичра,  
Не гард кўмиру зангу заҳмат ичра.  
Ҳар ким ҳам танийвермас тоза тошни,  
Инсонки қадр топмиш илму меҳнат ичра.

\* \* \*

Демангиз, ёғибди бошларингга қор,  
Буларнинг барчаси, ахир захми ёр.  
Ул менга бир бора таккаллум этса,  
Юз очар кўнгилда минг битта баҳор.

\* \* \*

Юрган йўлларингни ўпар изларим,  
Кўзларда кўзларинг кўрар кўзларим,  
Ўзинг қўмсай-қўмсай кетар эсларим,  
Тусинг тусай-тусай, кетар тусларим.



---

\* \* \*

Оромим йўқотдим, ором бер энди,  
Жамшиддан қолган жом бер энди.  
Исмимни ёдимдан кўйдим чиқариб,  
Девонангга ўзинг ном бер, энди.

\* \* \*

Осмонимнинг шамсу қамари ўзинг,  
Кўнгил мулкининг шоҳи сарвари ўзинг.  
Не сифат-ла Сени таъриф этсам оз,  
Оламда бори гўзаллик, бари ўзинг.

\* \* \*

Ой юз, бунча менга тиғи ситам этдинг,  
Жаврингни ошириб, сазойи зам этдинг.  
Кўргузмадинг вафо расмини зинҳор,  
Жафойи зулмингни онча бекам этдинг.

\* \* \*

Чашми хунборинг, узоринг чиройли,  
Жонимга етказган озоринг чиройли.  
Хуллас, таърифингни бир-бир этсам,  
Сенинг бу оламда боринг чиройли.

\* \* \*

Юракдан силқиган сўздан мени сўр,  
Алам ёши қалққан кўздан мени сўр.  
Алдаса алдар-ку одамни одам,  
Жонга жонни тиккан дўстдан мени сўр.

\* \* \*

Вафо айлаб ваъда, жафо этмоқми,  
Хатолар устина хато этмоқми,  
Мақсаду муддаонг алал -оқибат,  
Жонимни танимдан жудо этмоқми?



---



## ҲАВАСКОР ШОИРЛАРГА

Урчиди бир замонда қофиябоз мохирлар,  
Икки кўзи осмонда кўксин керди шоирлар.

Ўзгарувчан, бу ҳаёт, дунё бу, буқаламун,  
Назм бозори касод бўлди кунлардан бир кун.

Ашаддий назмбозлар ташлади шеър ёзишни,  
Эпчил, ишбилармонлар тутдилар бошқа ишни.

Бўлмаса-да мириси, бириси бўлди тужжор,  
Юрмай нари- бериси бошқаси бўлди нажжор.

Назм аҳли пешволари боқмай ўнгу сўлларга,  
Кирвиш терар қай бири хома тутган қўлларда.

Дейдилар, ошинг ҳалол, ич кўчада бемалол,  
Бири бозорда даллол, биров дўконда ҳаммол.

Парво қилмай ёз-қишга, ўзин урар ҳар ишга,  
Бири кетиб хорижга, яшар ҳозир Порижда.

Тан берганча тақдирга, қай бири ётар гўрда,  
Жуфтлаб уч-тўрт қофия, ўлтирар бири тўрда.

Бири оту, бири мот, бири тупроқ, бири лой,  
Бири юмалаб баччағар бири бўлди янги бой.

Бири ётар харалло, бири бошлар таралло,  
Қилади бири ялло, бириси энди мулло.

Хуллас, гапни чайнамай, дангалин этсам баён,  
Тутмагин эй биродар, шоирларга ҳам осон.

Шеър тўлғоғи тутганда, жони келиб бўғзига,  
У дунё, бу дунёси кўринмагай кўзига.





Дилидагин дарж этиб шоир юрак қони-ла,  
Сўнг ҳаётга кузатгай қизи ё ўғлонидай.

Яшнаб кўнгил баҳори қалблар тўлсин зиёга,  
Гуркираб сўз оҳори шеър яшасин дунёда.

Шуур йўқдир кўкракда меҳнатинг зое, бекор,  
Юракда чўғ ёнмаса бу йўлга кирма зинҳор..





## АССАЛОМУ АЛАЙКУМ

Иззату эҳтиром мужассам унда,  
Қўнгилни тоғ этар мўътабар калом.  
Бир-бирга дуч келсак кечами, кунда,  
Ҳурмат ила деймиз, салом-ассалом.

Салом дегани бу— тинчлик, ҳаловат,  
Катгаю кичикка таниш, кадрдон.  
Ҳаётинг тинч бўлса, танинг саломат,  
Бундан-да улуғроқ бахт борми, инсон?

«Ассалом-алайкум, бўлинг соғ-омон»  
Бу калом танимда мисли жондайин.  
Жамдир бу тилакда замини осмон,  
Азиз, ардоқлидир иссиқ нондайин.



---



## МАКТУБ

Улоқтирди тақдир узоққа,  
Ҳаё хув, деб олиб кетдим бош.  
Сен дарвозанг олдида менга,  
Рўмолингни силқдинг, қаламқош.

Қайга сочган тақдир насибам,  
Энди уни термоғим даркор.  
Мени чорла умид-ла эркам,  
Эшигингга келганда баҳор.

Чорла мени авжи саратон,  
Мевалар ғарқ пишган кезларда.  
Ёмғирларин қуйганда осмон,  
Хазонрезги заъфар кузларда.

Дема қисмат ҳижрон эканда,  
Тушларимга тез-тез кириб тур.  
Соғинч мени толиқтирганда,  
Узоқлардан эркам кулиб тур.

Кўкрагимда сарғайган сурат,  
У кунлардан ўчмас хотира.  
Ҳузурингга борарман, албат,  
Умидингни гулларга ўра.





## ДЎСТ ОВОЗИ

Хастаҳол эдим мен,  
хаёл паришон,  
Таскин қидирардим борлиқ, дунёдан,  
Ҳаётдан берарми, дея бир нишон,  
бир сўз қидирардим,  
олис самодан.

Хастаҳол эдим мен,  
хазон боғларга,  
Бокқанча кўзимдан думаларди ёш.  
Ҳавасла-термулсам бардам, соғларга,  
улар чехрасида кўрардим куёш.

Хастаҳол эдим мен,  
дарддан енгилган,  
Ёру дўст йўлига маҳтал бўлардим.  
Насибам узилган, паймонам тўлган,  
Саҳройи гиёҳдек,  
сарғайиб сўлардим.  
Хастаҳол эдим мен,  
излаб тасалло,  
Жовдираб боқардим чор-атрофимга,  
Дердим, бу кунингдан ўлганинг авло,  
керагинг қолмабди энди ҳеч кимга.

Хастаҳол эдим мен,  
совуқ эди кун.  
Электр узилган, музлаган хона.  
Телефон симлари эса соқов, гунг,  
ўзимни сўқишга излаб баҳона,  
деярдим, бу ҳам кам сенга аслида.  
Хастаҳол эдим мен,  
Ғариби дийдор.  
Соатнинг капгири урарди тик-тик,  
Йўлига кўз тикиб ташна, интизор,  
Кутардим келишин бир дўсти содик.



---



Хастаҳол эдим мен,  
Пажмурда юрак,  
Деярдим, ё Худо, жоним ол, тезроқ.  
Шу пайт жиринглади ногаҳон гўшак,  
Ногоҳ осмонимда чакнади чакмоқ.  
Гўшакни кўтарсам  
Дўстимнинг саси,  
Олис-олислардан берарди садо.  
Қайноқ каломида  
Ҳаёт нафаси,  
Мени яшамокка ундарди гўё...



---

1

Хур ҳисларга очиқ эшигим ўзинг,  
Муқаддас каломим, шавкату шоним.  
Аждодлар улғайган бешигим ўзинг,  
Томиримда қоним, танимда жоним.

Унган ҳар гиёҳинг мўътабар, азиз,  
Азиздир чўлларда ўсган қиёғинг.  
Онам, деб пойингга чўқақадирман тиз,  
Сен отам, сен болам, изим-туёғим.

2

Гоҳ Мовароуннаҳр, гоҳ мулки Турон,  
Жаҳон шоҳларига бўлдинг юзма юз.  
Йилларнинг залворли қаҳқашонида,  
Тирилдинг қайтадан мисоли қакнус.

Ёруғ кунларимда бошимда осмон,  
Зулмат кечаларда йўлимда маёк.  
Қарзим узолмасман бироқ ҳеч қачон,  
Зувалам олинган эй, азиз тупроқ.

3

Жонимга жондошим, эй, ёруғ юзим,  
Дилимда асраган муқаддас сўзим.  
Онамсан, ёримсан, ўғлиму қизим,  
Ўзингсан ардоғим, қароғим, кўзим.

Танимга малҳаму мадорим, ўзбек,  
Онамдайин азиз дийдорим, ўзбек,  
Майдонда талашган шаън, орим, ўзбек  
Ўзингсан яғонам, йўқ-борим, ўзбек.



---



## ОТАМНИ ЭСЛАБ

Отланаман ҳар кеча Сурхон,  
Йўллар менга тилайди тўзим.  
Онам ёзиб менга дастурхон,  
Меҳр билан силайди юзим.

Йўқдир қадок қўлингга она,  
Қарамоққа бардош ўғлингга.  
Атрофингда бўлиб парвона,  
Бўлолсайдим тиргак белингга.

Хаёл кушим учганда ногоҳ,  
Писанд этмай масофа, йўлни.  
Қўмсаб олис болаликни, оҳ,  
Не армонлар ўртайди дилни.

Болалигим — оппоқ наҳорим,  
Кеча эди митти гулғунча.  
Қўнгилда кўз очган баҳорим,  
Қаёқларга шошилдинг бунча?

Соғинчларнинг йўқдир адоғи,  
Дардларимни елга экайми?  
Кетсин дея юракнинг доғи,  
Осмонларга ўтов тикайми?

Отам эккан дов-дарахт, экин,  
Ҳали ҳамон яшнаб гуркирар.  
Бузрукворим эсласам, лекин  
Жолаларим кўздан тиркирар.

Отам дебди, сўнгги нафасда,  
Ҳолим ўғлим билмасин зинҳор.  
Неча йилки жоним қафасда,  
Қиёматга қолди, деб дийдор.





Қирқ йил кезиб далли девона,  
Шошнинг шошқин кўчаларини.  
Мен соғинчга алмашдим Она,  
Ёшликнинг оқ кечаларини.

Отланаман ҳар кеча Сурхон,  
Қарши олар тонгда азим Шош.  
Ота уйда бўлганим меҳмон,  
Билар фақат синглим қалдирғоч!



\* \* \*

Дилимни яшнатган баҳорлар кетди,  
Навраста, нозанин ёрлар кетди,  
Адам мулки ичра ўзимман танҳо,  
Бору йўғим олиб борлар кетди.

\* \* \*

Ҳайрона боққанча мен ўнгу сўлга,  
Кўзларим нигорон сен келар йўлга,  
Ўзим борай десам, бермадинг изн,  
Онларим айланди ойлару йилга.



---



## ЭЙ КҮНГИЛ

*Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил,  
Кўз бўлурми Ҳақни кўрмас бўлса ул?  
Жалолиддин Румий*

Эй кўнгил, тун кечалар кўп бўзладинг,  
Бўзларингда не ҳаловат кўзладинг.  
Нақ дўзах оташида ҳам музладинг,  
Ўзни йўқотиб, бот ўзинг изладинг.

Оқилу доноликда айлаб расо,  
То, яратдиким сени Ҳақ таоло.  
Лек жонингга этиб жабру жафо,  
Қиладурсан Сен хато узра хато.

Ишқ кўйида девона сандувоч,  
Сийна чок этди чаманда ноилож.  
Ёр йўлинда жонини айлаб тарож,  
Аналҳақ, деб дорга осилди Халлож.

Бўлмайин десанг эл олдида хижил,  
Тий ўзингни бир сухан айтишга тил.  
Васли осонликча бўлмас восил,  
Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил.

Сўнг кўнгил кўзи ила оламга боқ,  
Ҳазрати Юнус каби уммонда оқ.  
Ишқ гар ғофил наздида эрмиш гуноҳ,  
Бу гуноҳинг-ла икки оламни ёқ.





\* \* \*

Ҳақ Эгам азал-абад,  
Тупроқдан қорди лойинг.  
Бандам, дея қўндирди,  
Бошингга ул хумойинг.

Шиддат ила ҳаётинг,  
Учиб борар водариг.  
Фуркатлар ўзанида,  
Тошиб оқмоқда сойинг.

Алмашди не замонлар,  
Ўзгарди эл, давронлар.  
Ётмагин гафлат ичра,  
Бўлмай асло парвойинг.

Чоғлама Сулаймондек,  
Минг йил умрни, илло,  
Лаҳзада бўлар яксон,  
Тожмаҳалдек саройинг.

То жонинг бордир танда,  
Имонни қилма канда.  
Энг улуғ ибодат деб,  
Ўп онанг гарду пойин.

Уч карра деди Расул,  
Онангга яхшилик қил,  
Десалар, қобил ўғил,  
Ушалар муддаойинг.



---

\*\*\*

Тун ила тонг ичинда, сув ила қон ичинда,  
Ўтиб борар ҳаётим бу ломакон ичинда.

Келмишим ташқарида, кечмишим ичкарида,  
Ташрифим бу оламга Дақюнусдан нарида.

Руҳим осмонга туташ, вужудим эса хокдан,  
Ўйларим ўтиб борар хатар тўла сўқмоқдан.

Ким молу давлат кули, сатта у савлат кули,  
Менинг эса бўйнимда дарвешлар кашкули.

Гоҳи олам кўзимга тору-танг, мисли қафас,  
Гоҳ кавокиб базмидан борлигим масту аласт.

Бировга нақди бозор, бировга аҳди мазор,  
Бозору мазорининг озоридан мен безор.

Чалғисини сермаса фурсат аёвни билмай,  
Паймоналар ўқилар, гўдак дунёга келмай.

Бир кафт сўраган касга, раво кўрмас пайсани,  
Уч кунлик ёлғончида тополмадим бир маъни.

Қаҳратон ўт-оташман, саратонда қақшайман,  
Мен ўзга дунёларнинг одамига ўхшайман.



\* \* \*

Ҳажринг оташинда жонимни ёқдинг,  
Не жонки, дину имонимни ёқдинг.  
Ўрмонга ўт кетса ҳўлу-курук баробар,  
Ё рабки, пайдарпай жаҳонимни ёқдинг.

\* \* \*

Ишқ асли недир у, бир имтиҳонми,  
Ё дилни ўртовчи балойи жонми.  
Не бўлса ҳам ошиқ айла Худойим,  
Ишқни танимаган инсон инсонми?



---



## ОНАМ БЎЛИБ

Онам бўлиб эркалаб, отам бўлиб алқаган,  
Инграмсам, шарт туриб, тик оёққа қалқиган.

Униб ўссин болам, деб дунёни кўрар кўзим,  
Бутун қилиб сўраган ҳамиша ризку рўзим.

Жаҳонгашта умримда ўтдим не манзиллардан,  
Беҳишт билан талашган не диёру эллардан.

Токи еру заминни кезиб пою пиёда,  
Қиёсингни топмадим Ватаним, бу дунёда.

Ўзгалар гулбоғидан аъло кўрдим янтоғинг,  
Боламдай ўпиб кучдим қирларда қизғалдоғинг.

Тепалару кўрғонлар, мақбаралар, равоглар,  
Йўлларимда учради Хизрсифат не зотлар..

Дуога очган чоғда боболар кўлларини,  
Кўролдим кафтларида ўтмаган йўлларимни.

Кўй хайдаган даҳмарда демангиз чўлиқ-чўпон...  
Кўпкарига кирганда улокни олар осон.

Аҳли дониш деҳқоним, уруғим ё урпоғим,  
Кўзига тўтиёдай суртар она турпоғим.

Иссик, совуқ забтига қалқон этиб кўксини,  
Балолардан асрайди жужуқлари ризқини.

Шовуллади гулбоғлар шамоллар шуурида.  
Қулоқ солсам дарёга минг дoston шивирита.

Кўкка туташ тоғларга юзим бурсам ниҳоят.  
Ҳар гиёҳу, ҳар тоши сўйлади минг ривоят.



---



Алпомиш дер зотини, ўзбек дерлар отини,  
Элга тўйлар тўйлайди сочиб бор бисотини.

Дўстларим, бу Ватанни Эгам ўзи қўлласин,  
Ўзбегимни то абад саодатга йўлласин...



---



## ЭСКИ УСУЛ

Чикиб қолса орамиздан бирор оқил,  
Анчагача мум тишлашиб, ўлтиришар.  
Ал- оқибат истеъдодга таҳсин ўқиб,  
Миттигина курсичага кўндиришар.

Гумашталар атрофида ғужғон ўйнаб,  
Кўни-кўнжин пуч ёнғоққа тўлдиришар.  
Доноларнинг доноси сиз ўзингиз деб,  
Маймун ўйин ўйнатишиб, кулдиришар.

Ялоқхўрни пашша каби ҳайдаб солса,  
Акалари кўнғироқ қип билдиришар.  
Сал ён бериб, бир пиёла чойга келса,  
Сездирмайин қопқонига илдиришар.

Оқил зотни орқа қилиб не шоввозлар,  
Не бўлмаган ишларини бўлдиришар.  
Занглаб ётган аравани артиб- суртиб,  
Ботиб ётган ботқоғидан жилдиришар.

Гоҳ кўркитиб, гоҳи мақтаб бечорани,  
Кўп бўлмағур кирдикорга кўндиришар.  
Пуч гапларни орқасидан ғийбат қилиб,  
Сопини ҳам бировларга йўндиришар.

Топилади салла деса, калла олган,  
Бу ишларни усталари дўндиришар.  
Қилни қирққа ёрган ўша оқилни ҳам  
Оёғини нақ осмондан келтиришар.

Нима қилсин, ақлли ҳам хом сут эмган,  
Курсичадан дарров пастга эндиришар.  
Кечагина бир товоқдан хўрак еган,  
Улфатлари қоқ белидан синдиришар.

Оламда не қусур борки, айбдор оқил,  
Йўқ айбларни елкасига миндиришар.  
Ал оқибат, ажалидан беш кун аввал,  
Бечоранинг паймонасин тўлдиришар.



---



## КЎЗИНГНИ ЮМ

Феъли тор, кўз бежо кўрсанг кўзингни юм,  
Ҳаётда не хато кўрсанг, кўзингни юм.

Азал –охир демишлар бири кам дунё,  
Не дарди бедаво кўрсанг, кўзингни юм.

Аҳли мўмин қавлиданман, деб тилида  
Таги зоти расво кўрсанг, кўзингни юм.

Ажабланма кўриб ҳиссиз нодонларни,  
Пули кўп, дил гадо кўрсанг, кўзингни юм.

Ки манфаат қули ялтоқланар мардак,  
Пучак хамду сано кўрсанг, кўзингни юм.

Толеинг юлдузи қулган маҳалларда,  
Нокасни ошино кўрсанг, кўзингни юм.

Қоронғуда қовушмиш рост ила ёлғон,  
Ғаразли бир имо кўрсанг, кўзингни юм.

Тўғриларга дилинг оч, кўзларингни оч,  
Эгри дил, беҳаё кўрсанг, кўзингни юм.

Ҳамиша яхшиларнинг хоки пойи бўл,  
Ножинсу нобино кўрсанг, кўзингни юм.



---



\* \* \*

Билмам, неча кунлик умр савдоси,  
Аммо тугамайди мангу ғавғоси,  
Сигдиrolмас биров молу дунёсин,  
Биров парча ноннинг ғариб, ғадоси.

\* \* \*

Меҳр ширин сўз асли, кўзларда унинг акси,  
Илиқ табассумларда найсонларни туярман.

Осмонни кўрсам бедоғ, ниятни мусаффо, пок,  
Яратганга юкиниб, тасанно деб кўярман.

Яхшиларга бердим кўл, тилагимга эмгак йўл,  
Ёмон туш кўрсам ногоҳ, чаппасига йўярман.

Ёмон тушим келиб ўнг, аҳволим бўлсада танг,  
Орзуларни кучоқлаб, армонларни суярман.

Лек армонлар тоғ бўлса, чекканларим оҳ бўлса,  
Нокас кўнгли чоғ бўлса, ич-ичимдан куярман.

Ёлғонларинг кўп эй жон, йўярман барин ростга,  
Энди чопон ўрнига осмонларни киярман.



1

Ўтиб борар аҳли мардум  
Устда жулдур жандалар,  
Гоҳ кўзларда тирқираб ёш  
Гоҳ лабларда хандалар.  
Дунё лоқайд томошабин,  
Саҳнада-чи, бандалар.  
Чарчаш билмас вожабо,  
Раққосу, хонандалар.

2

Кибор кибр либосидан  
Кўйлак кийиб оларми?  
Ожизлару бегуноҳлар,  
Устига от соларми?  
Мазлумларнинг қасос ўчи,  
Қиёматга қоларми?  
Одамзот оч бўридан  
Тажовузкор бўларми?

3

Лаганга қўл узатсанг,  
Тошлар чиқади ошдан.  
Меҳру-оқибат кетган,  
Оға-ини, кўз-қошдан.  
Ёронлар бу не кўргулик,  
Йўғон чиқар ювошдан.  
Ҳаммасини кўриб, билиб,  
Хушинг учади бошдан.

4

Шамолларга сочилмоқда,  
Ҳасрат тўла сўзларинг,  
Қулоқлар қар, дунё эса



---

Тингламайди бўзларинг.  
Тўрт тарафга термуласан,  
Жовдиратиб кўзларинг.  
Йўқламайди эшигингдан  
Кечаги жон дўстларинг.

5

Эй ўзининг кимлигини,  
Билмагану билганлар.  
Ўроқда йўк, машоқда йўк,  
Хирмонларга келганлар.  
Пуч ёнғоққа ишонганлар,  
Ёлғон учун чопганлар.  
Кўксин очиб борганларга,  
Дарвозасин ёпганлар.

6

Ажратолмай оворасан,  
Донни соворасидан.  
Тўкилганинг тўкилибди,  
Кафтларинг орасидан.  
Не жонларни тортди тупроқ,  
Беғуноҳ норасида,  
Кечалари сирқийди қон,  
Юрагинг ярасидан.

7

Беғубор, пок хаёлларга,  
Дейсан энди хайр-хўш,  
Умринг эса ўтиб борар,  
Мисли узуқ-юлуқ туш,  
Тугатарсан томчи-томчи,  
Паймонангни этиб нўш,  
Йўл олганда бақо сари,  
Икки қўлинг турар бўш.

---



## СОДДА ФАЛСАФА

Жаҳд айласанг гар сафар,  
Юз очса сенга йўллар.  
Адашмасанг, сен магар,  
Хўжаи Хизр қўллар.

Сўзларингда ҳақ эсанг,  
Йўлларингдан тайрилма.  
Юз шувут бўлмай десанг,  
Элдошлардан айрилма.

Дуч келса мазлум инсон,  
Ундан ўзингни тортма.  
Оғир келса-да, чунон,  
Бировга юкинг ортма.

Дилни дилларга берсанг,  
Ёр бўлгай Сенга омад.  
Эгри йўлларга кирсанг,  
Чекарсан оҳ, надомат.

Ҳаммада бор каму кўст,  
Кеккайма ўз бошинга.  
Танлаб ўтса умринг дўст  
Биров келмас қошинга.



---



\* \* \*

Осмон неча қават, ер неча қават,  
Бешак бундан огоҳ олим, билгирлар.  
Инсоний нафсининг билмаслигин ҳад,  
Жонли мисолидир юҳо олғирлар.

\* \* \*

Ҳайрона бўлмагин эй яхши киши,  
Биров отда дея, биров пиёда.  
Ахлат қовламоқдан йўқ бошқа иши,  
Уч юз йил яшаб ҳам қарға дунёда.



---



## БАҲОР БЎЛАЙ, ДЕДИМ

Каҳқашон юлдузлар бошимда порлаб,  
Имо этганида ёнига чорлаб,  
Томирда туғёнли тўфонлар гурлаб,  
Шарор бўлай дедим, ҳеч бўлмаганда.

Боқиб самовоту, Сомон йўлларга,  
Баҳру уммонлару, чанқоқ кўлларга,  
Қатра нур кўрмаган ночор дилларга,  
Мадор бўлай дедим, ҳеч бўлмаганда.

Йиллар синовига ярарми сўзлар,  
Кўнгилга сиғмайди туғёнли ҳислар,  
Бири-бирингизни соғинган кезлар,  
Дийдор бўлай дедим, ҳеч бўлмаганда.

Тўлиб тошса ҳамки дардим ичимга,  
Дастурхон қилмадим аммо ҳеч кимга,  
Имон чироғини ёқиб кўксимга,  
Бедор бўлай дедим, ҳеч бўлмаганда.

Ётар тўнтарилиб осмоннинг жоми,  
Қуёш чарақлайди— фалак пайғоми,  
Қайда ўқилади қисмат аҳкоми,  
Тайёр бўлай дедим, ҳеч бўлмаганда.

Ойдаи тўлай дедим, ой бўлмаганда,  
Кундай кулай дедим, кун кулмаганда.  
Сахрода йўловчи оч, чўллаганда,  
Анҳор бўлай дедим, ҳеч бўлмаганда.

Мен ахир инсонман, одамзот насли,  
Мустафо талъатли, Ийсо нафасли,  
Қалбимда гуркираб найсонлар фасли,  
Баҳор бўлай дедим, ҳеч бўлмаганда.





\* \* \*

Зангор тунда гуллар оғочлар,  
Сен гулларни кўзга илмайсан.  
Тўлғанганча ёстикда сочлар,  
Шивирлайди, аммо билмайсан.

Зангор кеча, ухلامас чирок,  
Феълинг ҳамон ўжар ва тантиқ.  
Эшигингда турибман, бироқ,  
Бир сўзингга интизор, интиқ.

Зангор кеча, киприкдай қисқа,  
Бир сўзингни кутаман шу тоб.  
Яратгандан тошбағир қизга,  
Тонгга қадар сўрайман инсоф.

Ўтиб борар зангори кеча,  
Чўзилади онларим йилга.  
Оғочларни мен куча-куча,  
Айланаман саҳарда гулга.



---



## ЯНА БАҲОР КЕЛДИ

Осмонда тизилиб турна галаси, мовий  
кенгликларга солар арғимчоқ.  
Қалдироқлар чатнаб саҳар палласи,  
зарҳал палакларни тикади чакмоқ.

Аллалар қўнгилни шамол— арғанун,  
шошилиб ёнингдан ўтади ҳилол.  
Илоҳий мўъжиза юз берар бу тун,  
юлдузлар кўради толеингдан фол.

Худди бир санамни қолгандек суйиб,  
сўқмоқлар кезасан тийра шомларда.  
Кўксингда навқирон ёшликни туйиб,  
Ошиқиб чопасан сахий кунларга.

Наҳорлар уйғонар, чиройда бекам,  
борлиқ таровати ўзгарар бирдан.  
Кўзларингни очсанг айна субҳидам,  
қизғалдоқлар тушиб келади қирдан.

Яна баҳор келди. Кулар ғунчалар,  
талпинар ҳар гиёҳ, майса қуёшга.  
Баҳорни қутмаган эдим бунчалар,  
интиғу интизор кириб шу ёшга.

Осмонлар зангори, зангор ўнгириллар,  
олмалар гуллайди Сурхон томонда.  
Дейман, Худойимга беҳад шукурлар,  
етдим баҳорларга омон- омонда.





\* \* \*

Мен сени суйганимни,  
Осмонларга айтган чоғ.  
Тўкиб булутлар кўз ёш,  
Чакнади кўкда чакмоқ.

Мен сени суйганимни,  
Сўйлаганда гулларга.  
Шивирлади гунчалар,  
Севгимни булбулларга.

Мен сени суйганимни,  
Ошкор этсам сойларга.  
Сувлар оқизиб кетди,  
Сирим узоқ жойларга.

Мен сени суйганимни,  
Елга қилсам овоза.  
Еллар тинглаб дил розим,  
Қоқди бориб дарвозанг.



---



## КЕТАЯПМАН...

Кетаяпман, кетаяпман йўллар чигал,  
Тунчироклар қамаштирар кўзларимни.  
Олисларда онам мени кутар маҳтал.  
Дала-даштлар соғинади изларимни.

Адаштирар мени йўлнинг белгилари,  
Тол чивикдай ингичкарди жуссаларим.  
Кутаётир ахир ука, сингилларим,  
Лаҳза-лаҳза ортар алам, ғуссаларим.

Кутаётир олисларда оҳ, Сурхоним,  
Исёнларга даъват этар ўжар феълим.  
Ета олмай менинг эса ҳалак жоним,  
Ўз-ўзимни қидирганча. Унмас йўлим.

Ўткинчию бақосига ишим йўқдир,  
Кўзимдаги ёшларимни ютдим ичга.  
Оёқ остим тупроқ эмас, лағча чўғдир,  
Манзилимга етмоғим шарт ахир кечга.

Ҳайдовчилар тушунмайди аҳволимни,  
Ака, дейди ҳовлиқасиз нега бунча?  
Толиқдим-ку кута-кута иқболимни,  
Етиб олай манзилимга кун ботгунча.

Қисматимнинг ёзиғига келиб мункир,  
Адо бўлдим соғинчларнинг кучоғида.  
Тўхтат дейман, автобусни тўхтат, ахир,  
Пиёдалаб жўнайман шарт буёғига.

Тунчироклар, оғушида мен соддадил,  
Адашибман рўёларга кўз тикканча.  
Энди эса юрагимга сиғмайди қил,  
Кетяпман, кетаяпман, бош эгганча.



---



## САМАРҚАНД

Орзуларим ўчмас офтоби,  
Армонларим тўкилган тупроқ.  
Афросиёб— тарих итоби,  
Хаёлларим элтади узок.

Шоҳизинда ўйчан ва хазин,  
Ўтолмайман бу ердан бефарқ.  
Азон айтар тарих— муаззин,  
Хаёлларга бўлганича фарқ.

Навоийнинг дардли сўзлари,  
Бу заминга қолмиш тўкилиб.  
Темурбекнинг ўткир кўзлари.  
Авлодларга турар тикилиб.

Хаёлимда «Зижи Курагон»,  
Юлдузлардан сўйлар Улуғбек.  
Англай десанг дунёни осон,  
Бу тупроққа хурматла бош эг.

Гоҳ Шайбоний, гоҳ Мирзо Бобур,  
Не замонлар ўтди чайқалиб.  
Туравердинг муаззам, мағрур,  
Бўлиб рўйи замин сайқали.

Қолмиш тарих пучмоқларида,  
Сон- саноксиз жанглар урҳоси.  
Бугун Сиёб кирғокларида,  
Гўдакларнинг янгроқ овози.

Юрган каби сирли эртақда,  
Кездим кўркам кўчаларингни.  
Севиб қолдим шаҳрим, юракдан,  
Кундай ёруғ кечаларингни.





\* \* \*

Бир куни мени йўқласанг севги,  
Қанот бойлаб мен бормасманми,  
Хузурингда қилган, қилмаган,  
Гуноҳимга авф сўрмасманми?

Бир кун мени йўқласанг севги,  
Юрагимга солиб чақинлар.  
Гирдобига тортиб кетмасми,  
Ишқ баҳрида асов тўлқинлар.

Бир кун мени йўқласанг севги,  
Ҳижронларни қуволаманми?  
Кўзимдаги ёшларим билан,  
Армонларинг юволаманми?

Бир кун мени йўқласанг севги,  
Хузурига қайт жоним, десанг.  
Айбларимни кечирармисан,  
Эрийдими кўксингдаги санг?

Бир кун мени йўқласанг севги,  
Қолмасманми ақлдан озиб.  
Бошларимни пойингга қўйсам,  
Бўлурманми сенга муносиб?



---

\* \* \*

Дунёга на ишку иштиёким бор,  
На-да шодлик, на-да хуш чоғим бор.  
Хажру фироғингда куйиб кул бўлган,  
Кўксимда ўпкондек яра, доғим бор.

\* \* \*

Кулингга назар эт, ай меҳрибоним,  
Йўлларимни ёрит хуршиди рахшоним.  
Олам зулумот уй сениз мен учун,  
Сен-ла нурафшондир жону жаҳоним.

\* \* \*

Ўранмоқда дунёлар оппоқ,  
Оппоқ қорлар ёғмоқда масъум.  
Учрашамиз бекатда ногоҳ,  
Кўзларингда сирли табассум.

Хусн кўшар яна ҳуснингга,  
Оппоқ қорлар беғубор, масъум.  
Капалакдай қўнган юзингга,  
Оқ қорларга келар ҳавасим.

Олиб кетар сени автолар,  
Юрагимга солганча излар .  
Умид ила кунлар, ҳафталар,  
Жовдирайди нигорон кўзлар.

Яна қорлар ёғмоқда маъсум,  
Учрашамиз бекатда ногоҳ.  
Кўзларингда сирли табассум,  
Ўранмоқда дунёлар оппоқ.



---



## ҚИЁМ ПАЛЛАСИ

Ётар қанча ишларим чала,  
Кўча бўйлаб борардим шитоб.  
Ортга боқсам, келар бир бола,  
Нигоҳида чарақлаб офтоб.

У ортимдан келар изма-из,  
Тўхтаб қолсам, у ҳам тўхтайди.  
(Бола менга бўлиб юзма-юз,  
Ниманидир айтмоқ истайди).

Тошиб борар дилимда алам,  
(Йўқотганман ўзимни чиндан).  
Ўғлим тенги қайсар, ўр бола,  
Таъқиб этар тинмай ортимдан.

Ёдга тушар қишлоқ. Тун. Дала,  
Дилгир ҳаво, чор-атрофда куз.  
Десам-да, кўй, ҳолимга болам,  
Таъқиб қилар мени изма-из.

Кўрмаганман бундай рақибни, —  
Таранглашар бардош, асабим.  
Бўлди, дейман, тўхтат таъқибни,  
Аmmo бола укмайди гапим.

Дилгир ҳаво, сиқилар кўнгил,  
Кетаяпман билмам, қайга мен?  
Ўн икки ёш беғам, соддадил,  
Болаликка қандай қайтаман?

Болалигим. Тупроқ йўл. Дала,  
Қайтолмасман энди ортимга.  
Қун қиёмдан оғаётган палла,  
Қор бўралаб ёғар бошимга.



---



## УСМОН НОСИР СЎЗИ

Осмонимнинг юраги пора,  
Мени чорлаб очмоқда кучоқ.  
Яшаш учун ахтариб чора,  
Бегонадир менга тиз чўкмоқ.

Минг қайнатса қўшилмас қоним,  
Одамтахлит бўрилар билан.  
Ўлган яхши бўлгандан шерик,  
Хоин, сотқин ўғрилар билан.

Кимларгадир ёқмасман аниқ,  
Дўстлар, аён ўзимга феълим,  
Деманг менга, барига кўник,  
Яхшироқдир хўрликдан ўлим.

Ачинмангиз, тўкмангиз кўз ёш,  
Ёш кетди деб шоир Усмонга.  
Мен қандайин берайин бардош,  
Ётса Ватан беланиб қонга...





\* \* \*

—Йўлдами, чўлдами бораётган кас,  
Қайга ошиқасан, очгин дилингни?  
—Кездим бу дунёни фарсахма-фарсах,  
Йўлимни кутяпман, йўлимни.

—Бошини тошларга ураётган зот,  
Йўқотган ўхшарсан Ватан, элингни.  
—Жонларимдан ўтди мусофир ҳаёт,  
Ўлимни кутяпман, ўлимни.



---



## НИЯТНИ ЯХШИ ҚИЛСАНГ

Шоқол бўлар баковул арслонлар ухлаганда,  
Йўрғалар ёлғон-яшиқ, ҳақиқат тўхтаганда.

Кори бадлар қилмиши ёмонлик, ранжу малол,  
Яхшиларнинг ҳиммати яшамоқ камтар, ҳалол.

Парҳезда бўлаолсанг нодонлар суҳбатидан,  
Демак доим дархонсан бемаҳал кулфатидан.

Илон чиқар инидан тилларингдан томса бол,  
Акси бўлса мабодо, очилгайдир ўзга фол.

Ниятни яхши қилсанг Эгам ўзи ёр бўлгай,  
Ёмонларнинг алҳазар, мурдаси ҳам хор бўлгай.

Эзгуликдан ахтариб мудом қувончу, сурур,  
Тоғдай юксалиб яша, бошинг кўтариб мағрур.

Ўтмай десанг оламдан надомату пушмонда,  
Одамлик рутбасини унутмагин ҳеч онда.

Феълингдан гўлу гумроҳ, исён қилар виждон гоҳ,  
Юракка тушмасин доғ, имонингни сақла пок.

Беармон бир замон йўқ, дард чекмаган жон йўқ,  
Ниятни яхши қилсанг, сендан бахтли инсон йўқ.





## ЭЙ

Эй, қалбимни ёндирган,  
Кўзларим қувонтирган.  
Ўзни ўздан тондирган,  
Йиғлатиб, юпантирган.

Эй, қадлари суманбар,  
Кўксингда мушки анбар,  
Чашмингда кулар саҳар  
Зулфингда ухлар хатар.

Эй, бепоён осмоним,  
Томиримдаги қоним.  
Мисли руҳи равоним,  
Жоним ичинда жоним.

Эй, аршдаги меърожим,  
Мунисим, қалдирғочим,  
Жоним этай хирожим,  
Қоши камон, қиймочим.

Эй, гул бўлиб яралган,  
Гул ифори таралган.  
Жонга тиғдек қадалган,  
Фақат менга аталган.





## ИНСОН УМРИ

Кунларнинг шитоби ошар тобора,  
Сомон йўлларида гардларинг сомон.  
Дардинг айтолсайдинг бировга зора,  
Яшаш бўлармиди сенга ҳам осон?

Нега кетармиз, деб чекмагин қайғу,  
Янгидан зувола қорар лойингдан...  
Кетиш бу... туганмас, абадий уйқу,  
Бошқалар келади тахту пойингга.

Чўнг ҳикмат нишони куз ила баҳор,  
Туғилиш, ўлимда не синоат, сир?  
Табиат қонуни собит, барқарор,  
Ҳайбатли тоғлар ҳам кулар-ку, ахир.

Тақдир илоҳийдан келса ишорат,  
Ажабмас, саҳролар жаннатга дўнса.  
Сулаймон қурган у метин иморат,  
Қулаши бегумон, паймона тўлса.

Жавзода шамоллар ҳовурин пуркаб,  
Хазонга совурса гул- гиёҳларни.  
Ортидан келувчи кўкламлар кўркам,  
Гулларга чулғайди чаман боғларни.

Умрингдан кечади замонлар неча,  
Толеинг дарахти минг ғунча очар.  
Фалак аробаси тин олмай пича,  
Еллар бир кун хокинг оламга сочар.

Бахтлисан, саҳарда очиб кўзингни,  
Анвойи гулларни эркалаб суйсанг.  
Уларнинг бағрига ташлаб ўзингни,  
Бахтлисан гўдаклик чоғингни туйсанг.

Вазмин тортиб борар тобора сўзлар,  
Бот-бот бир ҳикматни борарман уқиб.  
Билдим, аҳли инсон умри, азизлар,  
Лаҳза эсиб ўтган эпкин бор-йўғи.





\* \* \*

Дурахшон юлдузлар кўкка сочилмиш,  
Энг ёруғ юлдузни солдим кўйнимга.  
Иқболим чечаги бу тун очилмиш,  
Энг нозик билаклар кучди бўйнимдан.

Қаҳқаҳа отишиб кўкдан галма- гал  
Хушимни олмангиз сулув юлдузлар.  
Энг бахтли одамга бермангиз халал,  
Солманг юрагимга сернағма ҳислар.

Бир журъат уйғонди тўнган қонимда,  
Нотавон шарпадек сездим ўлимни.  
Дурахшон юлдузлар қаҳқашонида,  
Энг узун сочларга очдим дилимни.

Қалбимнинг мулкини этдингиз асир,  
Ким айтар Сизларни, бепарво, тилсиз.  
Кўнглим осмонида инжа беназир,  
Хурлар узолмаган энг хушрўй гулсиз.

Энди мен коинот фуқаросиман,  
Сомон йўлларидек ёруғдир ўйим.  
Мен бу кун оламда энг улкан Одам,  
Энг ёруғ юлдузга етади бўйим.



---



## ЎТИНЧ

Ёнмасман ўтда ёксанг,  
Чўкмасман от, уммонга.  
Биргина кулиб боқсанг,  
Бошим етар осмонга.

Ҳозир бўлсанг ёнимда,  
Кўкка ёзардим қанот.  
Туғён ёниб қонимда,  
Муродимга етардим.

Десинлар, ишқ осмонда,  
Десинлар, севги гуноҳ.  
Токи таним бор жонда,  
Ўзингсан менга паноҳ.

Айтай десам сиримни,  
Ишонмасман қаламга.  
Қандай яшай умримни,  
Сен бўлмаган оламда?!

Булутларда ўйнайман,  
Юрак—қўлимда машғал.  
Севги сендан тонмайман,  
Ҳаётим Сен, Сен ажал.

Ҳам ерда, ҳам самода,  
Билмасман асло тўзим.  
Сен бўлмасанг дунёда,  
Кимга керакдир сўзим?

Тоғларда мисли Фарҳод,  
Тошларни қилгум талқон.  
Биргина ўтинч фақат,  
Сўзларимга Сен инон.





\* \* \*

Олис масофалар, йиллар сўнгида,  
Чехранг нигоҳимда бўлар намоён.  
Бир-бир жонланади кўзим ўнгида,  
Ёшлигим боғлари тоза, навқирон.

Ўчмас хотирамдан нигоҳинг маънос,  
Саволлар чарх урар: нимага, нега?  
Яшашга кўникдик бир-бирдан олис,  
Бўйсуниб тақдири азал измига.

Лабларинг ненидир пичирлар аста,  
Хазонлар кезасан чалғитиб ўзинг.  
Эҳтимол, кўзларим тушади эсга,  
Илиқ ҳароратдан титрайди кўксинг.

Ўзинг яқинимсан, ўзинг йироғим,  
Балки бахтлидирсан хижрон шаҳрида.  
Ҳамон олислардан чашми қароғинг,  
Мени чорлайверар ҳаёт бағрига.

Фақат шу тасалли менга кифоя,  
Эшигим ортидан боқиб турар куз.  
Мабодо, Аллоҳим қилса иноят,  
Тонгла қиёматда кўришармиз юз.





Оромим йўқотдим, ором бер энди,  
Жамшиддан қолган жом бер энди,  
Исмимни ёдимдан қўйдим чиқариб,  
Девонангга ўзинг ном бер, энди.

\* \* \*

Осмонимнинг шамсу қамари ўзинг,  
Кўнгил мулкининг шоҳи сарвари ўзинг,  
Не сифат-ла Сени таъриф этсам оз,  
Оламда бори гўзаллик, бари ўзинг.

\* \* \*

Вафо айлаб ваъда, жафо этмоқми,  
Хатолар устина хато этмоқми,  
Мақсаду муддаонг алал -оқибат,  
Жонимни танимдан жудо этмоқми?





\* \* \*

Олам тагин аёз ҳукмида,  
Қорларини элайди осмон.  
Атроф-борлиқ сокин уйқуда,  
Тоғу даштда изғир қаҳратон.

Қиш тушгандек офтоб қасдига,  
Шоша-пиша кунлар ўтмоқда.  
Сабот ила музлар остида,  
Бинафшалар илдиз отмоқда.

Шошилади ҳаёт — жовидон,  
Қутар мени бокира тонглар.  
Ғуборларин ювади осмон,  
Томирларда югурар қонлар.

Гарчи бугун аёз исканжа,  
Нигоҳларим ўрайди қорга.  
Олдда ҳали қувончлар қанча,  
Кунлар мени элтар баҳорга.

Кўйлак каби кечаги кунни,  
Мен устимдан ечиб отаман.  
Яқин қилмоқ учун йўлимни,  
Кенг далани кесиб ўтаман.

Олдда ҳали ажиб бир ҳаёт,  
Умид билан қарайман йўлга.  
Момо ердан қувват олиб бот,  
Бутоқларим ўрайман гулга.

Ибтидога эврилмоғим шарт,  
Яшнаганда умрим баҳори.  
Олдда орзу, умидлар бегард,  
Чорлар мени гуллар ифори.



---



Келганида саховатли куз,  
Узилганда бандидан япрок.  
Олар мени жимгина бесўз,  
Илиққина бағрига тупрок.

Она ердан куч олиб қайта,  
Майса бўлиб кўтараман бош.  
Яратганга саловат айта,  
Талпинаман ўзингга қуёш.





\* \* \*

Яшагим келяпти, яшагим ёна,  
Таъмагир сўзларга сезмай муҳтожлик.  
Кўзларим чарақлар дадил, мардона,  
Хиёнат, ёлғонга қиламан кожлик.

Бу тонг яшашимга кафолат бордек,  
Осмон ярақлаган кўзгу сингари.  
Митги кулбахонам кўзимга тордек,  
Қарайман ёп-ёруғ дунёлар сари.

Қарайман, вужудим айланиб кўзга,  
Ёп-ёруғ осмонлар сеҳрга тўла.  
Қарайман, чароғон осмондан бизга,  
Оқиб келаверар жарангдор шуъла.

Ҳали туғилмаган даҳолар ҳаққи,  
Сўзларим қиличдек, кескир, мардона.  
Ҳали рўй бермаган гуноҳлар ҳаққи,  
Ёруғ дунёларга боқарман ёна...



---

\*\*\*

Томуғ азобида йилларим ўтди,  
Дунё тингламади ҳасрат, додимни.  
Сабр-тоқат забун. Исёнлар йитди.  
Тамоман унугдим асл отимни.

Кўзда ёшим билан куларман, ҳайҳот,  
Ўзни армонга ёр қиларман, ҳайҳот.  
Сабр-тоқат забун. Ў, дил ўртанма,  
Неки қилсам ночор қиларман, ҳайҳот.

Дунёга қарайман, бепарво, лоқайд,  
Ўлди томирларда ҳаяжон, титроқ.  
Юрагим, дунёга армонларинг айт,  
Тоғдай ғурурингни йитирма, бироқ.

Хиёнат, алдовлар қасдимда гоҳо,  
Хушомад, навозиш васфимда гоҳо.  
Нечун тингламаслар ҳасрат, додимни,  
Нечун унутганлар асл отимни?!

Кўзда ёшим билан келарман, ҳайҳот,  
Ўзни тупроққа тенг қиларман, ҳайҳот,  
Сабр-тоқат забун. Ў, дил ўртандинг,  
Қачон ўзлигимни биларман, ҳайҳот?



---



## СУРУР

Чаппор ураётир рухда бир хайрат,  
Пода уюридай қалкийди абр.  
Ҳамал тонгларида дил Ийсо сийрат  
Йўлга чиққим келар интиқ, бесабр.

Йўлга чиққим келар унутиб ўзни,  
Баҳор чечагидай қикирлаб, кулиб.  
Найсон сувларида ювман юзни,  
Қушлар чуғурини тинглайман тўлиб.

Ўрик шохларида инжулар оппоқ,  
Пойимга тўшалар ям-яшил бир йўл.  
Йўлга отланаман. Кун очар кучоқ,  
Дилга сарбон бўлар ходийи субул.

Чаппор ураётир рухда бир дунё.  
Қизлар нигоҳида муҳаббат ниҳон.  
Туғилгим келади қайтадан гўё,  
Гуллар ифоридай бўлиб жовидон.



---



## ЭҲТИМОЛ

Англадим, дунёга келдим бемахал,  
Умримга суиқасд қилсамми дейман.  
Ҳаёт не, ўлим не, фарқладим сал-пал,  
Етар, мен ниманинг ғамини ейман.

Ўттиз йил дунёнинг тор бир кунжида,  
Қалбни қиймалашдан толиқдим, тўйдим.  
Юрак долғаларим сокин, тинчиган,  
Серғавғо оламини унутиб қўйдим.

Замин жим айланар ўқида ҳамон,  
Турфа манзаралар, турфа одамлар.  
Менинг кутганларим барчаси ёлғон.  
Руҳимни чулғади рутубат, ғамлар.

Неча бор дунёдан қўл силтаб буткул,  
Ўзимни ўлимга чоғлаганим бор.  
Ниҳоят англадим бу энг сўнгги йул,  
Энг сўнгга чорадир, ўйлайман такрор.

Кўнгилни орзулар тарк этмай ҳали,  
Наҳот тугаб битар ногаҳон йўлим.  
Мен кетсам, қай юрак топгай тасалли  
Эҳтимол, кимгадир керак бу ўлим...



---



## ҚАЛБИМ ВАТАНИ

Юрак— кўкрагимда ёнаётган тош,  
У, борки, дунёда сўнмас овозим.  
Ҳаётбахш бир сўзни ҳаётга уйқаш,  
Юракдан ахтариб топишим лозим.

Оёғимга таниш жами йўлларга,  
Ёзмоғим лозимдир қайтадан изим.  
Сулув аёлларга рақиб гулларга,  
Ахтариб топарман юракдан исм.

Ўқлар овозидан ухламаётган,  
Оламнинг кўзлари толиқиб оғрир.  
Қон билан ёзаман ушбу сабабдан,  
Ахтариб топган у исмни ҳозир.

Гўдак кулгусига кўмилган ҳаёт,  
Мен топган исмга ёнма-ён турар.  
Унда ўз бахтини кўриб одамзот,  
Нигоҳида соғлом ҳаёт уфурар.

Улкан харитага тикиб кўзимни,  
Йиллар тўзонини кечиб чопарман.  
Шундай жозибали, гўзал исмни  
Қалбим Ватанидан бир кун топарман.



---



## БАҐГ

*Баргдек узилиб кетсам, Унутмас мени боғим.*  
Усмон НОСИР

Барггинам, барггинам нега узилдинг,  
Бемаҳал заминга тўкилдинг нечун?  
Ҳар қузак негадир кўнглим бузилди,  
Юрагим япроқдек титради беун.

Бир ҳасрат кўксингда қолибди пинҳон,  
Бир шодлик кўзингда бўлди жувонмарг.  
Бу қандай ғулудир, бу қандай исён,  
Учибсан боғимдан мисоли бир барг!

Орзулар бу боғда етим қолмагай,  
Ҳеч адо бўлмагай ёнишлар бироқ.  
Сендайин япроғин асрай олмаган.  
Боғбонга нафратим келади кўпроқ,

Мен нени кўрибман ҳаётни таниб,  
Неларга гувоҳдир бу кўҳна дунё.  
Сени узган қўллар синдику аниқ,  
Кўнгил кенгликлари ёришмас аммо.





## ҚАЙТА ҚУРИШ

Янгиланди эски уйнинг сувоғи,  
Энди мошовамиз кумуш товоқда.  
Дўстим, зўр бўлади энди буёғи,  
Хуллас, қайта қуриш ҳамма ёқда.

Энди ортимизга қайтмаймиз асло,  
Ўзимиз эскию, сўзимиз янги.  
Сотиб олдик янги арава ҳатто,  
Фақат аравани тортар қирчанғи.



---



## МУНДАРИЖА

Баҳор бу ўлкага келганда такрор .....	5
Бузилар ёмғирнинг томчиларидан .....	6
Ҳақиқат .....	7
Рухимда ҳайратлар.....	8
Даладан қайтарди қиз .....	9
Отам ҳақида қўшиқ.....	10
Соғинч.....	11
Чорлов.....	12
Ўтаётган йиллар .....	13
Давр айбдормас, .....	14
Қамишдан мен тикайин либос .....	15
Тахт.....	17
Нечун.....	18
Дунё ёлғон букун, .....	19
Сина, мени синайвер, юрак .....	20
Дераза .....	21
Мен кетарман.....	22
Ўзбекистон.....	23
Уйғониш.....	26
Эврилиш.....	27
Усмон Носир сўзи .....	28
Майсалар сочи пахмоқ .....	29
Ибтидо.....	30
Иддао.....	31
Мен қанча гапирмай диёнатлардан .....	32
Чўлпонга эргашиб.....	33
Умумий вагон .....	34
Менинг умид билан кўкка чўзган қўлларим .....	35
Огоҳ бўлинг .....	36
Отам хотирасига.....	37
Мен узоқ яшадим. Қирқ йиллик ҳаёт.....	38
Бу бизнинг халқимиз .....	39
Ҳақсизлик деб аталган бу сиртмоқ бўйнимда .....	40
Инсон.....	42
Танимда ухлამас бир дард .....	44





Сен ким, .....	45
Дунё ишларига ҳайронсан, ҳайрон .....	47
Қадим-қадим бир замонда .....	48
Хўжа Аҳмад Яссавийга .....	49
Юрагим .....	50
Она, сизни бир кўришга ташна бўлдим.....	51
Фақир йўли панада дерлар .....	52
Сурхонча .....	53
Кўҳна оҳангларда .....	54
Ўзбеклар сўзи .....	55
Кема .....	56
Чўлпон нидоси .....	57
Имон унутилса, булганса ҳалол .....	58
Оналар йиғлайди.....	60
Мусофир.....	62
Эрк.....	63
Она юрт .....	64
Хулоса .....	66
Болалик дарслари.....	67
Суйгун бўлолмадим.....	68
Алам .....	69
Бир қалқиб тўхтади пойимда дунё .....	70
Уйғон, туркистон.....	71
Гулиқаҳқаҳ.....	73
Мен сенинг ёдингдан чиқдим.Унутдинг .....	74
Надомат .....	75
Дунё сўрамадим .....	77
Қисмат билан келиб юзма-юз .....	78
Зиллат дарборида қотилди бода, .....	79
Мен ашъор битмадим шунчаки, осон .....	81
Яссавийни ўқиб.....	82
Васият.....	83
Агар сўзласайди бу она тупроқ.....	84
Эй жон.....	85
Ҳаёт — бир ялт этиб чақнаган чақмоқ .....	86
Тилак .....	88
Диллар биларми? .....	89
Парвардигордан бўлак.....	90





Ҳаёт, дедим бағрингга кузат .....	91
Тўртликлар.....	92
Кўйингга харобман, десам, парво қилмайсан .....	92
Келганингдан қувонмадим, бот кетарсан .....	92
Аҳдимни бузиб, сенга бурмайин юз .....	92
Эски нақл .....	92
Худодан қолма .....	93
Тузатиш .....	94
Ўз ўзимга .....	95
Болалик армонлари .....	96
Кузнинг юпун кечалари .....	98
Ота макон.....	100
Улуғ ватан .....	101
Турон бўлмаса .....	102
Сурхон манзумаси .....	104
Кўп бунча.....	105
Авжи йигитлик чоғимиз .....	106
Армон .....	107
Йўл.....	108
Айрилиқ манзараси.....	109
Дам ғанимат .....	110
Осмон ютар оқ юлдузларни .....	112
Инкор.....	113
Нажмиддин Кубро нидоси .....	114
Кутиш .....	115
Одамий бўл.....	116
Чалпак ёққан кеча .....	117
Ҳақ қисмати бандасига битилган тақдир .....	119
Бўлмас .....	120
Абадият зикри .....	121
Кекса дарахт.....	122
Душман .....	123
Рауф парфига .....	125
Уй.....	127
Тўртликлар.....	129
Бахилга .....	130
Эй биродар.....	132
Тўртликлар.....	134





Исмини йўқотган одам ҳасрати .....	135
Фурсат .....	137
Инсон ўтар .....	138
Майдон ичинда.....	140
Яшаш ҳуқуқи.....	141
Турмуш мақоми.....	143
Тўртликлар.....	145
Келдим.....	146
Савдо .....	147
Умр довонлари.....	148
Умрим кета кетгунича.....	150
Мен эртадан яшай бошлайман .....	151
Ошиқ кўнглим бечорадур .....	153
Анинг ишқи .....	154
Тўртликлар.....	155
Бизни қаландар қилган .....	156
Ой юзингни.....	157
Баланд тоғлар, баланд тоғлар .....	159
Ай, қиз.....	162
Боғимда юз очган ғунча .....	163
Севги мамлакати .....	164
Сочларинг тўлқини .....	165
Видо айтдинг .....	166
Гулим.....	167
Тўртликлар.....	168
Ошиқ дилим.....	170
Дилмуроднинг шеъри .....	171
Келганида гулдай яшнаб баҳорларим .....	172
Муҳаббат шавқи-ла бу ҳаёт на хуш .....	173
Ай, бодом қабоғим, юпқа томоғим .....	174
Тўртликлар.....	175
Эрка хаёлимнинг малаги .....	176
Йигирма йил - қисқами, узоқ .....	177
Бу қиз .....	178
Келадур .....	179
Гулпари .....	180
Эй санам, маҳзун дилимни ханжари ғам поралар .....	181
Дилга етди кўп ситамлар ул паривашдин яна .....	181





Дилда озорлар.....	182
Потини.....	184
Тўртликлар.....	185
Илтижо .....	186
Тўртликлар.....	188
Кўз қарошингиз бунча мулойим .....	189
Илинж.....	190
Тўртликлар.....	191
Тўртликлар.....	192
Суманбарим .....	193
Шоир бўлсанг .....	197
Тўртликлар.....	198
Кўкламойим .....	199
Кўклам .....	200
Найсон кечаси.....	203
Яна баҳор .....	204
Тўртликлар.....	205
Нафасларим аниқ. Сезгулик.....	205
Ҳазилнамо.....	206
Ҳувайдо орзулар .....	207
Онамга.....	208
Ҳаётманки.....	210
Тўртликлар.....	211
Ҳаваскор шоирларга .....	213
Ассалому алайкум.....	215
Мактуб.....	216
Дўст овози.....	217
Ҳур ҳисларга очик эшигим ўзинг .....	219
Отамни эслаб.....	220
Эй кўнгил.....	222
Тун ила тонг ичинда, сув ила қон ичинда .....	224
Ҳажринг оташинда жонимни ёқдинг .....	225
Ишқ асли недир у, бир имтиҳонми .....	225
Онам бўлиб .....	226
Эски усул .....	228
Кўзингни юм .....	229
Феъли тор, кўз бежо кўрсанг кўзингни юм .....	229
Билмам, неча кунлик умр савдоси .....	230





Меҳр ширин сўз асли, кўзларда унинг акси .....	230
Ўтиб борар аҳли мардум .....	231
Содда фалсафа.....	233
Осмон неча қават, ер неча қават .....	234
Баҳор бўлай, дедим .....	235
Зангор тунда гуллар оғочлар .....	236
Яна баҳор келди .....	237
Мен сени суйганимни .....	238
Кетаяпман.....	239
Самарқанд.....	240
Бир куни мени йўқласанг севги .....	241
Дунёга на ишқу иштиёқим бор .....	242
Қулингга назар эт, ай меҳрибоним .....	242
Ўранмоқда дунёлар оппоқ .....	242
Қиём палласи.....	243
Усмон Носир сўзи .....	244
Йўлдами, чўлдами бораётган кас .....	245
Ниятни яхши қилсанг .....	246
Эй.....	247
Инсон умри.....	248
Дурахшон юлдузлар кўкка сочилмиш .....	249
Ўтинч.....	250
Олис масофалар, йиллар сўнгида .....	251
Олам тагин аёз ҳукмида .....	253
Яшагим келяпти, яшагим ёна .....	255
Томуғ азобида йилларим ўтди .....	256
Сурур.....	257
Эхтимол.....	258
Юрак — кўкрагимда ёнаётган тош .....	259
Барг .....	260
Қайта куриш .....	261



**Абдумажид АЗИМ**

*Танланган  
асарлар*

**4 ЖИЛДЛИК**

**1-ЖИЛД**



**ҚИЁМ ПАЛЛАСИ**

(1978-1995 йиллар)

(ШЕЪРЛАР)

**МУҲАРРИР** Д. УЛУҒМУРОДОВ

**ДИЗАЙНЕР** И. АДИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси  
хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги  
томонидан 3996-сонли ТАСДИҚНОМА берилган.

Босишга 2022 йил 29 июлда рухсат этилди.

Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ , Офсет қоғози.

Офсет босма усулида босилди.

РТ Astra Serif гарнитураси.

Шартли босма табоқ 10,5. Адади 2000 нусха.

Оригинал макет

“FIRDAVS-SHOH” нашриётида тайёрланди.

Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30.

Тел.: 90-372-85-17